

551.5(02)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ

А.Акбаров, Д.Назаралиев, Х. Абдуллаев.

# МЕТЕОРОЛОГИЯ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими илмий-методик бирлашмалари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Кенгаш томонидан ўқув қўлланма сифатида тавсия этилган

2004012

Тошкент - 2008

551(045)

A-40

Ўқув кўлланма Ўзбекистон Республикаси ОЎМТВнинг 2008 йил 28  
февралдаги 51-буйруғига асосан чол этишга тавсия этилган


УДК 627.133(075.8)

**А. Акбаров, Д. Назаралиев, Х.Абдуллаев**  
Метеорология. Ўқув кўлланма, 2008. - 162 б.

**Тақризчилар:** И. Бегматов, т.ф.н., ТИМИ, доцент  
Ю.Тогаймуродов, ф-м.ф.н., ГМИТИ,  
етакчи илмий ходим

Ўқув кўлланмада Метеорологиянинг мақсад ва вазифалари, шу соҳа бўйича Ўзбекистон Республикаси гидрометеорология хизматида олиб борилаётган ишлар, ўлканинг метеорологик шароити ёритилган. Бундан ташкири об-ҳаво кузатишларининг асосий элементлари хусусияти, кузатишларни олиб бориш ва ўлчов асбоблардан фойдаланиш ҳакида маълумот берилган. Метеорологията бағишиланган ўқув кўлланмаси «Гидрология, гидрометрия ва оқим ҳажмини ростлаш» фанининг бир кисми хисобланади. Ўқув кўлланмасининг мазмуни фан бўйича тасдиқланган наъмунали дастурга мос равища тайёрланган. Ўқув кўлланмаси 5850300 «Экология ва атроф-мухит муҳофазаси» бакалаврият йўналишида таълим олаётган олий ўқув юртлари талабалари учун мўлжалланган. Шу билан бирга ўқув кўлланмасидан «Иклим шунослик» ва «Гидрометеорология» йўналишидаги коллеж талабалари ва шу соҳа ходимлари фойдаланиши мумкин.

637775



© Тошкент ирригация ва мелиорация институти, 2008 йил

## Сўз боши

Мустакиллик тифайли Республикализнинг барча жабҳаларида олиб борилаётган ислоҳатлар қатори сув хўжалиги соҳасини ҳам тубдан қайта кўриб чиқишига алоҳида эътибор берилмоқда.

Мазкур ўкув кўлланмаси «Гидрология, гидрометрия ва оқим хажмини ростлаш» фанининг бўлими бўлган «Метеорология»га багишланган бўлиб, фан бўйича тасдиқланган намунавий дастур асосида тайёрланган.

Ўкув кўлланмасининг асосий мақсади метеорологияни ўрганишига йўналтирилган бўлиб, талабаларга унинг асосларини бериш, об-ҳаво элементларини ўлчаш асбоблари билан танишириш, кузатиш ишиларини олиб бориш ва маълумотларни қайта ишиш, тахлил этишни ўргатишидир.

Ўкув кўлланмани тайёрлаща Москва, Санкт-Петербург, Тошкент ва бошқа шаҳарларда метеорологияга оид чоп этилган, ўкув кўлланмалар ва шу соҳага оид илмий-тадқикот институтларида тайёрланган монография ва илмий мақолалардан фойдаланилди. Ўкув кўлланмасида киристилган маълумотлар қайта ишланиб, имконият даражасида ўлкамизнинг метеорологик хусусиятларини инобатта олишга ҳаракат қилинди. Талабаларга метеорология соҳасида кейинги йилларда эришилган фан ва техника янгилклари ва шу билан бирга Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган асбоб - жиқозлари ҳакида маълумот берилди.

Ўкув кўлланмасининг «Фан бўлими ҳакида маълумотлар» кисмида фан бўлимининг мазмуни, унинг вазифалари, ривожланиши тарихи, бошқа фанлар билан боянганлиги, метеорологик элементларни кузатиш усуллари, кузатиш муддатлари ва олинган маълумотларини қайта ишишда «Метеорология» нинг аҳамияти баён этилди.

Ўкув кўлланмасининг асосий кисми «Метеорология»да ўлканинг иклимий шароитлари атмосферанинг тузилиши ва таркиби, метеорологик станцияларда кузатиладиган барча об - хаво элементлари ҳакида, метеорологик башоратларни тузиш бўйича тушунча, хавфли об -хаво ҳодисалар ҳакида ва агрометеорологик кузатишларга тўхтаб ўтилди.

Ўкув кўлланмасининг З-кисмида ўкув кўлланмасига киритилган атамаларнинг кискача луговий маъноси келтирилган .

Муаллифларнинг Тошкент ирригация ва мелиорация институтида ва Ўз Гидрометда кўп йиллар давомида олиб борган иммий - педагогик фаолиятларининг натижалари ўкув кўлланмасини ёзилиши асос бўлди.

Ўкув кўлланмаси бу соҳадаги илк тажрибалардан бири эканлигини инобатта олганда, у айрим камчиликлардан ҳоли эмаслити табиийдир. Шу сабабли муаллифлар китоб ҳакида билдирилган барча бегараз фикр ва мулоҳазаларни қабул килишга тайёр.

## **1- кисм. Фан бўлими ҳакида маълумотлар.**

### **1.1. Метеорологиянинг мавзуси, вазифалари, унинг бошқа фанлар билан боғланганлиги.**

Хаётимизда об - ҳавонинг аҳамияти жуда каттадир. Инсон ва ҳамда барча тирик мавжудод доимо атмосферада узлуксиз содир бўлаётган физик ҳодисалар ва жараёнлар таъсиридадир.

**Атмосфера ҳодисалари** - шамол, ёмғир, дўл, яхмалак ва б. инсон фаолиятига катта таъсир кўрсатади. Улардан баъзилари унинг меҳнатини осонлаштиради ва иш унумдорлигини оширади ва аксинча, бошқалари факат зарар келтиради.

Ер шарини ўраб турган ҳаво қатлами - атмосферада содир бўладиган барча физик ҳодиса ва жараёнларни ўрганувчи фан **метеорология** деб аталади.

Метеорология сўзи грек тилидан олинган бўлиб, ўзбекчасига «об - ҳаво тўғрисидаги фан» демакдир. Метеорология атмосферанинг тузилиши, хоссалари ва ундаги физик жараёнлар тўғрисидаги фан бўлиб, географик фанларнинг бири хисобланади.

Об-ҳаво - атмосферанинг узлуксиз равишда ўзгариб турувчи ҳолати. Мазкур жойда шу ондаги ер юзаси ва эркин атмосфера об - ҳавоси метеорологик катталиклар (харорат, босим, ҳаво намлиги, шамол ва б.) кийматлари ва атмосферадаги сув буглари конденсацияси ва шамол хусусиятларига боғлик ҳолда вужудга келувчи ҳодисалар (булут, тўман, момақалдироқ, кор бўрони, ва х.) йигиндиси билан аникланади. Инсоннинг амалий фаолиятидан келиб чиккан ҳолда метеорологик катталиклар ва ҳодисаларнинг ҳар хил мажмуи танлаб олинади.

Об - ҳаво «яхши» ёки «ёмон» лиги шунга кўра баҳоланади.

Бирорта метеорологик элементнинг ўзгариши бошка элементларнинг ўзгаришига сабаб бўлади, шунинг учун об - ҳаво ҳолати ҳамма вақт ўзгариб туради. Шунга қарамасдан илм - фан ва замонавий техник жиҳозлар билан куролланган шу соҳа мутахассислари келгусидаги об - ҳавони олдиндан айтиб бера оладилар. Бунда, албатта, ҳеч қандай ажабланарли сир йўк. Табиатдаги бошка ҳодисалар каби, об - ҳаво ҳолатининг ўзгариши ҳам маълум қонуниятларга бўйсунади: об - ҳавонинг ҳар қандай ўзгариши муайян объектив сабаблар билан вужудга келади. Об - ҳавонинг ана шу ўзгариш сабабларини ўрганиб, унинг ўзгариш конунларини билиб олиш, уни олдиндан айтиб беришга имкон беради. Яъни, атмосферада рўй берувчи барча жараён ва ҳодисаларни синчилаб ўрганиш ва тахлил этиш керак бўлади.

Метеорологиянинг иқлимга бағишлиланган катта бир қисми иқлимшунослик деб аталади. Метеорология таркибида бир нечта мустакил фан соҳалари мавжуд бўлиб, улар ҳар турли туркумдаги атмосфера жараёнларини ўрганади ёки бўлмаса, уларга ҳар турли тадқиқот усуслари билан ёндашади. Уларга **актинометрия, гинамик метеорология, синоптик метеорология, атмосфера оптикаси, атмосфера электри, аэрология** ва бошқалар киради.

Метеорологик хизмат кўрсатишнинг ўзига хос хусусиятларига кўра, метеорологияни бир неча қисмларга ажратишади. Уларга **авиация метеорологияси, қишлоқ хўжалиги метеорологияси, табобат метеорологияси** ва бошқалар киради. Булар кўшинча умумий ном - амалий метеорология деб аталади.

Метеорологиянинг вазифа доирасига куйидагилар киради:

- 1) атмосферанинг таркиби ва тузилишини ўрганиш;

- 2) атмосферада ва ер устида иссиликнинг айланишини ўрганиш;
- 3) намликтининг айланиши ва атмосферадаги сувнинг бошқа холатларга ўтишини ер усти билан боғлаб ўрганиш;
- 4) атмосферанинг ҳаракати - атмосферанинг умумий циркуляцияси ва маҳаллий циркуляциясини ўрганиш;
- 5) атмосферанинг электр майдонини ўрганиш;
- 6) атмосферадаги оптика ва акустика ҳодисаларини ўрганиш.

Атмосферанинг юқори кисмларидағи иқлимини ва жараёнларни ўрганиш анча аҳамиятлидир.

Метеорологиянинг барча вазифаларини бажаришда метеорологик кузатишлар назарияси ва техникасига юксак эътибор берилади.

Бу кузатишларни таҳлил килишда статистик ва синооптик усуллардан фойдаланилади. Атмосфера ҳодисаларини башорат килиш мақсадида атмосфера жараёнларнинг физика-математика назариясини тузиш муҳим вазифалардан биридир.

Кейинги йиллари атмосферадаги ҳодисаларга фаол тарьсир кўрсатиш масаласи кўйилиб, бу борада дастлабки ютуқларга эришилди.

## **1.2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси хузуридаги гидрометеорология хизмати**

Ўзбекистон худудида об - хаво ҳодисалари тўғрисидаги айрим маълумотлар ўрта аср муаллифлари асарларида ҳам учрайди. Аммо минтақа иклимини мунтазам равища ўрганиш ўтган асрнинг иккинчи ярмида, дастлабки метеорологик станциялар ташкил этилиши билан бошланди. Ҳозир Ўзбекистонда 80 тадан зиёд станция фаолият кўрсатмоқда. Улардан баъзилари, жумладан Тошкент, Фарғона, Самарканд

станциялари юз йиллардан кўп кузатув маълумотларига эга. Кўпчилик станциялар асримизнинг 30 - 50 йилларида ташкил этилган.

Халқ хўжалигининг ҳар турли обьектларини лойиҳалаш ва куриш, қишлоқ хўжалиги, энергетика ва сув хўжалиги, авиация, темир йўл ва автомобил транспорти, тоғ кон саноати ва иктисадиётнинг бошқа соҳалари кўп ҳолатларда табиий ва иклимий шароитларга боғлиқ.

Юқорида кайд этилган масалалар билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси хузуридаги Ўзбекистон гидрометеорология бошкармаси шугулланади.

Хозирги пайтда об - ҳаво ҳакидаги прогнозлардан ўлкамиздаги 2000 дан ортиқ қишлоқ ва саноат ташкилотлари фойдаланилаяпти.

Ўзбекитон гидрометеорология хизматининг таваллуд эттан расмий сана 1921 йилнинг 7 май кунидир. Шу куни Туркистон халқ комиссарларининг кичик кенгашида «Метеорологик институт ва географик кенгашни ташкил этиш ҳакида» карор қабул этилган.

Шундай килиб 2006 йил 7 майда ўлкамизда гидрометеорология хизматини ташкил этилганига 85 йил тўлди. Шу йиллар давомида Ўзбекистон худудида гидрометеорологик кузатиш станциялари, ҳамда метеорологик гидрологик ва агрометеорологик постлари, ташкил этилиб, улар керакли асбоб - ускуналар ва юкори малакали кадрлар билан таъминландилар. Гидрометеорология тармоғи бутун Республика худудини камраб олган ва халқ хўжалигини барча эҳтиёжларини тўлик таъминлайди.

Хозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология таркибига гидрометеорологик кузатишлар ва Ўзбекистон худуди бўйича табиий мухитни ифлосланиш

даражасини кузатишларни олиб борувчи 400 дан кўп пунктлар ишлаб турибди.

Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология бошкармаси таркиби Гидрометеорология илмий-тадқикот институти(ГМИТИ), «Гидрометасбоб» илмий - ишлаб чиқариш ташкилоти ва Тошкент гидрометеорология коллежи киради.

Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология бошкармаси кишлоқ хўжалиги метеорологияси, гидрология, музлиқшунослик ва гидрометеорологик жараёнларга фаол таъсир этиш соҳалари бўйича йирик марказга айланди. Ўзбекистон олимлари иклим, стратосфера озони, табиий мухит мониторинги соҳалари бўйича тадқикот ишларини олиб бора янтилар.

Об - ҳаво ва иклимини ўрганишда йўлдошлар тизимидан унумли фойдаланияпти. Бунинг натижасида ҳар кун коинотдан атмосферанинг ва сайёра юзаси ҳолати бўйича мукаммал маълумотлар келиб турибди.

Гидрометеорология бошкармасида 1967 йилдан бери суратлар кўринишида маълумотлар олиб туриляпти. Бу маълумотлар асосида булутлар тизимини таҳлил этиш, тоғли жойларда кор захираларини баҳолаш, усуллари яратилди. Бундан ташкари Ўзбекистон яйловларидағи ем - ҳашак захираларини аниклаш бўйича янги технология ишлаб чиқилди. Марказий Осиё худудининг паст текислик ва тоғли жойларда кор билан копланганлик даражасини аниклаш ўрганилди.

Ҳозирги кунда мутахассислар атмосферанинг ҳолати ҳакида аник маълумот олиш максадида Республиkaning аэрологик станцияларида баландлик бўйича зондлаш ишларини олиб боришаётпи. Ўлчов жихозлари шар - зондлар ёрдамида 30 км баландликга кўтариляпти. Самолётларнинг бехатар парвозини таъминлашда аник ва кундалик маълумотларнинг мавжудлиги аҳамиятладир.

Авиацияни метеорологик маълумотлар таъминоти билан ҳар бир аэропортда ташкил этилган маҳсус бўлим шуғулланади. Улардан энг йириги - Тошкент минтақавий авиаметмарказидир. У халқаро статусга эга.

Ўзбекистон Республикаси гидрометеорология бошқармасидағи барча станция ва постлар глобал кузатишлар тизимининг бир қисми хисобланади. Унинг иш дастурига табиий мухитнинг ҳар турли кузатишлари кирган. Уларга метеорологик, қор кўчкилари, сел оқими, ионосферали ва атмосфера ниңг электр ўтказишини ўлчаш ишлари киради.

Жаҳон метеорологик ташкилот томонидан глобал телебоғланиш тизими ташкил этилган бўлиб, улар ёрдамида гидрометеорологик ахборот оқими дунё, регионал ва миллий метеорологик марказларга юборилади ва айирбош этилади. Ўзгидромет шундай марказлардан бири бўлиб, унинг вазифасига Осиё, Европа ва Шимолий Африкадан маълумотларни тўплаш киради. Бунинг натижасида бир суткада 35 минг телеграмма ва 250 та об - ҳаво ҳариталари юборилади, қабул этилади ва қайд этилади. Барча гидрометеорологик ахборот дастурли ва техникавий манбалар ёрдамида алоқа ва ахборотни қайта ишлаш бошқармасида қайта ишланади.

Маълумки, Республикада кейинги ўн йиллардаги жадал ҳўжалик фаолияти натижасида атроф мухитда кескин экологик ўзгаришлар олиб кедди. Шу муносабат билан табиий мухитнинг ифлосланишини мунтазам кузатиш ишлари ташкил этилди.

Табиий мухитни ифлосланиши мониторинги Бошқармасини аҳамияти йилдан йилга ошиб кетаяпти. Максад битта - Республика худудида экологик вазиятни соғломлаштириш.

## **2- кисм. Метеорология**

### **2.1. Ер атмосфераси ҳақида умумий маълумот. Атмосферанинг тузилиши ва таркиби.**


Ер шари ҳамма томондан атмосфера билан ўралган. Сув океанининг чукур жойи 11 км. Сийраклашган ҳаво эса ердан 2000 км баландликда ҳам учрайди.

Ҳаво жуда енгил бўлишига қарамай, бутун атмосферада массаси  $5,157 \cdot 10^{15}$  т ни ташкил этади.

Ердаги барча жараёнларнинг манбай Қуёш энергиясидир. Қуёш ташки кобигининг ҳарорати  $6000^{\circ}\text{C}$ , марказида эса 20 млн даражага тенг келади.

Ер Қуёшдан ҳар бир дакикада 3 млн тонна бензинни ёккандা чикадиган иссиқликни олади. Мана шу иссиқликни Ернинг «кыйими» - атмосфера ушлаб туради. Шу билан бир каторда атмосфера одамзод ва ҳайвонот оламини Қуёшнинг ультрабинафиша ҳамда рентген нурлари таъсиридан саклайди.

Атмосферанинг турли баландликлардаги хусусиятлари турличадир. Ҳароратнинг баландлик сайин ўзгаришига қараб атмосфера айрим катламларга бўлинади(2.1-расм).



**2.1-расм. Ҳароратнинг баландлик бўйича стандарт тақсимланиши**

**Тропосфера.** Атмосферанинг ер сиртига ёндашган куйи катлами тропосфера дейилиб, унинг қалинлиги турлича экватор устида 16-18 км, кутб устида 8-10 км га тенг. Ҳавонинг қарийб 80% ва атмосферадаги сув буғларининг деярли ҳаммаси мана шу тропосферададир. Об-хаво ва иклимининг барча ўзгаришлари тропосфера катламида содир бўлади.

Тропосферада баландлик ортиши билан ҳарорат узлуксиз пасая боради ва баландлик ҳар 1 км га ошганда ҳарорат ўрта хисобга  $6,5^{\circ}\text{C}$  пасайди. Тропосфера билан унинг устидаги стратосфера катламини ажратиб турувчи ҳаво катлами тропопауза дейилиб, у 1899 йилда очилган. Бу қатlam чегараси кўпинча яккол ажralиб турмайди. Троопауза катламидаги

ҳавонинг ўртача ҳарорати кутб устида қарийб  $-50^{\circ}\text{C}$  совук бўлади, экватор устида эса совук  $-75\ldots -80^{\circ}\text{C}$  га етади.

**Стратосфера.** XX асрнинг бошларида стратосфера очилган бўлиб, ўз навбатида икки катламга - қуий ва юкори катламларга бўлинади. Қуий стратосфера тропопаузадан бошланиб, шу қатлам устидаги тахминан 25 км га тенг бўлган ҳаво катламини камраб олади. Бу қатламда ҳарорат  $-50\ldots -55^{\circ}\text{C}$  совук бўлиб, деярли ўзгармайди. Стратосферанинг юкори катламида ҳарорат баландлик ортиши билан ҳар 1 км баландликда ўртача 1-2 даражага исий боради ва 50-55 км баландликда унинг ҳарорати  $-20\ldots +20^{\circ}\text{C}$  ўртасида бўлади.

Стратосферада сув буғлари жуда кам миқдорда учрайди. Шу сабабли бу қатламда булутлар хосил бўлмайди. Лекин баъзида сув буғлари тўйиниб тахминан ердан 30 км баландликда садафсимон булутлар хосил киласди.

Стратосферада ҳароратнинг кўтарилишига унинг таркибида озон гази ( $\text{O}_3$ ) сабаб бўлади.

Озон гази Қўёшнинг ультрабинафша нурлари таъсири остида хосил бўлади.

Озон газининг умумий миқдори жуда кам бўлишига қарамасдан унинг атмосферада кузатиладиган жараёнлардаги аҳамияти бекиёсdir. Озон гази Қўёш радиациясининг ультрабинафша нурларини ютиши натижасида тирик мавжудот ва ўсимлик дунёсини унинг ҳалокатли таъсиридан асрайди.

Стратосфера билан унинг устидаги мезосфера қатламини ажратиб турувчи ҳаво қатлами стратопауза деб аталади. **Стратопауза** қатлами ердан 50-55 км юкорида жойлашган бўлиб бу қатламда ҳарорат бир хил бўлади, яъни бу қатламда ҳарорат баландлик бўйича деярли ўзгармайди.

**Мезосфера.** Стратопаузадан юкорида мезосфера қатлами жойлашган бўлиб, унинг юкори чегараси Ердан тахминан 85 км

баландликда кузатилади. «Мезосфера» бу «оралиқ сфера» деган маңынди билдиради. Мезосферада харорат баландлик бүйича пасайиб боради ва унинг юқори чегарасида, яъни 75-80 км баландликда  $-90^{\circ}\text{C}$  совук бўлади. Мезосферадан юқорида уни термосферадан ажратиб турувчи қатлам мезопауза деб аталади. Мезопауза қатламида хароратнинг пасайиши тўхтайди ва унинг яна кўтарилиши кузатилади. Бу жойда тонг ёришганда ёки қош корайганда ҳаво очиқ пайти ингичка ялтироқ кўкимтири-кумушранг буулутлар кузатилади.

**Термосфера.** Мезосферадан юқорида термосфера қатлами бошлигади . Бу қатламда харорат баландлик бүйича узлуксиз кўтарилиб боради. Ракеталар ёрдамида олинган маълумотларга қараганда 200 км баландликда харорат  $+500^{\circ}\text{C}$  дан юқори бўлади. 500-600 км баландликда эса  $+1500^{\circ}\text{C}$  дан ошади. Лекин термосферада иссиқлик узатиш жараёнида қатнашувчи молекулалар сони жуда кам бўлганлиги сабабли, бу қатламда учрайдиган жисмларга, масалан, ракеталарга иссиқлик таъсири унчалик сезилмайди.

**Ионосфера.** Термосферанинг пастки қатламини ионосфера деб ҳам аталади. Бу қатламда жуда кўп миқдорда ионлашган газлар мавжуд. Ионосферанинг очилиши фандаги катта ютуқ хисобланади.

Ердан тарқатилган радиотўлкин ионосфера қатламидан орқага, лекин радиоўтказгичдан анча олис масофага қайтади.

Ионланиш бирмунча кучайган пайтда ўзидан ёруғлик чиқара бошлияди. Қутб ёғдуси ана шундай хосил бўлади. Ернинг юқори кенгликларида кечаси ранг-баранг товланиб турган шульлани кузатиш мумкин. Одатда қутб ёғдуси 100 км баландликда, гохида бир неча юз километр баландликда кузатилади.

*Экзосфера.* Атмосферанинг энг юкори қатлами экзосфера деб аталади, яъни тарқалиш сферасидир. Экзосфера 800 км баландлиқдан юкорида жойлашган бу қатламда ҳаво молекулалари дунё бўшлиғига учиб кетиши мумкин.

Об-ҳаво прогнозлари учун биринчи галда тропосферада бўладиган ҳодисаларни яхши билиш зарур, чунки бу қатламда об-ҳаво ўзгариб, булут ва туман пайдо бўлади, қор ва ёмғир ёғади, момақалдироқ бўлиб, чақмоқ чақади, ҳар хил шамоллар эсади.

#### **Такрорлаш учун саволлар:**

1. Метеорологиянинг вазифалари нимадан иборат?
2. Атмосфера нима?
3. Атмосфера неча қатламга бўлинади?
4. Атмосферада кислород улуши қанча?
5. Атмосферанинг Ердаги ҳаётда қандай аҳамияти бор?

#### **2.2. Ўрта Осиёнинг иклимий шароитлари.**

Ўрта Осиё ҳудуди 2 миллион км<sup>2</sup> майдонга эга бўлиб, у Овросиё куруклигининг ўртасида, Атлантика ва Тинч океанларидан 4000 км га яқин узоқлиқда жойлашган.

Ўрта Осиёнинг йирик куруклик ичкарисида ва бир мунча жануброкда жойлашганлиги, шу билан биргалиқда, унинг шимол томони очик бўлганлиги бу ўлкада иклимининг жуда курук ва континентал бўлишига сабаб бўлади. Ўлкамизда ёз курўқ, очик ва жазира маҳаллалари келади, киш эса нисбатан сернам ва батъизида, айниқса ўлканинг шимолида, қаҳратон совук бўлади.

Ўрта Осиё иклимининг хосил бўлишида океанларнинг таъсири йил давомида сезилиб туради. Бу кўпроқ Атлантика океанида эсадиган гарбий ва шимолий-гарбий ҳаво оқими йил

давомида, киш ойларида эса, Арктика дengизлари томонидан совук ҳаво ўлкамизга хуруж килиб туради, лекин унинг таъсири масофа узоклиги сабабли айниқса ёз фаслида анча сусаяди. Ёз ойлари факат атмосферанинг 3-6 км баландликдаги қатламларидағи дengиз ҳавосигина ўлканинг жанубий-шаркий тоғли жойларига етиб бориб, у ерга совук ва юкори намлиқ олиб келади, ва натижада тоғларда буулутлар пайдо бўлиб, ёмғир ва ва қор ёғади, ҳаво ҳарорати пасайиб кетади.

Каспий дengизининг мавжудлиги ўлканинг кескин континентал икlimининг юмшашига айтарли таъсир кўрсатмайди. Каспий дengизининг таъсири кўпроқ Атрек бўйи томонларида сезиларлидир. Куриб бораётган Орол дengизи эса, эндиликда ўлкамизнинг, айниқса унга якин жойларидан икlimининг кескин континенталлигини кучайтириш ва натижада ёзларимиз иссиқроқ, киш ойлари эса аввалига қараганда (Орол дengизи сувга тўла даврда) анча совук бўла бошлади.

Йилнинг совук ойларида ғарб ва жанубий-ғарбдан Ўрта Ер дengизи томонидан эсадиган илик нам ҳаво оқимининг тутган ўрни анча аҳамиятлидир. Ўрта Осиёдаги кишики ёмғирлар мавсуми, асосан, юкорида қайд этилган ҳаво оқимиға боғлиқдир. Жанубдаги Ҳинд океанининг Ўрта Осиё икlimига таъсири бутунлай бўлмаслигига сабаб оралиқнинг пурвикор тоғлар билан тўсилганидир. Шундай килиб, ўлка атмосферасида ҳаво оқими асосан ғарбдан ва щимол томонидан келади.

**Ўлка об-ҳаво режими.** Икlim деганда айрим ҳудуддаги об-ҳавонинг режими тушунилади.

Ўрта Осиё об-ҳавосининг режими шунчалик хилма-хилки, бунга ўхшаш жойни Мустакил Давлатлар Ҳамдўстлигига топиб бўлмайди.

Ўрта Осиёда, кўпроқ Туркманистон ва Тожикистонда йилни икки даврга бўлса бўлади: иссик ва совук. Совук даврга ёмғирларнинг ёғиши ва ўзгарувчан об-ҳавонинг бўлишилиги хосдир. Бу даврнинг об-ҳавоси Ўрта Ер дengизидан келаётган циклонларга боғлиқдир. Ўрта Осиёнинг жанубида ва Эронда хосил бўладиган циклонларга боғлиқдир. Қиши ойларида худди баҳор ойлариdek илиқ кунлар тез-тез совук кунлар билан алмашиниб туриб, бунда ёмғирнинг корга айланиши кутиласи. Об-ҳавонинг бунчалик ўзгарувчанлиги туфайли энг совук қиши ойи бўлган январда ҳам қор қатлами ер устида кўп сакланмайди.

Ёмғирлар мавсуми кўпроқ ноябрнинг иккинчи ўн кунлигига бошланиб, баҳор ойлари март ва апрел ойларида давом этади. Баҳор ойларида кузатиладиган ёмғирларнинг ўзига хос хусусияти бор. Агар кузги ёмғирлар кунига 10-20 соатлаб давом этса, баҳоргилари эса киска муддатли жаладан иборат бўлади. Ўрта Осиёда факатгина баҳор ойларида момақалдирок бўлади.

Март ойининг охирги ва апрелда тезда илиқ кунлар кузатила бошлайди. Апрел ойларининг охирги кунлари ҳаво намлиги юқори бўлиб, ҳаво ҳарорати  $26-30^{\circ}\text{C}$  гача кўтарилигани сабабли ҳаво анча дим бўлади. Бу даврда ерда нам кўп бўлганлиги сабабли чор-атрофдаги ер усти яшил тусга киради.

Шундан сўнг, ёмғирлар камдан кам кузатилиб, ёз ойлари умуман бўлмаслиги мумкин.

Июн, июл, августда булатсиз иссик об-ҳаво кузатилади. Йилдаги энг иссик ой бўлиб, июл хисобланади.

Ўртacha кунлик ҳаво ҳароратининг йиллик максимуми Тошкентда 7-12 июлда, Олма-Отада 18-25 июлда, Ашхаботда 17-23 июлда кузатилади.

Ёзнинг иссик кунлари баланд тоғларга тезда етиб бормайди. Шу сабабли тоғли жойларда ёз давридаги энг иссик ой август

хисобланади ва бунда август ойининг биринчи ярми иккинчи ярмига нисбатан иссиқроқ келади.

**Хаво оқимлари.** Арктика денгизлари устида ҳосил бўлган совук ҳаво оқимлари катта худудларни, шу жумладан, Ўрта Осиёдаги мустакил давлатларни қамраб олиши мумкин. Айрим ҳолларда Арктика совук ҳаво оқимлари ҳаттоқи Эрон ва Хиндистонга ўз таъсирини кўрсатади. Арктика ҳаво оқимлари ёз ойлари Ўрта Осиёнинг чўл минтақаларида жазира машина иссиқни бир мунча пасайтирса, киш ойлари эса, аксинча иқлимининг континенталлигини кучайтириб, бу давр учун метеорологик элементларнинг тез ўзгарувчанлиги ҳосдир. Ўзбекистон Республикаси худудида Арктика совук ҳаво оқимиининг келиши ойига 1-2 марта кузатилади. Ҳар бир арктика совук ҳаво оқимиининг келиши натижасида кучли шимолий ва шимолий-гарбий шамолларнинг бўлиши кузатилади. Бундай ҳаво ҳарорати 1-2 соат ичида кескин  $6-10^{\circ}\text{C}$  пасайиб кетади. Куз ва баҳор ойларидаги тунги ҳаво ҳароратининг пасайиши натижасида экинларнинг совук уриши кузатилади.

Арктика совук ҳаво оқимиининг дастлабки соатларида ёмғир ёғиб, у тезда корга айланади. Ўрта Осиёдаги кечикган корлар март ойининг охирида ва ҳаттоқи апрелнинг биринчи ярмида ёгиши мумкин. Ўрик гуллаган пайтда ёқкан қор Арктика совук ҳаво оқимиининг натижасидир. Арктика совук ҳаво оқимиининг ўлқамизга келиши кам учрайдиган хол бўлсада, унинг об-ҳаво режимидағи аҳамияти каттадир. Шу сабабли Арктика совук ҳаво оқими кам хуруж қилган йиллари Ўрта Осиёда илик киш кузатилади, аксинча, Арктика совук ҳаво оқими тез-тез келиб турган киш ойларида қаҳратон киш кузатилади.

Ёз ойлари арктика ҳавоси кизиб турган чўллар устидан ўтиб, у ерларда ҳаво ҳароратининг бир мунча пасайтиради. Тогли

жойларда эса, арктика ҳавоси ўз ҳунарини кўрсатади: июл-август ойларида Тянь-шань, Помир ва ҳаттоқи Ҳиндистоннинг шимолий-ғарбий кисмида қучли шамоллар бўлиб, кор ёғиши кузатилади.

**Иқлиминг континенталлиги.** Иқлиминг континенталлиги факаттина ўртача ойлик ҳаво ҳарорати, ёғинлар, булатлик ва ҳоказоларнинг эмас, балки уларнинг ўртача йиллик кийматларининг кескин ўзгарувчалиги билан ифодаланади. Мисол учун, Олма-Ота шаҳрида 1934 йил февралида ўртача ҳарорат  $-0,9^{\circ}\text{C}$ , 1931 йилда эса  $-16^{\circ}\text{C}$ , 1887 йил майида  $+12^{\circ}\text{C}$  бўлса, 1917 йилда  $+21,4^{\circ}\text{C}$  бўлди. 1986 йилнинг майида 200 мм ёгин ёқсан бўлса, 1888 йилда эса факат 5 мм ёқсан; 1896 йилнинг июлида 102 мм ёқсан бўлса, бошқа йилларининг июл ойида эса ёмғир умуман ёғмаган.

Тошкентда 1917 йили 151 мм ёгин ёқсан бўлса; 1933 йили эса 547 мм ёгин ёғди, Самарқандда 1934 йилнинг май ойининг ўртача ҳарорати  $15^{\circ}\text{C}$  бўлган бўлса, 1915 йилда эса  $+22,2^{\circ}\text{C}$  тенг бўлди.

Бундан ташқари иқлиминг континенталлиги метеорологик элементларининг йиллик ўзгаришида ва ҳароратнинг кунлик ўзгаришида ўз ифодасини топади.

Иқлиминг кескин континенталлиги кутилмаган ва одатдаги муддатдан илгари совук уриши ва аксинча кунларнинг тезда исиб кетиши, айrim худудларда сел оқимларининг келиши билан ажралиб туради.

**Иқлимга орографиянинг таъсири.** Иқлимга юқорида қайд этилган атмосфера циркуляциясига таъсиридан ташқари яна маҳаллий табиий-жуғрофика омиллар, биринчи навбатда, жойнинг паст-баландлиги ёки бошқа сўз билан айтганда, орография таъсир кўрсатади. Орография таъсирининг учта тури мавжуд: биринчиси - жойнинг баландлиги ошган сари ёгин

миқдорининг кўпайиши; иккинчиси - мавсумлар бошланишининг вақт оралиғида сурилиши; учинчиси - ҳавонинг ўзига хос тоғли водийли циркуляцияси.

Тоғ ёнбагирлари гарбий, шимолий-гарбий ва шимолга, яъни намга тўйинган ҳаво окимиға тўсиқ бўлиб жойлашган бўлса, катта миқдордаги ва айрим жойларда 1000 мм ва ундан кўп ёғин ёғиши мумкин.

Ёғинларнинг жойнинг баландлігига нисбатан ўзгаришини тадқиқот килиш шуни кўрсатадики, ёғинлар ўзининг максимал кийматига 1500-2500 м га етади, ундан юкориги минтакаларда эса ҳаво ҳароратининг пасайиши ва атмосферадаги намлик захирасининг камайиши натижасида ёғин миқдори озаяди. Дарҳақиқат, Помирнинг 3500-4000 м баланд жойлари ёғин миқдори бори-йўти 50-60 мм бўлган, тоғдаги чўлларни ташкил килади.

Ёғин миқдорига тоғли жойларда жойнинг паст-баландлиги таъсирида уларнинг йил давомида таксимланиши чўллар ва тоғ олди жойларга нисбатан анча бир текис бўлади.

Маълумки, ҳаво ҳарорати жойнинг баландлиги ошган сари камая боради ва ҳарорат градиенти  $\gamma = 0,7/100$  м ташкил этади. Шу сабабли тоғли жойларда баҳорнинг бошланиши пасттекислик жойларга нисбатан кечикади, кузнинг келиши эса, аксинча, олдинрок кузатилади. Ўрта хисобда ҳар 100 м баландликга кўтарилиш натижасида табиатнинг баҳорги уйғониши 2-3 кун олдинрок кузатилади.

Иклимга тоғли-водийли ҳаво циркуляцияси таъсири куйидаги шароитда рўй беради: кечаси тоғ ёнбагирлари атмосферадаги нисбатан тезроқ совиши натижасида ҳаво тоғдан водийта караб эсади, яъни тоғ шамоли эсади. Кундуз соатларида эса, юкорида кайд этилганга аксинча шамол водийдан тоғининг

юқори кисмiga караб эсади, яни водий шамол кузатилади. Бундай төгни водий ҳаво циркуляцияси ҳар доим содир бўлади; бу хол фақат совук ҳаво оқими таъсирида ўзгариши мумкин.

Тоғли-водийли ҳаво циркуляцияси фақатгина тоғли жойлардагина кузатилмасдан, балки унга якин жойларни ва хаттоки ундан 100 км узоклиқдаги жойларда кузатилиши мумкин. Масалан, агар Тошкентдаги тоғ-водийли ҳаво циркуляциясининг таъсирини тадқикот этсак, бу ерда январ ва феврал ойлари ер устида шарқий шамол (тоғдан) кўпроқ кузатилади. Бахор ойларида кечкурун соат 7-8 дан то эрталаб соат 10-11 гача тоғли шарқий шамол эсади, тушдан кейин кеч соат 6 гача водий шамоли эсади (ғарбий ва шимолий-ғарбий). Ёзда тоғли шамол кечкурун соат 9-10 гача эсади.

Кузда циркуляциянинг алмашиниш муддатлари тахминан баҳорги кузатилган соатларда содир бўлади. Декабр ойида водий шамолларининг хиссаси бор-йўғи 3-4 соатни (кундузи соат 3 дан кеч 6 гача) ташкил этади.

#### Такрорлаш учун саволлар:

1. Ўлканинг географик ўрнининг хусусиятлари нималардан иборат?
2. Об-ҳаво режимида қандай даврлар мавжуд?
3. Об-ҳаво режимига қандай ҳаво оқимлари таъсир кўрсатади?
4. Ўлка иклими қандай?

#### 2.3. Метеорологик кузатишларни ташкил этиш.

Метеорологик элементларни мунтазам кузатиш натижалари об-ҳаво башпоратини тузишда асос бўлиб хизмат килаётган жараёнларни ўрганишдаги илмий-тадқикот ишларида ва ҳалқ хўжалигининг турили соҳаларида фойдаланилади. Барча гидрометеорологик ишлар ва тадқикотларга раҳбарликни

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси хузуридаги Ўзгидромет томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси худудида жойлашган гидрометеорологик станция ва кузатиш жойлари гидрометеорологик кузатишлар тармоғини ташкил қилиб, улардан дастлабки об-ҳаво маълумотлари олинади.

Гидрометеорологик тармокга қарашли станция ва кузатиш жойларида иш хажмига ва унга мос холдаги ходимлар сони ва асбоб-ускуналарнинг мавжудлигига кўра I, II ва III-турларга бўлинади. Бундан ташқари, станцияда олиб борилаётган ишнинг хусусиятига кўра, улар метеорологик, аэрологик, гидрологик ва маҳсуслаштирилган (кишлөк хўжалиги метеорологияси бўйича, оқим бўйича, кўллар бўйича ва бошқалар), кузатиш жойлари эса, метеорологик ва гидрологик бўлиши мумкин.

#### *Метеорологик станцияда вактни аниқлаш.*

Метеорологик элементларнинг миқдори вакт оралиғида ва худуд бўйлаб ўзгариб туради. Шунинг учун атмосферада содир бўлаётган жараёнтларни ўрганиш учун ўлчаш ишларини худуднинг кўпгина жойларида аниқ бир вактда, агар керак бўлса, Метеорологик станциялардан олинган об-ҳаво маълумотларни ўзаро солишириш мумкин бўлиши учун кузатиш жойлари худуд бўйлаб турғун бир жойга ўрнатилади, асбоблар бўйича келишилган баландликда кузатишлар олиб борилади. Масалан, барча гидрометеорологик станцияларда ҳаво ҳарорати ва ҳаво намлиги ер юзасидан 2 м баландликда кузатилса, шамол йўналиши ва тезлиги 10-12 м баландликда аникланади.

Мустакил Давлатлар Ҳамдўстлигидаги барча мамлакатларда метеорологик кузатишлар келишилган муддатларда Москва вакти бўйича олиб борилади. Бунинг учун метеорологик станцияларда вакт хизмати иш юритиши лозим. Станцияда соатнинг бўлиши

шарт. Соатнинг тўғри ишлаши радио орқали бериладиган аниқ вакт сигнали орқали ҳар куни текширилиб турилади.

### **Метеорологик асбоблар ҳақида умумий тушунча.**

Метеорологик элементларни қайд этиш учун хизмат қиласидиган асбоб ва ускуналар метеорологик асбоблар деб аталади. Кўпгина асбоблар керакли миқдорни бевосита кўрсатади, лекин айримлари бўйича олинган саноқ ёрдамида маълум хисоблашдан сўнг, керакли натижага эришилади.

Метеорологик кузатишларда масофадан ўлчайдиган асбоблар кенг кўлланилади. Улар ёрдамида бир неча минг метр масофада туриб, об -хаво элементларини ўлчаш мумкин. Амалий мақсадларда ўлчанадиган миқдорни аниклашда узлуксиз ёзиб турадиган асбоблардан фойдаланилади.

Метеорологик асбобларга бир қатор талаблар кўйилади. Уларнинг баъзилари кўпчилик асбобларга мажбурий хисобланади. Барча метеорологик асбоблар ҳар қандай иқлимий минтақалардаги табиий шароитларда ишлатиш учун мўлжалланган. Шунинг учун улар ҳава ҳарорати  $-60^{\circ}\text{C}$  дан  $+45^{\circ}\text{C}$  гача, ҳаво намлиги 100% гача бўлганда, ёмғир ва қор ёкканда, туман бўлганда ва бошқа ҳолатларда ишлатилиши мумкин. Шу туфайли бу асбоблар занглашдан саклайдиган материаллардан тайёрланиб, улар шамол кучига, иссик-совукга, чанг-тўзонга чидамли бўлади. Метеорологик асбоблар метеорологик станцияларга маълум кутиларга көзозга ўраб юборилади.

Метеорологик элементларни ўлчаш натижаларини бир-бири билан таккослаш учун, одатда бир хил турдаги асбоблардан фойдаланилади.

Кузатиш маълумотларида мунтазам ҳатоларга йўл кўймаслик мақсадида, метеорологик асбоблар вакти-вакти билан текширилиб турилади. Метеорологик асбоблар Ўзгидрометнинг текширувчи бўлимлари орқали олиб борилиб, улар ишлаб

чиқарилаётган ва гидрометеорологик станцияларда ишлатилаётган асбобларнинг созлиги ва ишончлиги бўйича назорат ишларини олиб боришади. Ҳар бир метеорологик станция ва кузатиш жойларида кузатишларнинг услубий кўрсатмаларга мувофиқ олиб борилаётгани марказдаги раҳбарият томонидан назорат килиниб турилади.

Назоратчилар станцияда олиб борилаётган ишлар билан батафсил танишадилар, асбобларнинг тўғри ишлашини текширадилар, керак бўлса, айрим таъмирлаш ишларига бошчилик киладилар ва кузатувчиларга кўрсатмалар берадилар.

#### *Метеорологик станциялар ва метеорологик майдонча.*

Атмосферада содир бўладиган табиий жараён ва ҳодислара, яъни барча метеорологик элементларни ўлчаш ишлари метеорологик станцияларда олиб борилади. Кўпчилик ўлчашлар метеорологик майдончада ўрнатилган станциянинг хизмат хонасида ўрнатилган асбоблар орқали ўлчанади. Ўлчаш шароитининг бир хил бўлишига эришиш мақсадида маълум талабларга жавоб берадиган бир хил турдаги асбоблардан фойдаланилади. Шунинг учун метеорологик асбобларни жойлаштириш жойини танлашга унда асбобларни ўрнатишга ва уларнинг ишлаш ҳолатини назорат килиб туришга катта эътибор берилади.

*Метеорологик станциялар.* Об-хавони ҳар доим узлуксиз кузатиб борувчи кўпдан-кўп метеорологик станциялар ватанимизнинг ҳамма ерида: йирик шаҳарларида ва уларнинг атрофида, чўл ва сахроларида, тоғларида, давонлар ва музликларида бор. Мана шу станцияларда ҳаво ҳарорати маҳсус будка ичига жойлаштирилган термометрлар ёрдамида ўлчанади. Шунингдек, тупроқ юзасининг ва унинг 3 м гача бўлган чукурликдаги ҳарорати ҳам ўлчанади. Кузатишлар оралиғида

хароратнинг энг катта ва энг кичик кийматлари ҳам маҳсус термометрлар ёрдамида аникланади.

Ҳаво босими барометрлар ёки анероидлар ёрдамида ўлчанади. Ҳавонинг намлигини ўлчаш учун гигрометрлар кўлланилади. Бундан ташқари шу мақсад учун икки термометрдан ташкил топган психрометрлар ҳам ишлатилади. Ундағы термометрлардан бирининг симобли учи сувли ликобчага туширилган батист бўлакчаси билан ўралган «Хўлланган» термометрнинг даражаси нам батистни, куруқ термометрнинг даражаси эса атрофдаги ҳавонинг хароратини кўрсатади. Уларнинг айрмаси ҳаво намлигига қараб турлича бўлади: ҳаво куруқ бўлса, айрма катта бўлади ёки аксинча. Сўнгра маҳсус жадвал ёрдамида ҳаво намлиги топилади.

Метеорологик (психрометрик) будка - бу метеорологик асбобларни Куёш таъсири, ер нурланиши, атрофдаги буюмлар, шунингдек, шамол ва ёғинлардан саклайдиган ичига метеорологик асбоблар-намлик ва харорат ўлчагичлар ўрнатиладиган яхши шамоллатиладиган маҳсус кутича. Жаҳондаги барча кузатиш станцияларида бир хил, яъни ер сиртидан 2 м баландликда ўрнатилади.

Демак, биз хар куни оммавий ахборот воситаларидан эшитадиган ҳаво харорати ва намлигининг киймати деганда, айнан ана шу будка ичида қайд этилган ҳакикий ўлчови тушунилади.


Шамол тезлиги ва унинг йўналиши флюгерлар ёрдамида ўлчанади. Ерга тушган ёғинларнинг микдорини ўлчаш учун маҳсус ёғин ўлчагичлар ишлатилади. Булардан ташқари метеорологик станцияларда ҳаво хароратини, унинг намлиги ва босимини узлуксиз ёзиб бориш учун ўзи ёзувчи асбоблар: термограф, гигрограф ва барографлардан фойдаланилади. Айрим станцияларда ёмғир микдорини ёзиб борувчи асбоб

плювиографлар ҳам ўрнатилган. Бу асбоб ёрдамида ёмғирнинг ёға бошлаган ва тўхташ вактини, унинг миқдорини ҳамда қай вактда қандай ёққанлигини билиб олиш мумкин.

Сўнгги вактларда ҳозирги замон техникасига асосланган янгидан-янги асбоблар юкоридаги мақсадлар учун ишлатилмоқда. Шамол тезлиги ва унинг йўналишини узлуксиз ёзиб борувчи автомат анеморумбограф, шудринг миқдорини ўлчовчи росограф, ҳароратни ўлчашда ишлатиладиган термисторлар шулар жумласидандир. Шуни ҳам айтиб ўтиш кераккӣ, метеорологик станциялар инсон бориши кийин бўлган тоғларда ва инсон яшамайдиган оролларда ҳам бор. Бундай жойларда одамсиз ишлайдиган ва об-ҳаво ҳакида мунтазам маълумот юбориб турадиган автомат радиометеорологик станциялар ўрнатилган. Мана шундай станциялардан бир нечтаси тоғларда жойлашган. Метеорологик станциялардан ташқари яна метеорологик пост, баланддаги кузатиш мажмуи, аэрологик станциялар ва метеорологик радиолокация станциялари (МРЛ) мавжуд.

*Метеорологик майдонча.* Метеорологик майдонча шундай жойга ўрнатилади, унда ўлчанган метеорологик элементлари чор-атрофдаги худуд об-ҳавосини ифодалаши керак.(2.2-расм)

«Гидрометеорологик станция ва кузатиш жойлари учун кўрсатмалар», З-нашр, 1-кисм, 1958 й кўра, метеорологик майдончанинг ўлчами 26x26 м (энг кичик ўлчам 16x20 м рухсат берилади). Майдонча чор-атрофнинг қандай бўлишидан катъий назар, иложи борича текис ва очик жойда жойлашган бўлиб, якин ўртадаги дараҳтлар, иморатларгача бўлган масофа уларнинг баландлигига нисбатан 10 баробардан кам бўлмаслиги керак.



1-енгил таҳтасали флюгер, 2- оғир таҳтасали флюгер, 3- яхмалакни кузатувчи мослама, 4- психрометрик қути, 5- ўзиёзгич асбобларга қути, 6- заҳирағати қутини жойи, 7- флювиограф, 8-ёгин ўлчагич 9-ёгин ўлчагич учун заҳирағати устун, 10- шаручувчы төсодолит учун устун, ледоскоп, 12- гелиограф, 13- кор ўлчагич рейка, 14- түпроқ усти ва түпроқ ичи термометрларини ўрнатышучун шудгор қилинган жой, 15-орттама термометрларни ўрнатиш учун жой, 16 - музланиш холатини ўлчагич.

## 2.2-расм. Стандарт метеорологик майдончанинг схематик плани

Метеорологик майдончанинг ўлчами унда олиб бориладиган иш ҳажми билан аникланади. Актинометрик кузатишлар олиб борилмайдиган станцияларда, майдонча квадрат шаклида белгиланиб, унинг томонлари шимолдан жанубга (ва шарқдан гарбга) йўналишига эътибор берилади. Актинометрик кузатишлари олиб бориладиган станцияларда, майдонча тўртбурчак шаклида ўрнатилиб, тўртбурчакнинг узун томони шимолдан жанубга йўналган бўлади. Актинометрик асбоблар майдончанинг жанубий кисмига ўрнатилади.

Майдончага танланган жой текисланади (тепалик, ўнкир-чўнкирликлар текисланади, дараҳтлар, тўнкалар олиб ташланади) ва темир симдан килинган тўр девор билан ўраб олинади. Бундай девор шамолни тўсмайди ва ўлчаш натижаларига салбий таъсир кўрсатмайди.

Метеорологик майдончанинг устки катлами иложи борича табиий холатга мос бўлиши керак. Шунинг учун майдончада ўрнатилган асбобларга факат маҳсус тайёрланган йўлакдан борилади. Шу билан бирга, баҳор ойлари майдончадаги ўтларнинг бўйича 20 см ошиб кетса, уларни ўриб турилади. Киш ойларида кор катламининг табиий холатига тегилмайди.

Ёз ойлари жазирама күёш нурлари таъсирида станция девори ва майдончадаги мосламалар кизиб кетиб, санокларга салбий таъсир кўрсатмаслиги учун оқ рангдаги мойли бўёкга бўялади.

Станциянинг хизмат хонаси станция турига кўра бир-икки хонадан иборат бўлиб, майдони  $15\text{-}40 \text{ m}^2$  ташкил этади.

*Кузатиш муддатлари ва тартиби.* Барча метеорологик станциялардаги об-ҳаво кузатишлари саккиз муддатда Москва вакти бўйича соат 0, 3, 6, 9, 12, 15, 18 ва 21 ларда олиб борилади.

Бир-бирига мос саккиз муддатдаги кузатишларда атмосфера босими, шамол йўналиши ва тезлиги, чор-атрофнинг кўриниш даражаси, ҳаво ҳарорати ва намлиги, булутилик ва бошқалар метеорологик элементлар ўлчанади ва аникланади. Махаллий вакт билан соат 8 ва 20 дан ёғин миқдори ўлчанади ва тупроқ усти ҳолати кузатилади. Кор катлами мавжудлигига белгиланган муддатлар кор калинлиги ўлчаниб, ундаги сув захираси аникланади.

Бундан ташқари, бир қатор станицияларда кундузи күёшнинг нур сочишининг давом этиши, ҳар турли чукурликлардаги ернинг устки кисмининг ҳарорати, ҳамда атмосфера босими, ҳаво ҳарорати ва намлиги, ёмғир миқдори ва шамол йўналиши ва тезлиги узлусиз ёзиб турилади.

Кузатишлар матьум тартибда олиб борилади. Кузатишлар белгиланган муддатта 30 дакика колганда бошланиб, асбоб ва жихозлар ўлчаш олиб бориш учун тайёрланадилар.

#### **Такрорлаш учун саволлар:**

1. Метеорологик элементлар кандай максадда кузатилади:
2. Гидрометеорологик тармоқ кандай турларга бўлинади:
3. Метеорологик элементлар кандай баладликда кузатилади?

4. Метеорологик асбоблар қандай ҳаво ҳароратига мүлжалланган?
5. Метеорологик майдонча қандай шартларга жавоб бериши керак?
6. Кузатиш муддатларида қандай метеорологик элементлар ўрганилади?

#### **2.4. Куёш радиацияси.**

Ер куррасида содир бўлаётган барча жараёнларнинг асосий маъбайи куёш радиациясидир. Куёш иирик шар шаклидаги кизиган газларнинг йигиндисидан ташкил топган. Унинг хажми Ер ҳажмига нисбатан 1300000 марта каттадир. Куёш юзасидаги ҳарорат  $6000^{\circ}$  га етади.

Куёшдан бевосита келадиган иссилик нурлари тўғри куёш радиацияси ( $S$ ) деб аталади. Куёш нурларига перпендикуляр жойлашган  $1 \text{ см}^2$  майдонга 1 мин давомида тушаётган нур энергияси тўғри куёш радиациясини ифодалайди ва қалорияда ўлчанади.

Горизонтал юзага тушадиган тўғри куёш радиацияси ( $S^I$ ) куйидаги формула ёрдамида хисобланади:

$$S^I = S \sin \cdot h_0 \quad (2.1)$$

бу ерда  $h_0$  - уфқка нисбатан куёш баландлиги. Осмондаги барча ёриткичлардан ер юзасига тушадиган нурлар тарқоқ радиация ( $Q$ ) деб аталади.

$$Q = S^I + D \quad (2.2)$$

Йигинди куёш радиацияси ер юзасига тушиб, қисмани яна атмосферага қайтиши қайтган радиация ( $R$ ) деб аталади. Ер юзасидан қайтган радиациянинг ( $R$ ) ер устига тушган радиацияга ( $Q$ ) нисбати *альбедо*  $A$  дейилади ва куйидаги формула ёрдамида хисобланади.

$$\dot{A} = \frac{R}{Q} \quad (2.3)$$

Альбедо ер юзасининг қайтариши хусусиятини ифодалайди.

Келаётган ва қайтаётган радиацияси ўртасидаги фарқ радиацион баланси деб аталади.

Қуёш радиациясини ўлчайдиган жиҳозлар актинометрик асбоблар деб аталади.

Радиацион баланс - бу амалдаги нурланиш энергиясининг кирими (ёки чиқими) бўлиб, унга ер юзасининг иссиқлик ҳолати боғлиқ: агар исиши кузатилса, баланс мусбат (кирим чиқимдан кўп) ёки совуш кузатилса баланс манфий (кирим чиқимдан кам).

Радиацион баланс айрим жой учун айрим вакт учун (бир онли баланс), ёки айрим вакт оралиги учун (сутка, ой, йил) хисобланади.

Ер юзасининг иссиқлик баланси радиацион балансидан, намлиқ буғланишга сарфланган иссиқлиқдан, ҳамда атмосфера ҳавоси билан бевосита иссиқлик алмашувидан иборат.

Иссиқлик баланси узоқ муддат учун нолга teng (кирим - чиқимга teng), лекин айрим мавсумлар ва сутка ичида иссиқлик кирими чиқимдан кам ёки кўп бўлиши мумкин.


Куёш, ер ва атмосфера радиацияси метеорологиянинг энг катта бўлимларидан бири бўлиб хисобланади ва актинометрия деб номланади. Актинометриянинг вазифаси радиациянинг ҳар турларини ўлчаш, ҳамда атмосферадаги сингувчи ва тарқоқ радиацияси қонуниятларини ўрганиш, ер юзасининг унумли (эффектив) нурланиши, радиацион баланс ва бошқаларни ўрганишdir.

*Radiацияни ўлчаш усуслари.* Радиацияни ҳар хил турларини ўлчаш учун актинометрик асбоблардан фойдаланилади. Улар икки турга бўлинадилар: мутлақ ва нисбий.

Тўгри күёш радиациясини ўлчайдиган асбоблар актинометрлар деб аталади.


Актинометрлар мутлак, яъни тўгри күёш радиациясини бевосита  $\text{кал}/\text{см}^2 \text{ мин}$  да берилиши мумкин, ёки нисбий бўлиши мумкин. Унда олинган маълумот калорияга айлантирилади.

Мутлак актинометрлар *пиргелиометрлар* деб аталади. Нисбий актинометр маълумотлари билан солиштирилган мутлак асбоб Оингстремнинг компенсацион пиргелиометридир. (2.3-расм.)




2. 3-расм.Оингстремнинг компенсацион пиргелиометри

Бундан ташкари амалиётда Савинов-Янишевский актинометридан фойдаланилади (2.4-расм).




2.4-расм Савинов-Янишевский актинометри

Йигинди ва тарқок радиацияни ўлчаш учун пиранометрлардан фойдаланилади. Булар ичида энг қурай ва сезгирилиги юкори бўлган Янишевский пиранометридан фойдаланилади(2.5-расм).



2.5-расм. Янишевский пиранометри


Радиацион баланс миқдорини ўлчашда балансомерлардан фойдаланилади (2.6-расм).



2.6-расм. Балансомер

Активометрик кузатишлар метеорологик муддатларда - ҳар уч соатда олиб борилади. Куёш нурларини давом этишини кузатишида оддий моделдаги гелиограф кўлланилади.(2.7-2.8-

расм.) Бундан ташкари универсал моделдаги гелиографда лента хар куни күёш ботгандан сүнг алмаштирилади.



2.7-расм. Оддий моделдаги гелиограф



2.8-расм Оддий моделдаги (а) ва универсал моделдаги (б) гелиографларнинг ленталари

Кунни узунлиги ва уни ўзгарувчанлиги Ер юзини күёш ёритиб турадиган вакт кунни узунлиги дейилади. Бу даврни **астрономик кунни узунлиги** деб хам юритилади.

Кунни узунлиги мавсумга караб ўзгаради. Баҳорги тенг кунликда яъни 21 мартаңдан кун ва тун тенг бўлиб кейин кун узая

боради. 21 сентябрдан яна тенг бўлади. Энг узун кун 22 июняда кузатилади.

Кунни узунлиги мухим омил бўлиб, куёш радиациясига боғлиқдир. Экинларни гуллаши тезлашиши ёки секинлашиши кун ва тунни нисбатига боғлиқдир. Экинлар биологик хусусиятларга кўра уч турга бўлинади.

1. Нейтрал ўсимликлар. Ривожланиш кунни узун кискалигига боғлиқ эмас.
2. Киска кунли ўсимликлар. Кунни узунлиги 10-12 соатдан ортса ривожланиш кучаяди.
3. Узун кунлик ўсимликлар. Кунни узунлиги ортса ривожланиш кучаяди.

Куёш ёритиб турадиган вакт экинларни хосилдорлигини белгилайдиган мухим омиллардан хисобланади. Айниқса иссиикхоналар учун бу омил мухимдир. Масалан экинларнинг сифати (узумда қандни кўпайиши, чигитда ёғни кўпайиши ва хакозолар), хосил миқдори (яъни хосилни кўп бўлиши ўтларда умумий биологик массаларнинг кўп бўлиши) кўп жихатдан куёш тушиб турган вактни давомийлигига тўғри боғланган бўлиб экинлар навларини тўплашда айнан шу омилни қийматини хисобга олиш керак.

*Куёш энергиясидан яхшироқ фойдаланиш* Куёш энергияси тирик организмни асосий яшаш манбаидир. Куёш энергияси фотосинтез ходисасини асоси бўлиб бу жараёнда куёш энергияси органик моддага айланади. Экинлар ёруғлик севувчи ва коронғига чидамли гурухларга бўлинади. Ёруғлик кам бўлса экин новдалари нозик бўлиб ётиб колади, экин қалин бўлса (масалан жўхори) ёруғлик пастки катламга камроқ тушиб сўта хосил бўлиши камаяди.

Куёш энергияси ўсимликларни кимёвий таркибига таъсир этади. Масалан узум ва лавлагини қанди кўп бўлиши, буғдойда

оксил мoddасини кўпайиши куёшни кунлар сонига боғлик. Ҳамма меваларни ширин бўлиши, кунгабокарда ёғни кўпайиши куёш радиациясига боғлик.

Одатда ўсимликларни куёш энергиясини ўзлаштириш коэффиценти катта эмас, яъни 1-3 фоизни ташкил этади. Ушбу коэффицент кўйидагича хисобланади.

$$КПД = \frac{KM}{\Sigma Q_f} \quad (2.4)$$

$\Sigma Q_f$  - вегетацион даврда бирлик юзага тушган фотосинтетик фаол радиация йигиндиши

M - бирлик юзадан олинган ҳосил

K - фотосинтез жараёнида ҳосил бўлган органик мoddада ютилган энергия миқдори.

Асосий мақсад ўсимликларни энергия ютишини кўпайтириш бўлиб, бу агротехник омиллар, ўсимликлар зичлигини макбўлаш, барг сатхини энг оптимал бўлишига эришиш ва хокозолар. Ўзбекистонда куёш энергияси анча кўп бўлиб куёш батареяларидан фойдаланилмоқда. Бу батареялардан олинган энергиядан биноларни иситиш, сувни тозалаш, меваларни куритиш ва бошқа соҳаларда фойдаланиб келинмоқда.

Тушаётган куёш энергиясини миқдорини ўзгартириб бўлмайди, бирок ўсимликлар архитектоникасини ўзгартириб, энергиядан фойдаланишини, пировардидан ҳосилни 30-70 фоизга ошириш якин келажакда амалга оширилади.

### Такрорлаш учун саволлар.

1. Куёш радиацияси неча турларга бўлинади?
2. Альбедо нима?
3. Радиацион баланс деганда нимани тушунамиз?
4. Актинометрик асбобларга нималар киради?

## 2.5. Тупрок ҳарорати.

Тупрок ҳарорати тупроқда ва унга якин ҳаво қатламида содир бўладиган ҳар турли жараёнлар ва ходисаларга таъсир кўрсатадиган асосий омилдир. Дарҳакиқат, тупрок ҳароратининг кунлик ўзгариши тупроқдаги ҳавонинг ер ҳавоси ўртасида газ алмашинишни ҳосил киласди.

Тупрок ҳарорати чириш жараёнини, органик моддаларнинг парчаланишини ва ҳар турли тузларнинг эришини жадаллаштиради. Тупроқнинг исишиб даражасига боғлиқ ҳолда экин илдизларининг суреб олиш қобилияти ўзгаради. Ҳарорат пасайганда бу қобилият анчагина сусаяди. Тупрок ҳарорати тупрок микроорганизмларининг фаолиятини таъминлайди. Уругларнинг униб чикиши ва ўсимлик ўсишининг дастлабки даври кўп ҳолда тупрок ҳароратига боғлиқдир.

*Тупроқнинг иссиқлик режими.* Тупроқнинг иссиқлик режими асосан ер юзасига сингдирилган ва таркатилган нурланиш энергиясининг кирим ва чиким кисмлари ўртасидаги фарқ билан ифодаланади. Бу фарқ радиация баланси деб аталади. Кундузи тупрок устига тушаётган иссиқлик баланси кузатилади ва ер усти исийди. Тупрок сингдирилган иссиқликнинг бир кисми ҳавони ва тупроқнинг куйи катламларини иситишига кетади. Тунда эса, қуёш радиациясининг йўклиги туфайли фақат нурларнинг тарқалиши кузатилади ва бунда радиация баланси манфий миқдорда бўлиб тупрок устининг янада сөвиг кетишига олиб келади. Радиация балансининг энг катта мусбат миқдорлари ёз ойлари, энг катта манфий кийматлари қиши ойлари кузатилади. Радиация баланси тупроқнинг физик хусусиятлари унинг юза кисмининг ҳолати ва об-ҳаво шароитига боғлиқдир. Шу омиллар таъсирида радиация баланси миқдори мусбат ёки манфий кийматда бўлиб, тупроқнинг иссиқлик ҳолатини, атмосфера

билин ва шу билан биргаликда тупрокнинг юкориги ва чукурлиқдаги қатламлари орасидаги иссиқлик алмашинуви шиддатига таъсир кўрсатади. Аммо барча тупрок турлари бир хил исиб ва совиб турмайди. Бунга кўпгина сабаблар мавжуд бўлиб, улар ичida тупрокнинг иссиқлик сигими ва иссиқлик ўтказувчанлиги энг аҳамиятли хисобланади.

Иссиқлик сигими солиштирма ва ҳажмийга бўлинади. Солиштирма иссиқлик сигими -1 г модда  $1^{\circ}\text{C}$  га иситиш учун кетган иссиқликга (калорияда) тенг. Тупрокнинг исиши ва совишида солиштирмага кўра ҳажмий иссиқлик сигими деб, 1 см куб  $1^{\circ}\text{C}$  га иситиш учун зарур бўлган иссиқлик миқдорига айтилади.

Тупрокнинг исиши унинг рангига ва тузилишига боғлиқ. Окиш рангдаги тупрок нурни қайтариш қобилияти катта бўлганлигидан, кора тусли тупрокга нисбатан кундузги камрок кизийди. Говвок тупроқда зич тупрокга нисбатан кундузлари анча юкори, кечалари эса, анча паст ҳарорат кузатилади.

Бундан ташқари тупрок ҳароратига ёнбагирнинг экспозицияси, унинг ўсимлик қатлами ва қор қатлами билан копланганлиги аҳамиятлидир.

Тупрок усти ҳарорати кун ва йил давомида ўзгариб туради. Тупрок кундуз соатлари исиб, кечалари совийди. Бундай ўзгаришни тупрок остида ва чукурликларда ҳам кузатиш мумкин.

Тупрок ҳароратига булатларнинг мавжудлиги, туман, шамол, ёғинлар таъсир кўрсатади. Булатлар кўплиги тупрок ҳароратининг кунилик амплитудасини камайтиради ва тупрокнинг пастки қатламларидаги ҳароратни бир хил килиб кўяди. Шамол тупрок ва атмосфера ўртасидаги иссиқлик алмашинувини тезлаштиради ва натижада шамолли кунлари тупрок усти ҳарорати одатдаги кунларга нисбатан пасайиб кетади.

Тупрок ҳароратининг йил давомида ўзгаришида куйидаги хол кузатилади: энг паст ҳарорат январ - февралда, энг юқорилари - июл, августда кузатилади. Бундай ҳарорат режими худи кунлик ўзгаришга ўхшаб тупрокнинг пастки қатламларига ҳам тарқалади. Бу ўзгариш ўрта кенгликларда 15-20 м, шимолда 25 м ва тропик минтақаларда 5-10 м давом этиб, ундан пастда тупрок ҳарорати ўзгармай қолади. Тупрок ҳароратининг йиллик ўзгариши, худди кунлик ўзгаришга ўхшаб кор катламига ва ёгинларга боғлик.


**Тупрок ҳароратини ўлчаш усуллари.** Тупрокнинг исиш даражаси унинг сирти ва пастки қатламларининг ҳарорати билан ифодаланилади. Метеорологик станция тармоқларида тупрок ҳароратини кузатишда икки усул кўлланилади: тупрок сиртидаги ва ҳар турли чукурликлардаги ҳарорат ўлчанади.

Тупрок сирти ҳарорати уч хил турдаги термометрлар ёрдамида ўлчанади: муддатли, минимал ва максимал . (2.9-расм.)

a)

б)

в)



2.9-расм. Муддатли (а) минимал (б) ва максимал (в) термометрлар.

Муддатли термометр тупрок сирти ҳароратини кузатиш муддатида ўлчаш учун хизмат килади, минимал ва максимал


термометрлар эса, кузатиш методлари оралиғидаги әнд паст ва әнд юқори ҳаракатни аниклаш учун ишлатилади. Тупрок хароратини 0 дан 20 см гача бўлган чукурликларда кузатиш учун, яъни кўпчилик кишлоқ хўжалиги экинлари илдизлари ривожланадиган қатламида букилма термометрларидан 20 см дан пастга қатлам хароратларини ўлчашда тортиш термометрларидан фойдаланилади.

**Кузатиш жойи.** Тупрок харорати ўлчайдиган барча термометрлар метеорологик майдончанинг жанубий кисмларидан теккис ерга ўрнатилади. Тупрок сирти ва букилма термометрлар ўрнатиладиган жой 4х6м ўлчамда бўлиб, ўсимликлардан холи бўлиши керак.

Тортиш термометрлари 6х8м ўлчамдаги майдончада ўрнатилиб у тупрок сирти ва букилма термометрларда шарқда жойлашган бўлади. Йил давомида бу жой сиртининг табиий холатини саклашга ҳаракат килинади.

**Термометрларни ўрнатиш.** Тупрок сирти термометрлари тайёрланган жойнинг ўртасига ўрнатилади. Муддатли ва минимал термометрлар горизонтал равишда ёткизилади, максимал термометрлар эса резервуар томонга озгина нишаб билан жойлаштирилади. Ҳар бир термометрнинг резервуари ва танаси ярмисигача тупрокта кўмилади. Термометрлар бир катор килиб шимолдан жанубга караб бир - биридан 5-6 см оралиқда, резервуарини шарқга қаратиб ўрнатилади. Шимолдан биринчи муддатли термометр сўнг минимал ва максимал термометрлар ўрнатилади.


Букилма термометрлар, Савинов термометрлари (2.10-расм.) тупрок сирти термометрларига нисбатан 20 - 30 см гарбда бир - бирининг оралиғи 10 см да 5,10,15 ва 20 см чукурлиқда ўрнатилади.



2.10-расм. Савинов термометри комплекти (а), букилма термометр (б) , букилма термометрнинг ўрнатилиши (в).

Ўрнатилиш чукурлиги шарқдан гарбга ошиши керак. Термометр резервуари шимолга караган бўлиши лозим. Савинов термометри резервуар цилиндр шаклдаги симобли термометрдан  $135^{\circ}$  бурчак хосил қилиб букилган. Термометрнинг цилиндрик резервуари ер остига бўйлама холатда кўимилиб унинг шкалали юқориги кисми ер устида кия нишаблигини хосил қиласди. Термометрнинг ер устидаги бундай холати улардан санок олиш кулагай бўлиши учун ишланган. Савинов термометрларидан факат йилнинг иссик ойларида фойдаланилади.

Тупрокнинг пастки катламларининг харорати тортиш термометрлари ёрдамида аникланади. Бундай термометрларга 20,40,60,80,120,160,240,320 см чукурликлар казилади ва уларга пастки мис қалпоқча билан беркитилган эбонитли кувур туширилади. Эбонит кувур ичига маҳсус термометр туширилади (2.11- расм.)



**2.11-расм. Тупроқ тортиш термометрларини жойланиши**

**Тупроқ ҳароратини кузатиш.** Тупрок ҳарорати асосан йилнинг иссик ойлари кузатилиб, киши ойлари термометрлар кузатиш майдончасидан хонага олиб кўйилади. Барча термометрлардан саноқ қабул килинган об-ҳаво муддатларида, ҳаво ҳарорати ва ҳаво намиги кузатилгандан сўнг олиб борилади. Кузатиш тартиби куйдаги кетма - кетликда олиб борилади: аввал тупрок усти термометрлардан, сўнгра букилма ва охирида тортиш термометрларидан саноқ олинади.

Тупрок усти термометрларидан саноқ уларни жойидан кўзғатмасдан олинади. Биринчи бўлиб муддатли термометрдан сўнг минимал термометрнинг сирти ва шрифтиқдан ва охирида максимал термометрдан саноқ олинади.

Минимал термометрдан саноқ олиб бўлгач, шрифтик сирт билан якинлаштирилади. Максимал термометр саноқ олиб бўлгач, силкитилиб, яна саноқ олинади.

Букилма термометрлардан чукурлик ошиб бориши тартибида кетма- кет саноқ олинади.

Тортиш термометрларидан 20,40 ва 60 см да 4-та об-ҳаво муддатида кузатилади, 80,120,160,240 ва 320 см чукурликларда суткасига бир марта саноқ олинади. Термометрлардан саноқ олиб

бўлгач, уларнинг сертификатидан олинган асбобий тузатмалар олинган санокларга кирилилади.

**Тупроқ намлиги.** Тупроқ намлиги мухим метеорологик омил бўлиб хисобланади, чунки ўсимлик намликни ундан олади. Намлик тупроқда етарли бўлса, ҳосил мўл бўлади. Тупроқ намлигини ўлчаш учун термостат усули қўлланилади. Тупроқка осон кирадиган асбоб-бур ёрдамида 0-10, 0-20, 0-30, 0-40, 0-50, 0-60, 0-70, 0-80, 0-90, 0-100 см чукурлиқдан тупроқ намуналари олиниб тортилади. Кейин қуриттича қуритилиб, яна тортилади, фарқга қараб намлик аникланади.

$$W = \frac{P_1 - P_2}{P_2} \cdot 100 \% \quad (2.5)$$

W- тупроқ намлиги, фоиз,  $P_1$ ,  $P_2$  - хўл ва қуруқ тупроқ оғирлиги.

Хозир радиактив изотоплар ёрдамида тупроқ намлиги аникланмоқда.

Тупроқ намлиги маҳсулдор ва маҳсулсиз турларга бўлинади. Маҳсулдор намлик захираси бу экинга фойдали захира, маҳсулсиз эса ўсимлик томонидан ўзлаштирилмайдиган кисми. Бунга сабаб ушбу намлик тупроқ зарраларига жинс ёпишгани учун, ўсимлик ўзлаштира олмайди.

Шунинг учун ўсимликни ҳосилдорлигини факат маҳсулдор намлик захираси орқали аникланади.

Фоиз хисобида топилган намликни мм га айлантириш учун куйидаги формуладан фойдаланилади:

$$W_{np} = 0,1 dh (W-K) \quad (2.6)$$

$W_{np}$  - Маҳсулдор намлик (мм), d - тупроқни хажмий оғирлиги ( $\text{г}/\text{см}^3$ ), h - тупроқ катламини чукурлиги (см), W - нисбий намлик (фоиз), K - турғун куриш коэффициенти (%).

Турғун қуриш коэффициенти ( $K$ ) - бу тупрокни шундай намлиги унда үсімлік қуриб, ҳосил шаклланиши тұхтайди.  $K$ -ни киймати 0,5-8 фойзгача тебранади.

Энг кичик намлик сиғими - бу тупроқда энг күп бўлиши мумкин бўлган намлик микдори (мм) 0-20 см катламда. 20-50 мм, 0-100 смда, 80-190 мм бўлади.

#### Такрорлаш учун саволлар:

1. Тупрок ҳароратини ўлчашда қандай усуллар қўлланилади?
2. Тупрок усти, тупрок ичи ва тортиш термометрлари қандай жойлаштирилади?
3. Радиация баланси нима?
4. Тупрок усти ҳарорати кун ва йил давомида қандай ўзгаради?
5. Тупрок намлиги қайси усулларда аникланади?

#### 2.6. Ҳаво ҳарорати.

Ҳаво ҳарорати об-ҳаво шароитини ва икlimни белгилайдиган асосий метеорологик элементлардан бири хисобланиб, бир катор кўрсаткичлар билан тавсифланади, яъни ўртacha йиллик, ўртacha ойлик, ўртacha суткалик, мутлақ максимум, мутлақ минимум, баҳор ва куз фаслларида суткалик ўртacha ҳароратнинг маълум кийматларидан ўтиши санаси ва ш.ү.

Атмосферанинг ҳар бир нүктасида вакт ўтиши билан ҳаво ҳарорати узлуксиз ўзгариб туради. Бундан ташқари, Ернинг турли жойларида айни бир вактда ҳаво ҳарорати ҳар хил бўлади. Ер сирти якинида ҳаво ҳарорати катта даражада ўзгаради: шу вактгача олинган маълумотларга қараганда энг юкори ҳарорат тропик чўлларида кузатилиб, сал кам  $+60^{\circ}\text{C}$ , ҳаво ҳароратининг энг паст киймати эса Антарктидадаги «Восток» станциясида қайд этилиб  $-90^{\circ}\text{C}$  ни ташкил этган. Шундай килиб, кузатилган энг юкори ва энг паст ҳаво ҳароратининг фарки Ер шарида  $150^{\circ}\text{C}$  ташкил этади .

Республикамиз худудида ҳавонинг кўпийллик ўртача ҳарорати йилнинг энг совук даври, яъни январ ойида Устюртда -9°C, Кизилкум чўлининг жанубида 0°C, мамлакатимизнинг энг энг жанубий чеккасида -2...-3°C ни ташкил этади. Тоғларда эса асосан жойнинг баландлигига боғлиқ бўлади.

Ёзда ҳаво ҳарорати текисликларда кам ўзгаради, яъни йилнинг энг иссик даври июл ойида кўпийллик ўртача ҳарорат Устюртда +26...+27°C дан Термизда + 30°C гачани ташкил этади.

Шуни айтиб ўтиш керакки, ёз даврида ҳаво ҳароратининг кундан кунга ўзгариши, киш даврига нисбатан бир мунча камрок, яъни об-ҳаво баркарор бўлади.

Ҳаво ҳароратининг кўпийллик ўртача минимал киймати Ўзбекистоннинг энг шимолий кисмида -30°C га етади. Айrim йиллари эса ҳатто -40°C гача пасаяди. Жанубда -Термиз туманида -20°C дан паст ўртача ҳарорат кузатилмаган. Бу ерда кўпинча киш нисбатан иликрок бўлади ва ҳарорат -10°C дан пастта тушмайди.

Ҳароратнинг мутлак максимал киймати чўлларда +45...+50°C гача етади.

Ёз давридаги юқори ҳаво ҳарорати ҳакида гапирилганда, Б.А.Айзенштат кўрсатиб ўтган қуидаги ҳолларга эътибор бериш керак. Агар инсон ёз кунида күёш нури остида турган бўлса, у ҳолда унга соя жойга турганга нисбатан анча иссикроқ туюлади. Шу сабабли кўпчилик ҳаво ҳарорати офтобда соя жойга нисбатан анча юқори деб хисоблайдилар. Аслида бу ундей эмас. Ҳакикатда эса, ҳаво ҳарорати соя жойда қандай бўлса, офтобда хам амалда шунга якин бўлади. Одатда иссик кунда очик майдонда ҳаво ҳарорати, сояли боғ ва хиёбонларга нисбатан бор йўги 2-3°C, тохида 4°C бўлади. Кундузи очик майдонда турган

киши, унинг танасига тўғридан-тўгри қуёш, Ер, осмон, атроф буюмларидан келаётган энергия таъсири остида доимий иссиклик юкини сезади.

Инсон танасига тушадиган қуёш энергиясини, унга эквивалент бўлган ҳаво ҳароратининг энергияси орқали ифодалаш мумкин. Маълум бўлишича, офтобда турган киши ўзини ҳаво ҳарорати  $10-15^{\circ}\text{C}$ , баъзи пайтларда эса  $18-20^{\circ}\text{C}$  га ортган соя жойда тургандек хис этади.

Шу сабабли, ҳарорат Жаҳондаги барча метеорологик станцияларда бир хил шароитга эга бўлган маҳсус будкаларда ўлчанади.

Ҳаво ҳарорати, шунингдек, тупроқ ва сув ҳароратлари метеорологияда, кўпчилик давлатларда СИ бирлигида, яъни Халқаро ҳарорат даражаси-Кельвин даражаси (шакаласи) билан ўлчанади.

Кельвин даражаси билан бир каторда, Цельсий даражаси (шакаласи) дан ҳам кенг фойдаланилади. Бу ўлчов бирлигининг нол даражасида ҳаво босими нормал бўлганда ( $1013$  гПа) муз эрийди,  $+100^{\circ}\text{C}$  эса-сув қайнайди.

Кельвин ўлчов бирлигининг нол даражасида молекулаларнинг иссиклик харакатлари умуман тўхтайди, яъни энг паст ҳароратни билдиради. Цельсий даражаси бўйича бу  $-273,15^{\circ}\text{C}$  га мос келади. Мутлак даражада бўйича ҳарорат факат мусбат бўлади, яъни ҳар доим мутлак нол даражадан юкори бўлади.

Одатда, формуаларда ҳароратнинг мутлак даражаси  $T$ , Цельсий даражаси эса  $t$  орқали ифодаланади.

Ҳароратни Цельсий даражасидан Кельвин даражасига ўтказиш куйидаги формула билан аникланади:

$$T = t + 273,15 \quad (2.7)$$

АҚШ, Англия ва собиқ Британия империясининг айрим давлатларида ҳозиргача ҳароратнинг Фаренгейт даражасидан фойдаланилади. Бу ўлчов бирлигига нўл даражада деб кор билан нашатир аралашмасининг ҳарорати,  $100^{\circ}\text{F}$  деб эса-инсон танасининг нормал ҳарорати қабул килинган.

Ҳароратни Цельсий даражасидан Фаренгейт даражасига, ёки тескарисига ўтказиш қуидаги формулалар ёрдамида топилади:

$$t^{\circ}\text{C} = \frac{5}{9}(t^{\circ}\text{F} - 32) \quad (2.8)$$

$$t^{\circ}\text{F} = \frac{9}{5}(t^{\circ}\text{C} + 32) \quad (2.9)$$

**Ҳавонинг исиши ва совиши жараёнлари.** Атмосфера бевосита қуёш нурлари таъсирида камрок исийди. Унда содир бўлаётган жараёнлар кўп холларда тупрок устидан келаётган иссикга боғлик. Тупрок усти қуёш нурларидан олаётган иссикликнинг маълум кисмини ҳавога қайтаради. Демак, ҳаво бевосита тупрокнинг (куруклик, сув, муз ва х.з.) иссиклик таъсиридадир.

Тупрок устидан ҳавонинг юкори катламларига иссикликнинг ўтишига иссиклик конвенцияси муҳим омил бўла олади. У ер усти анчагина кизиганда содир бўлади: тупрок устидаги, исиган ҳаво енгиллиги туфайли ўзидан юкоридаги совукроқ ҳавони сикиб чикаради. Шундай килиб, исикликнинг тиклик бўйлаб кўтарилиши содир бўлади.

Бундан ташқари иссиклик кўйиши бўйлама ҳаракатдаги ҳаво оқимлари натижасида кўпайиши мумкин. Бундан ташқари иссикликнинг бир ердан иккинчи жойга кўчишига ҳавонинг турбўлентлиги сабаб бўлди.

Энди ҳавонинг совиши жараёнини кўриб чиқамиз. Ҳавонинг совишига сабаб бўлган асосий жараён - ҳавонинг кўтарилишидир. Агар кўтарилиш тезкор ўтса, кўтарилаётган ҳавонинг атроф-мухит билан иссиқлик алмашинуви содир бўлмайди. Ташки томондан иссиқлик келмаса ва у атроф-мухитта сарфланмаса, шундай жараён адиабатик деб аталади. Бу жараёнда ҳароратнинг пасайишига кўтарилаётган ҳаво массасининг босими камроқ муҳитдан ўтади ва натижада унинг ҳажми кенгаяди, яъни ҳаво кенгаяди.

Ҳавонинг иситишга катта микдордаги иссиқликни куруқлик беради. Тадқикотларнинг кўрсатишича, тўпроқ қуёшдан олган иссиқнинг 37% ҳавони иситишга сарфлайди, колган 63% ўзида олиб колади. Шу сабабли куруқликнинг чор-атроф ҳароратига таъсири каттадир. Сув ҳавзаларининг таъсири бутунлай бўшқача: Сув ҳавзасига тушаётган куёш энергиясининг катта улуси (99,6%) асосан сувни иситишга кетади ва факатгина 0,4 % чор-атроф ҳавосини иситишга кетади. Сув ҳавзалари кунлик ҳаво ўзгаришига таъсир кўрсатмайди, лекин йиллик ҳаво ҳароратининг ўзгаришига катта таъсир кўрсатади. Сув ҳавзалари (кўл, сув омбори, дengiz, океан) ёз ойлари исиб бу иссиқликни киши ойларий ҳавога тарқатади. Шу сабабли киши ойлари сув ҳавзалари устида, унга якин жойларда анча илиқ келади.

**Ҳаво ҳароратини кунлик ўзгариши.** Ҳаво ҳароратининг кунлик ўзгаришида бир максимум ва бир минимум кузатилади. Энг паст ҳарорат куёш чикишидан олдин кузатилади. Куёш чикгандан сўнг ҳарорат кўтарилиб, ўз максимумини  $14-15^{\circ}$  га етиб сўнгра куёш боттанга кадар пасайиши кузатилади.

Айрим кунлари об-ҳаво шароитига кўра, ҳаво ҳароратининг кунлик нормал ўзгаришидан оғиш ҳам бўлиши мумкин. Кун давомидаги энг катта ва энг кичик ҳароратлар орасидаги фарқ ҳаво ҳароратининг амплитудаси дейилади. Унинг микдори

жойининг жўтрофика кенглигига, йилнинг фаслига, жойнинг паст баландлигига ва бошқаларга боғлик.


Жойнинг кенглиги ошган сари қўёшнинг туш пайтидаги ерга нисбатан баландлиги камаяди. Тропикада энг катта ҳарорат амплитудаси кузатилади. Мисол учун, Сахрои Кабирда кечалари анча паст ҳарорат кузатилса, туш пайтлар ҳарорат  $45-50^{\circ}\text{C}$  дан ошади. Энг кичик ҳарорат амплитудаси  $1-2^{\circ}\text{C}$  доимо ёки кундуз ёки кузатиладиган кутб ўлкаларида кузатилади.

**Ҳаво ҳароратининг йиллик ўзгариши.** Ҳаво ҳароратининг ўзгаришини унинг амплитудаси ифодалайди. У йилдаги энг иссиқ ва совук ойлар орасидаги фаркга тенг.

Ҳаво ҳароратининг йиллик ўзгариши жутофика кенглигга, ер устининг нима билан копланганлигига, дengиз сатхидан баландлигига, булутлар ва ёгин миқдорига боғлик.

**Ҳаво ҳароратини кузатиш.** Метеорологик станцияларда ҳаво ҳарорати кузатиш муддатларида ўлчанади. Шу билан биргаликда метеорологик муддатлари оралиғидаги максимал ва минимал ҳаво ҳарорати аникланади.

**Психрометрик кути.** Психрометрик кути ўлчами  $29\times46\times59$  см бўлган унча катта бўлмаган кутидан иборат. (2.12-расм)



2.12-расм. Психрометрик кути.


Унинг ён деворлари икки каторли тахтачаларидан ташкил топиб, пардани эслатади, улар орқали кутига ҳаво бемалол киради. Ён деворларидан бири унинг эшиги хисобланади. Кути устида горизонтал шит бўлиб, у кути томини ёпади.

Метеорологик (психрометрик) кути бу метеорологик асбобларни Қуёш таъсири, Ер нурланиши атрофдаги буюмлар, шунингдек шамол ва ёғинлардан саклайдиган ичига метеорологик асбоблар - намлик ва ҳарорат ўлчагичлар ўрнатиладиган яхши шамоллатиладиган махсус кутича. Жаҳондаги барча кузатиш станцияларида бир хил, яъни Ер сиртидан 2 м баландлиқда ўрнатилади.

Кути эшиги шимол томонга қаратиб ўрнатилади. Бу нарса кузатиш олиб борилаётганда кутига қуёш нурлари тушмаслиги учун килинади. Кутининг ички ва сирткни кисмлари ўрнаткич ва зинача оқ ёғли бўёқка бўялади.

**Ҳаво ҳароратини ўлчайдиган термометрлар.**  
Психиометрик аспирилган иккита психиометрик термометрлар, максимал ва минемал термометрлардан ташкири ҳаво ҳароратини ўлчаща аспирацион психрометрдан фойдаланилади.

**Психрометрик термометрлар.** Психрометрик термометрлар махсус штативга ўрнатилади. Икки термометр тик холатда ўрнатилган бўлиб, уларни психрометрик деб аталади(2.13-расм).




2.13 -расм. Психрометрик термометрлар.

Улардан бири курук, иккинчиси хўлланган деб аталади. Ҳаво ҳарорати курук термометр ёрдамида ўлчанади. Хўлланган термометр резервуари батистга ўралиб сувли стаканга тушириб кўйилади.)

Курук ва хўлланган термометрларда саноқлар бўйича психрометрик жадваллар ёрдамида ҳаво намлиги аниқланади. Кутида психрометрдан ташқари маълум вакт оралиғидаги энг юқори (максимал) ва энг паст (минимал) ҳароратларни ўлчаш учун термометрлар ўрнатилади. Улар кутида бўйлама ҳолатда ўрнатилади. Психрометрик будкадаги асбоблар *Август психрометрлари* деб аталади.

Ҳаво ҳароратини дала шароитида ўлчаш учун аспирацион психрометрнинг курук термометри ва прашч термометри ишлатилади.

*Аспирацион психрометр термометри.* (2.14-расм) - симболи, шкала бўлинмаларининг киймати  $0,2^{\circ}$ . У психрометрик термометрдан (Август психрометридаги) кичик ўлчами ва резервуар шакли билан фарқ қиласи.. Бу термометр аспирацион психрометрнинг бир кисмини ташкил этади ва ҳаво ҳароратини ва ҳаво намлигини дала шароитида ўлчаш учун мўлжалланган (асбоб баёни ва кузатиш услуби 2.7. да келтирилган).




2.14-расм. Аспирацион психрометр.

Ҳаво ҳароратини дала (сафар) шароитида ўлчашда *Прашч термометридан фойдаланилади*. Кузатишдан оддин прашч-термометри ғилоффдан чикарилади ва диккат билан текширилади. Бир вақтнинг ўзида термометр кулоқчасига уланган боғичнинг бутунлиги ва термометрдаги симоб яхшилиги текширилади.

Чап кўлга термометр олинади, ўнг қўлнинг кўрсаткич бармогига боғич олиниб термометр айлантирилади. Кузатиш муддати 1-2 минутдан ўтгандан сўнг, термометрдан саноқ олинади.

Прашч термометрдан тўғри фойдаланилганда, ундан олиниган саноқ психрометрик кутида жойлаштирилган термометрлар кўрсаткичдан фарқ килади.

*Т е р м о г р а ф* - ҳаво ҳароратини вакт оралигида ўзгариб туришини ёзуви асбоб. Термографлар суткали ва хафтали бўлади. Термографнинг тузилиши қуйидагича: термографнинг кабул килиш қисмига ҳаво ҳароратини ўзгаришига таъсирчан бўлган букилган биметаллик пластинка (1) хизмат килади (2.15-расм.)



2.15-расм. Термограф.

Улар ҳар турли көнгайиш коэффициентига эга бўлган икки металл пластинкадан иборат. Улар инвар магнитсиз пўлатдан тайёрланади. Биметалл пластинкани бир учи маҳкамланган, иккинчи учи эса, учига перо (2) уланган стрелкага ричаклар ёрдамида уланган. Перо глицирин қўшилган анилинли сиёҳ билан тўлдирилади. Ҳаво ҳарорати ўзгарган пайтда биметалл пластинка букилишини ўзгартиради ва бу ҳолат перо ўрнатилган стрелкага узатилади. Перо ўз навбатида айланадиган барабанга ўралган лентага тегиб, ҳаво ҳароратининг ўзгаришини акс этувчи эгри чизикни чиза бошлайди. Барабан соат механизми (3) ёрдамида ҳаракатга келади.

Суткали термографларда лента ҳар куни соат 12 да алмаштирилади, хафталик термографларда ҳар душанбада юкорида кўрсатилган вактда янгиланади. Ҳаво ҳароратининг ўзгариши туширилган ленталар (термограммалар) сакланади ва тахлил килинади.

Амалиётда оддий термографлардан ташкари электрик термографлардан (каршилик термометрлари ва термоэлектрик термометрлар) фойдаланилади.

#### Такрорлаш учун саволлар:

1. Ҳаво ҳароратига кайси омиллар таъсир кўрсатади?
2. Ҳаво ҳарорати кун ва йил давомида қандай ўзгаради?
3. Август психрометрига кайси термометрлар киради?
4. Пращ-термометри каерда ишлатилади?

## 2.7. Ҳаво намлиги

Ҳавонинг намлиги деганда ҳаводаги сув буғларининг миқдори тущунилади. ҳавонинг нисбий намлиги (ҳавонинг сув буғига тўйиниш даражаси) унинг ҳароратига боғлик равишда ўзгариади. Ҳаво ҳарорати пасайгацда унинг нисбий намлиги ортади ёки аксинча ҳарорат кўтарилса нисбий намлик камаяди, яъни ҳаво курук бўлиб колади. Нисбий намликнинг энг юкори миқдори йилнинг совук даврида энг кам миқдори эса иссиқ пайтида кузатилади.

Йилнинг иссиқ даврида ҳавонинг юкори ҳарорат и (айникса кундўзи) ва буғланишининг камайиши туфайли ҳавонинг нисбий намлиги пасайиб кетади: сугориладиган ерларда июл ойида нисбий намликнинг кўпийлилк ўртacha киймати айrim вилоятларда 22-25% ташкил этади. Кундуз кунлари нисбий намликнинг 30% дан ошмаган кунлар сони эса 20-30 куни ташкил килади.

Буғланувчанликнинг киймати Ўзбекистонда шимолдан жанубга караб ўрта хисобда 900 мм дан 1500 мм гача ўзгариади. Буғланувчанлик кийматини билиш сугоришнинг мавсумий меъёрини аниклашга ёрдам беради.

Ёз ва куз фаслларида жанубий туманларда ҳаво ҳарорат и юкори бўлганлитидан нисбий намлик камайиб кетади. Агар нисбий намлик узок муддатта 30% дан камайиб кетса, кургочилик бўлади. Қишлоқ хўжалигида нисбий намликни билиш катта ахамиятта эга. Жонивор ва ўсимликларнинг ҳаёти ҳам мухитнинг нисбий намлигига боғлик. Масалан, ипак курти бокиладиган хоналарнинг ҳарорати ва намлиги маълум чегараларда бўлиши керак. Маълум бир хасталиқдаги кишилар ҳаво ўзгаришидан олдин оёқ оғригини сезадилар. Бунга сабаб ҳаво босимининг ўзариши ва нисбий намликнинг ортишидир.

Ҳаво намлиги ҳаводаги сув буғларининг микдори билан ифодаланади. Океанлар ва денгизлар, кўллар, дарёлар, каналлар, сув омборилари, ботқокликлар, нам тупроқ ва ўсимликлардан бўладиган буғланиш туфайли сув буғлари атмосферага кўтарилади. Шу сабабли ҳаводаги буғлар микдори жойнинг океанлардан, денгизлардан, ички сув ҳавзалардан узоқлиги жойнинг рельефи йил фасллари ва кеча-кундуздан, ҳамда ўсимлик копламига боғлиқ. Атмосферадаги сув буғларига таъсири кўрсатадиган кўпгина омиллар таъсирида улар бекарор ва натижада ҳаво беркитидаги сув буғларининг хажми одатда 0 дан 4%гача ўзгариб туради.

**Ҳаво намлигини ифодаловчи микдорлар:** Ҳаво намлиги ҳаводаги сув буғларининг микдори билан аникланади:

1. Ҳаводаги сув буғларининг эластиклиги; бу микдор симоб устунинг миллиметрида (мм) ёки миллибарда (мб) ифодаланади.
2.  $1\text{m}^3$  ҳаводаги сув буғининг микдори, граммларда (г) ифодаланади.

Сув буғлари микдорининг сонли микдори сув буғи эластиклигининг сонли микдорига жуда яқиндир. Бу микдорлар факат  $+16,5^{\circ}\text{C}$  ҳароратда бир-бирига тенг бўлади. Масалан, агар кайд этилган ҳароратда сув буғининг эластиклиги 8,2 мм тенг бўлса, 1 м.куб. ҳаводаги сув буғининг микдори 8,2 г.тенг бўлади.

Биринчи ва иккинчи микдорлар бир-бирига пропорционал бўлиб, иккаласи ҳам мутлақ намлики ифодалайди. Аслида, мутлақ намлик 1 м.куб. ҳаводаги сув буғларининг граммда ифодаланган микдоридир. Аммо метеорологик амалиётида мутлақ намлик миллиметр симоб устунида ёки миллибарда ифодаланади. Мутлақ намлик ҳавонинг намлик даражасини ёки куруклигини етарли ифодаламайди. Мисол учун, мутлақ намлик 9,1 мм (12,1 мб) ва ҳаво ҳарорати  $+10^{\circ}\text{C}$  бўлганда, ҳаво жуда нам бўлиши, ва

шу билан биргалиқда, мутлак намлиқ үзгармай ва ҳаво ҳарорат и +30° С бўлганда, ҳаво нихоятда курук бўлиши мумкин.

Шунинг учун ҳавонинг намлиқ даражасини яққол баҳолаш учун учинчи миқдор - нисбий намлиқдан фойдаланилади.

**3. Н ис б и й н а м л и к** - ҳаводаги мавжуд сув бугининг эластиклигининг (босимининг) L, унинг бир хил ҳаво ҳароратидаги максимал эластиклигига (босимига) E фоизли нисбатидир.

$$r = \frac{e}{E} \cdot 100\% \quad (2.10)$$

Нисбий намлиқ миқдори ҳаво намлиги даражасини яққол ифодалайди; бошқача айтганда, нам ҳавонинг тўйинишига канчалик якин ёки узоклигини кўрсатади.

Мисол. Ҳаво ҳарорати +20° С бўлганда, ҳаводаги сув бугининг эластиклиги 18,7 мб тенг. Нисбий ҳаво намлигини таниклаш керак.

Е ч и м и: иловадан ҳаво ҳарорат и +20° С бўлганда тўйинган буг эластиклиги 23, 38 мб тенг. Унда

$$r = \frac{18.7}{23.4} \cdot 100 = 80\%$$

**4. Намлик етишмаслиги**, ёки тўйиниш етишмаслиги, яъни мавжуд ҳаво ҳароратидаги тўйинадиган буг эластиклиги E ва амалдаги эластиклик L ўртасидаги фарқдир. Агар намлиқ такчиллигини d ҳарфи билан белгиласак, унда

$$d = E - e \quad (2.11)$$

Бу миқдор миллиметр симоб устунида ёки миллибарда ифодаланади.

Мисол. Ҳаво ҳарорати +20° С бўлганда ҳаво бугининг эластиклиги 14.2 мб тенг бўлади. Бундай ҳолатда намлиқ такчиллиги d нимага тенг бўлади?

Бизнинг мисолда

$$d = 23.4 - 14.2 = 9.2 \text{ мб.}$$

Намлик тақчиллиги мавжуд ҳаво ҳароратида унинг тўйинишига қанчалик эластиклик етишмаслигини кўрсатади. Нисбий намлик камайиши билан намлик тақчиллиги кўпаяди ва аксинча. Нисбий намлик 100% бўлганда намлик тақчиллиги нолга тенг.

5. Шудринг нуқтаси td - ҳаводаги сув буғининг тўйиниши ҳолатига етишиши учун зарур ҳароратидир.

*Мутлақ ҳаво намлигининг кун ва йил ичида ўзгариши.*  
Мутлақ ҳаво намлигининг **кунлик ўзгариши** ҳаво ҳароратининг кун давомида ўзгариши билан узвий боғлиқ. Океан, дengизлар юзасида ҳамда уларнинг кирғоқ бўйларида мутлақ ҳаво намлиги кун давомида ҳаво ҳароратининг ошиши билан кўтарилиб туради. Худди шундай хол курукликлар устида қиши фаслида кузатилади. Юқорида қайд килинган ҳолларда мутлақ ҳаво намлиги ўзининг энг катта кийматини ҳаво ҳарорат и ўзининг кунлик максимум пайтида - соат 14-15 да кузатилади. Мутлақ намлиknинг энг кичик киймати куёш чикиш олдида, ҳаво ҳарорати ўзининг кунлик минимуми пайтида кузатилади.

Курукликлар устида йилнинг иссиқ ойлари мутлақ намлиknинг кунлик ўзгариши ҳаво ҳароратининг кунлик ўзгариши билан бир хил бўлмайди. Бу ерларда мутлақ намлиknинг кун давомида иккита максимуми - эрталаб соат 8-9 якин ва куёш ботишига якин кузатилади. Мутлақ намлиknинг минимал кийматлари курукларда куёш чикиш пайтида ва соат 14-15 да кузатилади. Мутлақ намлиknинг кузатилишига ҳавонинг тик бўйлаб алмашуви сабаб бўлиб, бунда ер устидаги нам ҳаво кўтарилиб, унинг ўрнига курук ҳаво келади. Куёш ботгандан сўнг ҳаво ҳарорати тез пасая бошлайди ва натижада сув буғи тўйиниб, шудринг ва туман холда пастга тушади. Шу сабабли

мутлак намлик күёш ботгандан сўнг камайиб, ўзининг шимишига күёш чиқишига якин етади.

**Мутлак ҳаво намлигининг йиллик ўзгариши** ҳаво хароратининг йиллик ўзгариб туришига боғлик. Мутлак ҳаво намлигининг йил давомидаги энг катта киймати Шимолий ярим шарда йилдаги энг иссиқ ой - июльга тўғри келади, энг пастки - энг совуқ ой - январда кузатилади. Мисол учун, Тошкентда мутлак намликтининг энг катта киймати июлда (25.мб), энг кичиги - январда (10.мб) кузатилади.

**Нисбий ҳаво намлигининг кунлик ва йиллик ўзгариши.** Нисбий намликтининг кунлик ўзгариши асосан ҳаво хароратта боғлик, яъни харораттининг ошиши билан нисбий намлик камаяди, ва аксинча, камайтига нисбий намлик ошади.

Нисбий намликтининг йиллик тебраниши ҳаво хароратининг йиллик ўзгариши тескари пропорционал. Нисбий намликтининг минемал ўртacha микдори йилнинг иссиқ ойларига тўғри келади. Максималлар совуқ ойларига.

**Намликтининг аҳамияти.** Ҳаво намлиги об-ҳаво ва иклимининг энг муҳим тавсифи хисобланади. У атмосфера ёғинларини ифодалайди, ҳавонинг хиралашшишига сабаб бўлади, чор-атрофнинг кўриниш ҳолатини камайтиради, күёш нурланишини камайтиради ва х. Шу билан биргаликда ҳаво намлиги хайвонот ва ўсимлик организмларига, бир катор машиналар, шу жумладан, кишлоқ ҳўжалиги машиналарга катта таъсир кўрсатади.


Ҳаво намлигининг ўсимликларга таъсири асосан улардан бўладиган транспирация (ўсимликлар орқали бўладиган намликтин бугланиш жараёни) микдори билан ифодаланилади. Ҳаво намлиги пасайиб кетганда транспирация кўпайиб, ўсимлик курий бошлайди.

Ҳаво намлиги одам организмига ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Мисол учун ҳаво ҳарорати +8, +10С бўлган да ҳаво намлиги одам танасидан иссикликнинг тарқашига ёрдам беради ва юкори ҳароратда, тескарисига, иссикликни чикишини сустлаштиради.


Ҳаво намлиги бўйича маълумотлар атмосферанинг ҳолати ифодаловчи об-ҳаво башпоратларини тузишда катта аҳамиятга эгадир.

**Ҳаво намлигини ўлчаш усуллари.** Ҳаво намлигини ўлчаш учун ҳар турли усуллардан фойдаланилади: мутлак (тарозили), психрометрик, ҳаво намлигини соч толали ёки пардали гигрометр (2.16-расм) ёрдамида аниқлаш, шудринг нуқтаси бўйича ва б.

а)



б)



2.16-расм. Пардали (а) ва соч толали (б) гигрометрлар.

**Психрометрик усул.** Метеорологик станцияларда ҳаво намлигини психрометрик усул билан ўлчаш кабул килинган. Бу усулда ҳаво намлигини ўлчаш иккита термометрдан иборат асбоб

- психрометр ёрдамида олиб борилади.(2.13-расм.)  
Психрометрик термометрлар бирининг қабул кисми (резервуар) хўл ҳолатда бўлган батист билан ўралган (хўлланган термометр ). Хўлланган термометр резервуари устидан буғланиш содир бўлиб, маълум иссиқлик сирфланади. Психрометрининг бошқа термометри куруқ-хавони ҳароратини кўрсатади. Хўлланган термометр ўзининг ҳароратини кўрсатади. Бу ҳарорат резервуар юзасидаги сувнинг буғланиши шиддатига боғлиқdir. Намлиқ тақчиллиги қанчалик катта бўлса, шунчалик шиддат билан буғланиш бўлади, ва натижада хўлланган термометр кўрсатиши паст бўлади. Ҳаво намлигини ўлчаш учун икки турдаги психрометр: *муқим ва аспирацион ишлатилади*.

*Муқим психрометр* . Иккита бир хил термометрлардан иборат бўлиб, улар психрометрик кутида штативда вертикал ўрнатилиб, термометрдаги бўлинмалар Хар  $0,2^{\circ}$  га бўлинган. Ўнг томондаги термометр батист бўлакчаси билан зич ўралади ва унинг пастки учи дистиллиранган сув тўлдирилган стаканга туширилади. Стаканга батист тушириладиган ёриги мавжуд копкок билан беркитилади.

*Муқим психрометр бўйича кузатиш*. Термометрлардан саноқ олиш иложи борича тезроқ олинади, чунки кузатувчининг термометрга яқинлашиши билан саноқ ўзгариши мумкин. Аввал ўнликлардан, сўнгра бутун градуслардан саноқ олинади.

Психрометр бўйича кузатиш ҳар қандай мусбат ҳароратида хам олиб борилади, аммо манфий ҳароратда - факат -  $10^{\circ}$  гача, чунки паст ҳароратдаги саноклар ишончсиз деб хисобланади. Кузатиш пайтида батистнинг сувли ёки музлаганига эътибор берилади, чунки психрометрик формулага кирувчи сув буғининг максимал элластлиги (упругость) сув ва муз устида ҳар турлидир.

*Аспирацион психрометр.* (Ассман психрометри). Аспирацион психометрининг ишлаш тартиби худди муқим

психрометридек. Бу психрометрнинг афзаллиги шундаки, ҳавонинг доимий силаниш тезлиги(2м/сек) сунъий вентиляция ёрдамида эришилади.

Асобобнинг тузилиши билан танишамиз (2.14-расм.) Иккита психрометрик термометр 1,2 металл гилоф ичига жойлаштирилган. Термометрлар бўлинмалар киймат  $0,2^{\circ}$  гилоф икки трубканадан иборат бўлиб, улар пастда бўлинишади ва икки томондан 3 ён химояловчи 4 дан иборат. Трубкаларнинг юкориги кисми 3 аспиратор 7 билан бирлашган. Аспиратор икки трубкалар 5 ва 6 ёрдамида ташки ҳавони сугириб олади ва термометр резервуарлари 10,11 ни ҳаво билан таъминлайди. Аспиратор пружинали механизмга эга, пружина калит 8 ёрдамида бурилади: термометрларнинг бири (ўнг томондагисига батист ўралган.) Психрометр усти никелланган ва яхши теккисланганлиги сабабли у күёш нурларини яхши кайтаради. Шу сабабли психрометрга қўшимча күёш нурларидан химояни кераги йўқ, у очик ҳавода ўрнатилаверилади. Аспирацион психрометр метеорологик станцияларда градиент кузатишларини олиб борища ҳамда дала шароитида микроклиний тадқиқотларни убштиришда фойдаланади.

*Аспирацион термометр ёрдамида кузатиш.* Психрометр кузатишдан оддин кўёшда 30 минут, ёзда эса 15 минут хонадан ташкарига чикарилади ўнг томондаги термометр батисти резинкали ноксимон 9 билан хўлланилади. Хўллаш кузатишдан ёзда 4 минут, кишида 30 минут оддин бажарилади. Хўллаб бўлгач, аспиратор бурилади ва у саноқ олгунча тўхтамасдан ишлаши зарур.

Аспирацион психрометрдан олинган саноклар бўйича психрометрик жадвал ёрдамида ҳаво намлиги тавсифлари (Сув бугининг элластиклиги I, нисбий баландлик f, шудринг нуктаси td ва намлик такчиллиги d) аникланади.

**Гигрометрлар.** Ҳозирги пайтда метеорологик станция тармоғидаги икки турдаги гигрометрлар сочли ва плёнкали күлланилади.

**Сочли гигрометр** (2.16-б-расм) Сочли гигрометрнинг асосий кисми ёғсизланган одам сочиридан. Унинг нисбий намлиқ ўзариши билан ўз узунлигини ўзгартиради. Сочнинг тепадаги учи бошкорувчи винт 3 га маҳкамланади. Унинг ёрдамида стрелка 7 нинг ҳолати гигрометр шкаласи 9 да ўзариш мумкин. Сочнинг пастки учи блок ёрдамида 4 билан уланган. 4 эса стержен 5 га маҳкамланган. Бу блокдаги юк 6 сочнинг тартибли туришини таъминлайди.

Блок 8 нинг ўзагига стрелка 7 маҳкамланган, унинг бўш томони хаво намлиги ўзгарганда шкала бўйлаб ҳаракат килади.

Гигрометр атроф хаво ҳароратининг - 50<sup>0</sup> дан +55<sup>0</sup> гача бўлганда ишлатишга мослашган.

**Плёнкали гигрометр** (16-а-расм.) гигрометрнинг ишлаш шарти плёнканинг хаво намлигининг кўпайиши ва камайиши билан унинг таранглиги ўзаришига асосланган. Асбоб намлиқга таъсирчан элементлар (тери) 1 ўзгарувчи тизим, стрелка 2, шкала 3 ва металдан килинган рамка 4. Рамкага асбобнинг барча кисмлари маҳкаланади. Плёнканинг деформацияси стрелкани ҳаракатта келтиради. Плёнканинг доимий таранглигини 10 к 5 таъминлайди асбоб шкаласи тенг бўлинмаларга эса. Гигрометр - 60<sup>0</sup> дан +35<sup>0</sup> гача бўлган хаво ҳароратида ишлаш учун мўлжалланган.

**Гигрометр бўйича кузатиш.** Гигрометр (сочли ёки плёнкали) муким психрометр ўрнатилади психрометрик кутининг орт деворига осиб қўйилади. Гигрометрдан санок психрометрик термометрлар билан бирга бир вактда олинади. Гигрометрдан олинган санокга тузатма маҳсус гигрометр тузатмалари графигида топилади.

**Гигрограф.** Нисбий намликни узлуксиз кузатиш учун ўзи ёзгич гигрографдан иккинчи психрометрик кутидаги тахмончага ўрнатилади.

Гигрограф лентаси муддатдаги кузатишлар асосида қайта ишланади.

### **Такрорлаш учун саволлар**

1. Ҳаво намлиги қандай хосил бўлади?
2. Ҳаво намлиги қандай миқдорлар билан ифодаланади?
3. Ҳаво намлигини қандай усуллари мавжуд?
4. Мутлак ҳаво намлигининг кун ва йил ичида қандай ўзгаради?
5. Ҳаво намлигининг инсон организимига қандай таъсири бор?

### **2.8. Булултлар**

Булултлар атмосферадаги сув буғарининг конденсация ёки сублимация жараёнининг маҳсулидир. Сув буғарининг конденсацияси факатина ҳаво тўйинганда, яъни сув буғлари эластиклиги L маълум ҳаво ҳароратида ўзининг максимал тўйинишига етгандагина содир бўлади. Тўйиниш ҳолати кўпинча ҳаво ҳароратининг киймати шудринг нуқтасига нисбатан паст бўлгандагина кузатилади. Булултлар туманининг ўзгинаси. Факат фарқ шундаки, туман ер юзи яқинида кузатилса, булултлар эса ер устидан анча юкорида хосил бўлади.

Булултлар миқдори 10 баллик шкала (даража) бўйича визуал баҳоланади. Агар булултлар миқдори 0-2 балл бўлса осмон очик, 3-7 - ярим очик ва 8-10 - осмон булат билан қопланган дейилади. Булултларнинг умумий миқдорини ва қуйи қават

булутларини (2 км гача баландлиқда кузатиладиган катламли ва түп-түп катламли булутлар) алохида баҳолаш қабул қилинганд.

Булутларнинг хосил бўлишидаги жараёнларнинг хилмакиллиги, уларнинг тури шаклларда бўлишига сабаб бўлади. Булутларнинг тури-туман шаклда бўлганилиги сабабли уларни тавсифлаш зарурияти пайдо бўлади. Метеорологик кузатишларда булутларнинг морфологик (ташки кўриниши бўйича) ҳалкаро тавсифланиш қабул қилинганд.

Морфологик тавсифланишга булутларнинг 10 асосий шакли киритилган; уларнинг ҳар бири ташки кўриниши ва хосил бўлиши шароитларига кўра, бир қатор турларга ва кўринишларга бўлинади. Бу тавсиф ҳалкаро бўлгани учун булутлар номи лотин тилида берилган.

Булутларнинг жойлашиши баладдигига қараб, 3 қаватта бўлинадилар:

1. Юкори қаватдаги булутлар 6000м юкорида жойлашади;
2. Ўрта қаватдаги булутлар 2000 дан 6000м гача баландлиқда жойлашган;

3. Паст қаватдаги булутлар 2000м дан пастда жойлашган.

Юкорида кўрсатилган булутлар баландлиги тахминан бўлиб, уларнинг паски қисмига тегишли бўлиб, ўрта кенгликларга ҳосдир.

Тиклик бўйича ривожланадиган булутларни айрим ажратишади, уларнинг хосил бўлишида асосан пастки қаватдаги булутлар хизмат килади.

Кўйида булутларнинг 10 асосий шаклининг таснифи ва кискача номлари, ҳамда уларнинг шартли белгилари кўрсатилган.

A. Юкори қават булутлари.

- |                       |                |    |
|-----------------------|----------------|----|
| I. Патсимон           | - Cirrus       | Ci |
| II. Патсимон тўп-тўп  | - Cirrocumulus | Cc |
| III. Патсимон кат-кат | - Cirrostratus | Cs |

Б. Ўрта қават буултлари.

ІҮ. Юкори түп-түп

- Altocumulus Ac

Ү. Юкори қат-қат

- Altostratus As

В. Пастки қават буултлари.

VI. Қат-қат түп-түп

- Stratocumulus Sc

VII. Қат-қат

- Stratus St

VIII. Қат-қат ёмғирли

- Nimbostratus Ns

Г. Тиклик бўйича ривожланадиган буултлар.

IX. Тўп-тўп

- Cumulus Cu

X. Тўп-тўп ёмғирли

- Cumulonimbus Cb

*A - Юкори қават буултлари* ташки кўринишлари бўйича ниҳоятда хилма-хил бўлишсада, уларнинг бир қатор умумий белгилари мавжуд: оқ нафис рангли, улар ортидаги осмон ёриткичлари (куёш, ой, юлдузлар) ва мовий осмон кўринмайди; улар нисбатан секин харакатда бўлади. Юкори қават буултлари муз кристалларидан иборат бўлганлиги учун куёш ва ой атрофида оқ ҳалқа (гало) хосил бўлади.

Патсимон буултлар (Ci) нозик юқа, баъзида шойи ишлардек, кўпинча паррандалар патига ўхшаш кўринишга эга. Патсимон-тўп-тўп буултлар (Cc) майда оқ шарчалардан, пага-пага ёки бурмалардан улар бирқатор жойлашиб, майда дентиз тўлкинини ёки дентиз соҳилидаги майда тошчаларни эслатади, улар кўпинча Ci ва Cs лар билан кўшилган холда кузатилади. Патсимон -кат-қат буултлар (Cs) тиник оқ ранг плёнкани эслатади, айрим холларда тўлкинсимон тузилишда бўлади.

*Б - Ўрта қават буултлари* ташки кўриниши билан патсимон буултлардан ўзининг ташкилий кисмларининг

йириклиги билан, катта зичлиги билан, кўпроқ кулранги билан ва сояларнинг мавжудлиги билан ажралиб туради.

Ююридаги тўп-тўп булулар (As) пластинкали ёки пагапағали бўлиб, кат-кат ёки бир катор ҳолатда жойлашади; улар кўпроқ дениздан тўлкинларни эслатади. Улар кўпинча ок рангда бўлиб, айрим қисми сояда қолган кулранг рангта эга. Бу булулар таркибида сув бўлғанлигидан, уларда гала ҳодисаси кузатилмайди, улар учун қўёш ёки ойни ўраб олган рангли ҳалкалар (венец) ва булулар айрим қисмларининг кизил ва кўк рангда товланиб туришлик (иризация облаков) хосдир. Ююрити кат-кат булулар (As) бир хил кулранг ҳар турли зичликга эга бўлиб, сал-пал тўлкинсимондир. Кўёш ва ой улар ортида зўрбазур кўриниб туради. Бу булулар кор учкунлари сув томчиларидан иборат бўлғанлигидан, уларда қўёш ёки ойни ўраб олган рангли ҳалкалар кузатилмайди.

*В. Пастки қават булулари* йирик силликланган қисмлари билан ёки тўқ кулранг рангли туси билан ажралиб туради.

Кат-кат-тўп булулар (Sc) уюм, тизма, палахса кўринишидаги йирик элементлардан иборат катламлардан иборат. Кўпинча бундай булулар тўлкинсимон тус беради. Кат-кат булулар (St) ер юзидан маълум баландликда жойлаштан, туманга ўхшаш бир хил турдаги кулранг копламдан иборат кўринишга эга. Бундай булулар кўпинча осмонга ўзига хос тўлкинсимон кўриниш беради. Кат-кат булулар (St) ер устидан маълум баландликда жойлашган тумансимон кулранг коплами бир турдаги кўринишга эга. Катламли-ёмғирли булулар (Ns) ер устидан бутун осмонни тўқ-кулранг тусли шаклсиз кўринишга эга.

*Г. Тикликлар бўйича ривожланадиган булуларни* кузататсанда пастки қаватдаги булуларга қарашли, чунки

уларнинг пастки кисми 2000м дан пастда жойлашган. Аммо бу булутиларнинг юкори кисми 6-8 км.га етиши мумкин.

Тўп-тўп булутиларга (Cu) -айрим зич, оқ рангли гумбаз кўринишидаги, пастки кисмига текис кулранг туслилик хосдир. Тўп-ёмғирли жала хосил килувчи булутилар (Cb) тоғ ёки мінора кўринишидаги катта тўп булутилар бўлиб, уларнинг сатхигача етиши мумкин.

Булутиларнинг асосий шаклларининг баёни. Булутилар атласида келтирилган ҳар бири метеорологик станцияда “Булутилар атласи” бўлиши шарт. Булутиларни кузатиш ҳар бир метеомуддатда олиб борилиб, уларга тропосферада хосил бўладиган булутиларнинг миқдори, шакли ва станцияга нисбатан баландлиги қайд этилади. Бундан ташқари кам кузатиладиган ва кам ўрганилган стратосферадаги садафранг ва кумушранг булутилар мавжуд.

*Садафранг булутилар* 25-30 км баландликда пайдо бўлишади. Уларни номошшомда ва кеч арафасида куёш нурлари уфқдан кўринаётганда кузатиш мумкин. Садафранг булутилар ўта совиб кептан сув томчиларидан иборат бўлиб, уларда *иризация* ходисаси содир бўлади.

*Кумушранг булутилар* стратосферанинг энг юкори кисмida 80-85 км баландликда ҳосил бўлади. Бу ниҳоятда юпка, кечалари кайтган куёш нурлари таъсирида ялтирайдиган булутиларdir. Уларнинг пайдо бўлиш сабаблари ҳалигача очилмаган. Кўпчилик олимларнинг муз кристаллардан иборат.

*Ўзбекистон осмонидаги булутилар.* Юкори кават, кисман ўрта кават булутилари одатда Ер сиртига якин кузатиладиган жараёнларга кам таъсир этади ва улардан ёғинлар деярли ёғмайди.

Умумий булутилар кунларнинг ўртача кўп йиллик такрорланиши Ўзбекистонниг теккисликларида 55-60% ни

ташкіл этиб ва факат Қизилкум чўлининг марказий кисмида 50% гача камаяди. Куйи қават булутилик кунларнинг тақрорланиши эса Устюртда ва Орол деңгизи кирғокларида 40% дан ва чўлнинг марказий кисмида 28-30% гача ўзгаради /18/.

Ез фаслида (июлда) булутилар миқдори жуда кам бўлиб, умумий булутилик кунларнинг тақрорийлиги Устюртда 25%, Қизилкум 10-15%. Қарши чўлида эса бор йўғи 3-4%ни ташкил килади.

Умумий булутилик кунларининг ўртача кўп йиллик сони Устюртда 90-100 дан Қизилкум чўлининг жанубий кисмида 50-55 гача ўзгариб туради. Куйи қатлам булутилик кунларининг ўртача сони мос равища 40-50 ва 13-15 ни ташкил этади.

Тоғ олди худудларда булутиларнинг тақсимланишида тоғ ёнбағрининг нам ҳаво оқимиша нисбатан жойланишига боғлиқ бўлади. Тян-Шан тоғ олдининг шимолий ён-бағрида январ ойида умумий булутикнинг тақрорийлиги 65% гача етиб, жанубий ёнбағрида эса 55% гача камаяди. Фарғона водийсида ва Сурхондарё ҳавзасида 53-63% атрофида ўзгариб туради.

Куйи қатлам булутилари тақрорийлиги Ўзбекистоннинг тоғ олди туманларида 30-40%ни ташкил килади.

Июл ойида эса тоғ олди туманларда барқарор кам булутили ҳаво кузатилади.

**Булутиларни кузатиш.** Метеорологик станцияларда булутиларни кузатишга куйидагилар киради:

- а) булутилилк миқдорини аниклаш;
- б) булутилар шаклини аниклаш;
- в) булутиларнинг пастки чегараси баландлиги аниклаш.

Булутиларни кузатиш барча метеорология ва синооптик муддатларда олиб борилади. Булутиларни кузатиш психрометрик будкадаги асбоблардан саноқ олишдан бир неча минут олдин олиб борилади. Аввал булутилар миқдори, сўнгра уларнинг шакли

ва қуий қисми чегарасининг баландлиги аниқланади. Булутлар одатда кўз билан кузатиб ўрганилади, агар булутларнинг қуий чегараси асбобий усул билан аниқланса, қабул килинган кузатиш муддатидан 20-30 мин. олдинроқ бошланади.

**Булутлар миқдорини аниқлаш.** Булутлар миқдори, яъни осмонни булутлар билан қопланганилиги даражасини ўн балли шкала бўйича кўз билан кузатиб аниқланади. Бунда осмоннинг ўндан қанча қисми булат билан қоплангани аниқланади. Булутлар йўклигида ёки у 0,5 баллардан кам бўлган да, “0” балл қўйилади.

Агар булутлар осмон гумбазининг 0,1 ташкил қиласа 1, агар 0,2 ташкил қиласа 2 ва х.к., агар осмон бутунлай булутлар билан қопланса 100 балл қўйилади. Осмон бутунлай булутлар билан қопланган бўлса-да, улар орасида ёриғлик бўлса, унда 10 сони квадрата олинади ва /10/ кўринишида ёзилади.

Кузатишларда аввал булутларнинг умумий миқдори баҳоланади, сўнгра пастки қаватдаги булутлар миқдори айрим, умумий булутлар миқдори айрим баҳоланади. Кузатиш ёзуви каср сон кўринишида ёзилади: суратда умумий, маҳражда пастки булутлилик ёзилади. Агар осмондаги булутлар сони кам бўлиб, 0,5 бални ташкил этмаса, “булутлар миқдори устунига %, шакл устунига булат тури кўрсатилади ва “излар” (из) деб ёзиган кўйилади, мисол учун % Сi из.

Кузатиш пайтида күёш ва ой нурланишининг мавжудлиги ва шиддати белгиланади:

О<sup>2</sup> - күёш бутунлай очик, нарсалар сояси ани;

О - күёш юпқа булутлар ёки сийрак туман билан қопланган, нарсалар сояси сезиларли;

О° - күёш булутлар, туманлар ёки осмондаги губор ортидан зўрга кўринади, нарсалар сояси кўринмайди.

- Ой ёгдусининг тула ой давридан ташкари, барча давлари учун  
)), тулар ой учун - О белгиланади;  
))<sup>2</sup>, О<sup>2</sup> - ой бутунлай очик;  
)), О - ой юпка булултар ёки туман пардаси ортидан кўринади;  
))<sup>0</sup> О<sup>0</sup> - ой булултар, туман ёки осмондаги губор ортидан зўрга  
кўринади.

*Булултар шаклини аниқлаш ва ёзиш.* Булултар шакли “Булултар атласи” бўйича аникланади ва қабул қилинган тасниф бўйича белгиланади. Бунда “Булултар шакли” устунида аввал осмонда энг кўп тарқалган булат номи ёзилади, сўнгра унинг миқдори белгиланади. Булултар шакли, агар уларнинг миқдори 0,5 баллдан кўп бўлгандагина ёзилади. Уфқдан 5-6° С юкоридаги булултар шакли ёзилмайди.

*Булултар баландлиги аниқлаш.* Булултар баландлиги деганда, уларнинг пастки кисмининг станция сатхига нисбатан баландлиги тушунилади. Булултарнинг пастки кисмининг баландлиги станция сатҳидан 2500м юкорида жойлашган пастки ва ўрта қаватдаги булултар учун аникланади.

Булултарнинг пастки кисмининг баландлигини Булултар баландлигини импульсли ўлчагич ёрдамида аникланади. Бу асбоб бўлмаган тақдирда, *баландлик шар-учувчи*, тунги соатларда эса *прожектор ёрдамида* аникланади. Агар булултар баландлигини асбобий усуллар билан аниклаш имконини бўлмаса, улар кўз билан чамалаб кузатиб аникланади.

### **Такрорлаш учун саволлар**

1. Булутнинг тумандан фарки борми?
2. Морфологик таснифларнинг моҳияти нимадан иборат?
3. Садаф ранг ва кумуш ранг булултарнинг хусусиятилари нимадан иборат?
4. Булултар кайси тартибда кузатилиди?

## 2.9. Атмосфера ёғинлари.

Табиатда хар доим сув буғларининг суюқ ёки қаттиқ ҳолатта ўтиш жараёни кузатилади. Сув буғларининг сувга айланиши **конденсация** деб аталади, сув буғларининг қаттиқ ҳолатта айланиши эса **сублимация** деб аталади.

Аввалги бобдан маълумки, атмосферадаги сув буғларининг конденсацияси натижасида ўз таркибида майда сув томчилари тўплами ёки кичик муз кристалларидан иборат булатлар хосил бўлади. Булатни ташкил этувчи элементларнинг ёғин сифатида ерга тушиши учун, улар анчагина катталашиб, пастдаги хавонинг каршилигини енгизиши керак.

Атмосфера ёғинлари X ҳарфи билан белгиланади ва мм да ифодаланади.

Атмосфера ёғинлари икки асосий гурухга бўлинади: биринчиси-булатлардан тушадиган ёғинлар-ёмғир, кор, дўл, тутмача кор ва б.; иккинчиси-ер юзасида ва ундан нарсаларда хаводаги сув буғларининг конденсация ва сублимация бўлиши натижасида хосил бўладиган шудринг, киров, сумалак, яхмалаклар.

Ер усти ва устидаги нарсалар устида хосил бўлувчи ёғинлар.

**Шудринг-** тунги соатлардаги мусбат хаво ҳароратида тупрок, ўт ва горизонтал жойлашган нарсалар устида пайдо бўладиган майда сув томчилари.

**Киров-** худди шудринг каби горизонтал жойлашган нарсалар устида хосил бўладиган аммо қаттиқ майда кристаллик ёғинлариdir. Киров радиатион, совиб қолиш ва манфий хаво ҳарорати шароитида пайдо бўлади.

**Сумалак-** дарахтлар шохларида, симларда ва бошка нарсаларда аёзли об-хаво шамол суст эсланди кузатилади.

Кристаллик яхмалак күпроқ ҳаво ҳарорати - 15° дан паст бўлганда пайдо бўлади.

**Яхмалак-** ер устидаги ҳар тарли нарсалар устида йигиладиган муз қатлами. Одатда яхмалак унчалик совук бўлмасин (0 дан-5°гача) об-ҳавода хосил бўлади.

Атмосфера ёгинлари учта турга бўлинади: қоплаб ёгувчи, жала ва майдалаб ёгувчи. Буркаб ёгувчи ёгинлар узок муддат давомида узлуксиз ва шиддатида ўзгаришсиз ёғади. Шаррос ёмғирлар (жала) киска муддат давом этади, бошланиши ва тугаши кутилмаган холда ўтади, шиддати нихоятда ўзгарувчандир. Майдалаб (эзиб) ёгувчи ёгинлар жуда майда сув томчилари ва майда кор учкунларининг нисбатан узок вақт ёгиши билан ифодаланади.

#### **Атмосфера ҳодисаларининг шартли белгилари.**

Тропосферанинг куйи кисми ва ер юзасидаги атмосфера ҳодисалари кўз орқали кузатилади. Бунда ҳодисанинг бошланиши ва тугаши, бундан ташкири шиддати кайд этилади.

Об-ҳавони кайд этиш дафтарчада гинлар ва бошқа атмосфера ҳодисалари шартли белгилар ёрдамида ёзиладилар.

#### **Ё г и н л а р**

•	буркама ёгинлар	*	буркама хўл кор
▽	шаррос ёмғир(жала)	↓	жалали хўл кор
□	аёз	↗	корли крупa
*	буркама кор	↖	корли дон
▽	жалали кор		
△	музли ёмғир	↔	яхмалак
⌒	шудринг	▽	донадор киров
□	киров	∨	кристаллик киров

## Т у м а н л а р

	Туман		тутун
	Осмон кўринадиган туман	↔	музли тутун
	ер устидаги туман		

**Йиллик ёғинларнинг худуг бўйлаб тақсимланиши.**

Ўзбекистон Республикасида ёғинларнинг тақсимланиш хусусияти худуднинг кенг куруклик ичкарисида жойлашсан, кисман субтропик минтака ва турли-туман рельефни ўз ичига олганлиги билан белгиланади.

Атмосфера ёғинларининг худуд бўйича тақсимланишида икки холат кузатилади: тоғли жойларда ёғин миқдорининг нихоятда хар турлиги ва уларнинг чўлли ва паст текислик минтақаларда хамлигидир. коракум ва коркум чўлларида ва уларнинг Орол дентизига ёндошган жойларида йилига 100 мм дан кам ва айрим йиллари 55 мм дан кам ёғин ёғади. Тоғолди жойларга якинлашган сари ёғинлар миқдори ўсади. Хисор ва Зарафшон тоғ тизмаларининг тармокларида ва Фаргона водийси атрофидаги тоғ ёнбагирларида 400-500 м баландликда 200-300 мм гача ёғинлар ёғади. Баъзи бир шамоддан пана курук ёнбагирларда шундай ёғин миқдори 600-800 м баландликчача кузатилади. Энг кўп намликни Тянь-Шань тоғ тизимининг гарбий ёнбагирларида кузатилади; йил давомида 2000 мм ёғин ёғади.

Фаргона тоғ тизмасининг Фаргона водийсига қараган жанубий-гарбий ёнбагирларида йилига 1500-2000 мм гача ёғин ёғади. Нам ҳаво окимиға рўпара, гарбга очик тоғ водийларида ва кенг ҳавзаларда хам ёғинлар кўп ёғади. Бунга мисол бўлиб, Чирчик дарёси водийси хизмат килади, у ерда 800-900 мм гача

ёгин ёғади ва Охонгарон дарёси водийсининг 3000 дан 3400 мм гача оралиқда иилига 1300-1400 мм ёгин ёғади.

Катта курғокчилиги билан Фарғона водийси туби ажralиб туради. Водий марказида 100 мм дан кам ёғин ёғади.

Ёғинларнинг жойнинг баландлиги билан ўзгариб туришини тиклик градиенти (ёгин миғдорининг ҳар 100 м кўтарилигандағи ўзгариши) билан ифодаласа бўлади. Ёғинларнинг тиклик вертикали тоғ ёнбағрининг намланганлик даражасини кўрсатади.

Олой тоғ тизмасининг шимолий қисмларида ёғинларнинг тиклик вертикали 20-30 мм ташкил этса, Хисор тоғ тизмасининг жанубий қисми ёнбағирларида эса 70-90 мм га етади.

Ўзбекистон иклимининг ўзига хос ҳусусиятларидан бири худуднинг табиий намгарчилик шароитига боғлиқ бўлган курғокчилигидир. Намгарчиликнинг ташкил топишида атмосфера ёғинлари салмокли ўринга эга. Текисликларда ёғинларнинг ўртача ииллик миқдори 80-200 мм, тоғ олди худудларда унинг миқдори бироз кўпроқ бўлади ва тоғларнинг шамолла караган ёнбағрида ундан кўпроқга -2000 мм га етади (15).

Ииллик ёғиннинг кўпроқ қисми (30-50%) баҳорга, 30-35% кишига ва 15-20% кузга тўғри келади. Ёз ойларида ёғингарчилик ўрта хисобда жуда кам бўлади: ииллик ёғиннинг 5-10% ни, жанубий туманларда эса 2-3% ни ташкил этади. Ёғинларнинг фасллар бўйича нотекис тақсимланиши совук мавсумларда циклоник фаолиятнинг жадал ривожланиши (айникса, энг кўп ёғингарчилик ойлари март, апрелда) ва ёзда термик депрессиянинг вужудга келиши билан боғлиқдир. Ёғинлар миқдори ийлдай ийлга ўзгарувчан бўлади. Айрим ийлари ёғин миқдори ўртача кўп ииллик ёғинлар миқдорига нисбатан 1,5-2,0 марта кўпроқ, курғокчилик ийларида 3-4 марта кам бўлади.

Ёғингарчиликнинг ўзгарувчанлиги айниқса курук иссик айларда кўзга яққол ташланади: айрим йиллари ёзда ёғингарчилик бутунлай бўлмайди, айрим йиллари эса бир неча кун ичида ёғин бир ойлик миқдорга тенг ва ундан ошиб кетиши мумкин.

Суюқ ёғинлар (ёмғир) Ўзбекистоннинг барча худудида йил давомида кузатилиши мумкин, лекин тоғларда унинг миқдори баландлик бўйича тез камаяди, айни пайтда каттиқ ёғинлар (кор) нинг миқдори ортиб боради.

Кор республиканинг жанубида ноябр-март, текисликларда ва тоғ олди туманларда октябр-апрел, баландлиги 1000 м дан юкори бўлган тоғларда октябр-май ойларида ёғади.

Кор қоплами ўзбекистоннинг текисликларида ноябр ойининг охирида, жанубий туманларида декабр ойининг учинчи ўн кунлигига ҳосил бўлади.

Кор қопламли кунлар ўртача сони шимолий худудларда 60, тоғларда 100дан ошади. кор қопламининг ўртача баландлиги текисликларда 4-8 см, максимал киймати 30 см атрофида бўлади, тоғ олди туманларда эса мос равишда 10-20 ва 40-60 см ни ташкил этади. Тоғли худудларда ўртача баландлик 60 см, максимал киймати эса 1,5-2 м дан юкори бўлиши мумкин.

*Атмосфера ёғинларини кузатиш.* Атмосфера ёғинларини кузатиш кўз билан ва маҳсус асбоблар ёрдамида олиб борилади.

Кўз билан бўладиган кузатишларда ёғинлар тури уларнинг шиддати, ёғиннинг бошланиш ва тугаш вакти аникланади. Бу кузатишлар бошқа об-ҳаво элементларига ўхшаб, маълум коидалар асосида бажарилади. Кузатиш натижалари кузатувчи дафтарчасига туширилади.


Ёғин ўлчагичларнинг пакирчасини алмаштириш ва ёғинлар миқдорини ўлчаш суткасига икки марта-соат 7 ва 19 да амалга оширилади. Кузатиш натижалари куйидаги тартибда кузатиш

дафтарчасига ёзилади: ёгин шартли белгиде ёзилади, сўнгра унинг давом этиши ва шиддати кайд этилади.

Ёгинлар катта шиддат билан ёғтан пайтда (дўл, жала кузатилган) бу ҳодиса батафсилик дафтарда ёритилади. Бунда дўл ўлчами, жала туфайли кўрилган зарар кайд этилади.


Ёгинлар миқдорини ўлчаш махсус ёгин ўлчагичлар ёрдамида олиб борилади. Улар ичида кейинги пайтда энг кўп тарқалгани-метеорологик станциялардаги *Третъяков ёгин ўлчагичидир*. (2.17- расм).

Бундан ташқари етиб бориш кийин бўлган жойларда узок вакт оралиғида (фасл, йил) ёгинларни тўпловчи йигма ёгин ўлчагичлар ўрнатилади. Агрометеорологик ва микроклиний тадқикотларда Ф.Ф.Давитаянинг дала ёмғир ўлчагичи кўлланилиши мумкин.



2.17-расм. Третъяков ёгин ўлчагичи.

Баъзи бир метеорологик станцияларда ёмғирларнинг миқдори ва давом этишини кайд этиш учун ўзиёзгич ёмғир ўлчагич-плювиографлар ўрнатилади.(2.18-расм.)



2.18-расм. Ёғир ўлчагич-плювиограф.

Третьяков ёгин ўлчагичи ёғинларни ўлчайдиган асосий асбобдир. У галма-галдан қўйиладиган металл челяклардан, копкоқдан, металл япрокли тўсиклардан иборат. Ёғин ўлчагич комплектига яна ўлчаш стакани киради. Баландлиги 40 см цилиндр шаклидаги челяк, унинг тубидан 17 см баландлик кисмида ёғин суви йигиладиган ва челяк ичидаги намликни бугланишдан сакловчи ўртаси тешик воронка жойлаширилган. Челякнинг хажми эса 5 см куб. Ёғин ўлчагичнинг остики кисмида тўпланган сувни тушириш учун крани хам бор. Бир кечакундузда челяқда йигилган сув икки марта соат 7 ва 19 да сув ўлчагичга ёки ўлчаш стаканига оқизилади. Агар кор ёғса у эритиб, сувга айлантирилади. Ёғин ўлчагич ер юзасидан 2 см баландлиқда ўрнатиласди.

Ёғин ўлчагичнинг ўлчаш стакани 100 бўлимларга бўлинади. Ҳар бир бўлинманинг киймати 2 см куб га тенг. Челякнинг кабул килувчи майдони 200 см куб бўлганда, бундай миқдор челяқдаги ёғинлар катламининг 0,1 мм баландлигига тенг келади. Масалан,

стаканнинг 43 бўлинмаси 4,3 мм, 2 бўлинмаси 0,2 мм тенг бўлади.

Метеорологик кузатиш дафтарчасида ўлчанган ёгинлар миқдори стаканнинг бутун бўлинмалари ва миллиметрда берилган сув қатламида ёзилади. Бунда миллиметрда ифодаланган сув қатлами ковус ичига олинади. Масалан: 113 (11,13), 7 (0,7).

Агар сув қатлами маълум бўлса, ҳар қандай майдон устига тушган сув миқдорини аниқласа бўлади.

Мисол: Ўлчанган ёгин миқдори 10 мм ташкил этади. Шу ёгинларнинг қанчаси 1 га жойга тўғри келишини аниқлаш керак.

Ечими:  $1\text{га} \times 10\text{мм} \times 10\,000 \times 0,01\text{м} \times 100\text{ м куб (ёки } 100\text{м)}.$

Шундай ва шунга ўхшаш хисоблар метеорологик станцияларда кўпроқ маҳаллий халқ хўжалиги ташкилотларининг эҳтиёжларига кўра бажарилади.

Оддий муқим ёгин ўлчагич ва ёмғир ўлчагичлардан ташкари яна йигма ёгин ўлчагичдан фойдаланилади.

*Йигма ёгин ўлчагич* ахоли яшамайдиган, етиб бориш кийин бўлган жойларда ўрнатилиб, йилнинг ҳар қандай фаслида узок вақт оралигида ёккан ёгинлар йигин ва сўнгра улар миқдорини ўлчаш учун мўлжалланган. Асбобнинг ишиатилиши унинг кабул цилинтри оркали резервуарга тушган ёгинларни йигишига асосланган. Ёгин ўлчагич кабул цилинтри, пластинкали тўсиклар, резервуар (ёгин йигувчи) ва асосдан иборат. Ёгин ўлчагич ўрнатилгандан сўнг, резервуардаги ёгинларни буғланишдан саклаш учун асбоб ичига минерал ёғ куйилади. Ёмғир сувлари миқдори мензурка ёрдамида, кор эса тарозида ўлчанади.

*Плювиограф* - ёмғир миқдорининг давом этиши ва шиддатини кайд этувчи ўзи ёзич асбоб. У баландлиги 1,3м келадиган шкаф ва уни ичига ёмғирни кабул киладиган кайд этадиган кисмлар ўрнатилади. Кабул кисмида  $500\text{ см}^2$  идиш

бўлиб, уни пасти конуссимон бўлиб, тагида сув оқиб тушиши учун бир неча тешик мавжуд. Плювилграммма (лентадаги график) ёрдамида ёмғирнинг бошлиниш ва тугаш вақти, микдори, давом этиши ва унинг шиддатини аниклаш мумкин.

### **Такрорлаш учун саволлар**

1. Атмосфера ёғинига нималар киради?
2. Ёғинлар қайси тартибда ва қайси муддатларда кузатилади?
3. Ёғинларни кузатишида қайси асбоблардан фойдаланилади?
4. Ўзбекистон худудида атмосфера ёғинлари қандай таксимланган?

### **2.10. Атмосфера босими**

Ҳаво кўзга кўринмаса ҳам, лекин биз уни сезамиз.

Ҳаво ҳар бир квадрат сантиметр юзага бир минг ўттиз уч грамм куч билан таъсир этади. Буни таккослан учун ҳаво одам танасига қанча куч билан таъсир этишини кўрайлик. Одам танасининг ташки сирт юзаси ўртача ўн беш минг квадрат сантиметрни ташкил этади. Демак, ҳаво одам танасига 12000-15000 кг, ёки 12-15 т юк оғирлигига тенг босим билан таъсир кўрсатади. Лекин бу оғирликни танамиз сезмайди, чунки ташкаридаги босим гавдамиз ичидағи ҳаво босими билан мувозанатлашади.

Ердаги ҳайёт айнан ана шу босимга мослаштан. Шунинг учун киши баландликка кўтарилиган сари факат кислород етишмаслиги учунгина эмас, балки босимнинг камайиб борганилиги сабабли ҳам ўзини ёмон хис этади. Босим қанча паст бўлса, сув шунча паст ҳарорат да қайнайди. Масалан, 20 км баландликда сув ҳарорат  $37^{\circ}\text{C}$  бўлган да қайнайди. Одамнинг нормал тана ҳарорат и  $36,6^{\circ}\text{C}$  эканлигини эътиборга олсак, бу баландликда кон қайнашини кузатиш мумкин.

Шунинг учун хам фазогирларин махсус кийим кийдирилиб, космик кема ичидаги ҳарорат, намлиқ, босим ва шу каби башка ҳолатларни бир хил меъёрда сакланадиган килиб шароит яратилади.

Халқаро бирликлар тизими (СИ)да босим *паскала* (Па) ўлчанади. Якин вактта метеорологияда босим бирлиги сифатида *миллибарлардан* (мб) фойдаланилар эди.

$$1 \text{ мб} + 100 \text{ Па} = 1 \text{ гПа}.$$

Хозир метеорологияда босим бирлиги этиб паскал қабул килинган. Лекин амалиётда босим бирлиги сифатида миллиметр симоб устуни (мм сим. уст.) кенг кўлланилади.

Бу бирликни башка бирликлар билан ўзаро боғланишини келтирамиз:

$$1 \text{ мм сим. уст.} = 133,33 \text{ Па} = 1,3333 \text{ гПа};$$

$$1 \text{ гПа} = 0,75 \text{ мм сим. уст. ёки}$$

$$1 \text{ гПа} = 3/4 \text{ мм сим. уст.}$$

$$1 \text{ мм сим. уст.} = 4/3 \text{ гПа}.$$

Нормал ҳаво босими  $45^\circ$  кенглиқда 760 мм сим. уст. тенглигини инобатта олсак ўртача ҳаво босими дengiz сатҳида 1013,3 гПа га якин бўлади.

Ердан юкорига кўтарилиган сари ҳаво босими пасайиб, ерга якин катламларда ҳар ўн - ўн бир метр баландликда бир миллиметр симоб устунининг босимига камаяди. Ҳаво босимининг бундай конуниятидан фойдаланиб (ҳароратни назарда туттан ҳолда) самолётлар, ер юзаси ва тоғларнинг дengиз сатҳига нисбатан баландлигини ўлчали мумкин.

Тошкент шаҳри дengиз сатҳидан 470 м баландликда жойлашган деб олсак, у ҳолда ҳаво босими дengиз сатҳига нисбатан симоб устунининг 38-40 мм га пасаяди. Яъни,

Тошкентда ўртача нормал ҳаво босими 720-722 мм сим. уст. нинг босимига тенг бўлади.

Ҳаво босими об-ҳавонинг ўзгаришига (циклон ёки антициклонларнинг ўтишига) боғлиқ ҳолда ўзгариб туради.

Денгиз сатҳидаги ўртача босим 760 мм сим.уст. ёки 1013,2 мб.га тенг. Бу миқдор стандарт, ёки <нормал> деб кабул килинган. Стандарт миқдор деб, 1000 мб га тенг босимни кабул килиш мумкин.

**Ҳаво босимини кузатиш муддатлари.** Ўзбекистон Республикаси Бошгидрометида метеорологик станцияларда ҳаво босимини кузатиш ҳар куни 4 муддатда: Москва вақти билан соат 0,6,12 ва 18 ларда олиб борилади.

**Ҳаво босимининг баландлик бўйича ўзгариши.** Кузатиш нуқтаси канчалик денгиз сатҳидан баландликда жойлашса, ҳаво устунининг баландлиги шунчалик кичик бўлади. Шунинг учун юкорига кўтарилиган сари ҳаво босими камая бошлиди. Баланд тоғларда ҳаво босими пасттекислик ва тоғ одди жойларга нисбатан паст бўлади. Баландликка боғлиқ ҳолда босимнинг ўзгариши туфайли барометри барометрик нивелирлашда кўллаш мумкин. Бунда босим миқдори билан бир каторда ҳаво харорати ўлчанади. Ўлчаш натижаларини Бабине формуласига кўйиб, икки нуқта орасидаги баландлик фарки топилади.

**Изобарлар.** Симолтик ҳариталарда бир хил босим қийматига эга бўлган нуқталари бирлаширилса, тенг босимлар чизигини, яъни изобарларни ҳосил киласиз.

**Атмосфера босимининг Ўрта Осиё бўйлаб тақсимланиши.** Ўрта Осиёдаги мустакил республикалар худудларида атмосфера босими бир хил тақсимланмаган. Йилнинг киш ойлари, шу жумладан, январда дентиз сатҳидаги энг юкори ҳаво босими (1028,9 мб) Қирғизистон Республикасининг шимолида Чу дарёси водийсида кузатилади.

Шу пайтнинг ўзида паст босим (1022-1024 мб) Каспий денгизининг жанубий кисмида ва Туркманистон Республикасининг жанубий-гарбий районларида кўпроқ кузатилади. Фаргона водийси устида бир мунча юкори атмосфера босими кузатилса, унинг географик хусусиятларига кўра пасттекислик жойларга совук ҳаво оқимининг йўналишига тўсқинлик килади. Бунда босим градиентлари пасттекисликларда шимолий-шарқдан жанубий-гарбга йўналган бўлса, Туркманистон Республикаси жанубида шарқдан гарбга йўналган бўлади.

Тянъ - Шанъ ва Помир усти марказида босими 1045 мб бўлган орографик антициклон мавжуд бўлади. Босим градиенти пастта, пасттекисликлар томон йўналган.

Иссик-кўл ва Федченко музликлари устида маҳаллий депрессия кузатилади.

Хайрабод метеостанцияси маълумотларига кўра Копед-догнинг юкори миңтақаларида ҳам босимнинг пасайиши кузатилади. Ҳар қалай бу депрессия юқорида кайт этилган Туркманистон Республикасининг жанубий гарбидаги паст босимнинг давоми бўлиши керак.

Ўлкамизга баҳор келиши билан атмосфера босимнинг таксимланиши кескин ўзгаради. Козогистон Республикаси ва Жанубий Урал устида мустақил антициклон бўлганлиги сабабли юкори босим области Ўрта Осиёнинг шимолига сурлади. Изобарлар 1018, 1017, 1016 мб Ўрта Осиёда кенглик бўйлаб жойлашиб, Козогистон Республикаси устидаги максимал босимнинг жанубий холатини акс этади. Босим градиентлари шимолдан жанубга йўналган. Орол денгизи районида изобарлар 1017 ва 1016 мб жанубга қараб букиладилар. Изобар 1015 мб эса Туркманистон Республикасининг жанубий чегараси ва Эрон бўйлаб ўтади.

Март ойида Амударёнинг ўрта оқимида ҳосил бўлган паст босим области апрель ойида жанубий-гарбга, Байрамали томон таркалади.

Тожикистон Республикасининг жанубий-шарки устидаги депрессия секин аста Ўзбекистон Республикасининг жанубий районларини (Термиз) эгаллаб олади.

Фарғона водийси устидаги юқори босим суст депрессия билан алмашади. Тоғли жойларда марказида (Кора кўл) 1022 мбдан юқори босимни орографик антициклон сакланиб қолади.

Ёз ойларида ҳаво босимининг тақсимланиши киш ойларига нисбатан кескин фарқ килади. Уларнинг мутлак миқдорлари камаяди.

Энг юқори босимли област пасттекисликларида шимолий - гарбга (Устюрт платоси) тоғли жойларда эса, шимолга, марказий Тянь-Шанъга кўчади. Июль ойида Помир устидаги максимум босими марказдаги босим 2000 мб бўлган чукур депрессияга алмашади.

Паст босимли област Помирнинг жанубий районларидан ташкири яна Ўзбекистон Республикасининг жанубий-шаркий ва Тожикистон Республикасининг жанубий-гарбий районларига таркалади.

Изобарлар 1000,1001,1002,1003 мб Ўрта Осиёнинг жанубий-шаркини жанубий-гарбдан, шимолий-шаркка кесиб ўтади.


Шу билан биргалиқда марказий Тянь-Шанъда ҳаво босими бир мунча юқори (марказда 1007мб дан кўп). Иккинчи юқори босимли жой - Устюртнинг устида жойлашган. Бундай босимнинг юқори миқдорлари Ўрта Осиёнинг шимолий-гарбий кисмида антициклонли циркуляцияни юзага чиқаради. Фарғона водийсида паст босимли (марказда 1003 мбдан кам) област кузатилади.

Үрта Осиёда күзги даврда босимнинг тақсимланиши, биринчи навбатда Осиё антициклонининг янада хосил бўлиши билан ифодаланади.

**Хаво босимини ўлчайдиган асбоблар.** Асбобнинг мақсади мувофиқлигига қараб атмосфера босимини ўлчовчи асбоблар хилма-хил модедда бўлиши мумкин, лекин уларнинг барчаси уч хил турга бўлинади: симобли барометрлар (ёки манометрлар), анероидлар ва гипсотермометрлар.

Симобли барометрлар энг аниқ бўлиб, асосан метеорологик станцияларда атмосфера босимини ўлчаш учун кўлланилади. Улар ичида эиг кўп ишлатиладигани косачали барометрdir.

**Косачали барометр** - атмосфера босимини метеорологик станцияларда ўлчайдиган асосий асбобdir (2.19- расм).



2.19-расм. Симобли барометр турлари: а) косачали; б) сифонли; в) сифонли-косачали; г) косачали барометр.

Италиялик олим Торичелли тажрибаси асосида яратилган. Асбоб узунлиги 80 см ва диаметри 8мм шиша трубкадан (1) иборат бўлиб, унинг очик томони барометрик косачага (2) туширилган. Косача ташки хаво билан винт (3) билан бекитиладиган тешикча оркали боғланган. Шинва трубканинг

юқори қисми көшарланған, унинг ичида ҳаво бұлмайды, шу сабабли косачадаги симоб юзасига ташқи ҳаво босими таъсирида трубкадаги симоб устуни маълум баландликгача күтарилади. Симоб устунининг оғирлиги атмосфера босимига тенг.

Шиша трубка косачага улантан металдан қилинган ғилофга (4) үрнатылған, унинг юқориги қисміда трубкадаги симоб устунининг холатини кузатиш учун дарча қолдирилған. Дарчанинг ён томонида мм.см.уст.ёки мбда берилған шкала үрнатылған. Олинадиган санокнинг ўндан бир бўлагини топиш учун винт (5) ёрдамида шкала бўйича ҳаракат киладиган, ғилоф ичида конусли узук үрнатылған. Ғилоф ўртасида термометр (6) ёрдамида саноқ олиннишидан олдин асбоб ҳарорати ўлчанади.

Косачали барометрлар метеорологик станциялардаги ҳарорати айтарли ўзгармайдиган ички хоналарнинг бирида деворга махкамланған маҳсус шкафчага жойлаштирилади.

Атмосфера босими барометрик косачадаги симоб устуни сатхидан то трубканинг менискигача бўлған баландликга тенг. Аммо бу ўлчашларда босим ўзгариб турганда косачадаги симоб сатхининг ўзгариши эътиборга олинмайды, натижада шкаланинг ноли ҳар доим косачадаги симоб сатхига тўғри келавермайди.

Шундай усул билан ўлчанған босим ҳар калай аниқрок бўлиши учун ўрнини босувчи шкаладан фойдаланилади, унинг ҳар бир бўлинмаси 1 мб тент бўлмагани сабабли, куйидаги формула бўйича хисобланади:

$$n = \frac{R}{r_1 + r_2} \quad (2.12)$$

Бу ерда R -косачанинг ички радиуси;  $r_1$  ва  $r_2$  - барометрик трубканинг ички ва ташқи радиуслари МДҲдаги үрнатылған косачали барометрларнинг ўрнини босувчи шкаласининг бир бўлинмаси 0,98 мб (1мб деб санокланади)га тент. Косачали барометр бўйича олинған саноқ охирги натижада хисобланмайди.

Унга куйидаги тузатмалар киритилиши керак: асбобий, хароратта ва жойнинг кенглиги ва унинг дентиз сатхидан баландлигига боғлик ҳолда киритилган эркин тушиш тезлигига.

Тузатилган босим (саноқдан тузатма) станция сатхидаги ҳаво босимини кўрсатади. Агар ҳар турли баландликларда жойлашган метеорологик станциялардаги атмосфера босими бўйича маълумотларни таққослаш керак бўлиб қолса ўлчанган босим дентиз сатхига “келтирилади”. Дентиз сатхига келтириш - станция сатхидаги атмосфера босими миқдорига станция сатхидан дентиз сатхигача бўлган босим бирлигидаги ҳаво устуни оғирлигини кўшиш демакдир:

$$Р_{ден.с.} = Р_{ст.с} + \Delta Р \quad (2.13)$$

Ҳар турли босим ва ҳаво харорати миқдорлари учун Р миқдорини маҳсус жадвал ёрдамида топиш мумкин .

*Гипсотермометр* - ёки термобарометр атмосфера босимини ўлчайдиган асбоб бўлиб, сувнинг қайнаш нуктаси билан ташки босим ўртасидаги боғланишдан фойдаланишта асосланган (2.20-расм)



2.20-расм. Гипсотермометр.

Үлчаш пайтида нихоятда аниқ симобли термометр қайнаб турган сувга солинади ва термометр кўрсатсан саноқ бўйича босим миқдори Р қўйидаги империк формула бўйича хисобланади:


$$P = 760 + \frac{t - 100}{0.0375} \quad (2.14)$$

Гиксотермометр тоғли жойларга уюштирилган илмий сафарларда ишлатиладиган қулай ва аниқ асбодир.

Атмосфера босимини ўлчаш учун симобли барометрлар билан бир қаторда батометр-анероидлардан фойдаланади. Барометр-анероид кўпроқ илмий сафар шароитларида ишлатилади. Ундан олинган саноқ аниклагиши симобли барометрга нисбатан пастроқ бўлгани учун метеорологик станцияларда кўлланилмайди. Анероиднинг кабул кисми металли юпка деворли кутича бўлиб, унинг ичида ҳаво сийраклаштирилган. Ҳаво босими кўтарилиганда кутича пасаяди ва аксинча, босим пасайланда кути пружиналари бўшашиб, кутича кўтарилади. Бу ўзгаришлар ричаклар тизими бўйича стрелкага узатилади. Стрелка эса, доирали шкала бўйича харакат килади. Шкала бўлинмасининг киймати 0,5 мм. Анероид циферблатидаги шкаласи хар  $1^{\circ}$  да бўлинган термометр махкамланган. Анероиднинг барча механизми металли ёки пластмассали гилофга солинган.

Кузатиш пайтда анероид горизонтал ҳолатда бўлиши керак. Анероид бўйича кузатишни термометрдан саноқ олишдан бошлилади, сўнгра шишали қопқокга бир неча бор чертилади (механизмда ишкананиш кучини йўкотиш учун), стрелка тинчигандан сўнг, 0,1 мм (ёки миллибарда) аниклигига саноқ олинади. Анероид кўрсатмасига уч хил тузатма киритилади: шкалага, ҳароратга ва кўшимча.

**Барограф** - атмосфера босимини узлуксиз ёзиг туриси учун мүлжалланган асбоб (2.21-расм).



2.21-расм. Барограф.

Барограф ричаклар системаси пероси билан уланган қабул килувчи кисмдан ва соат механизми томонидан айлантирувчи лента ўралган барабандан иборат. Ишлаш шартларига кўра анероидли ва симболи барографлар бўлиши мумкин.

#### Такрорлаш учун саволлар

1. Ҳавонинг оғирлиги қандай ифодаланади?
2. Атмосфера босими қандай ўлчов бирликларида ифодаланади?
3. Ҳаво босими қандай асбоблар ёрдамида ўлчанади?
4. Жойнинг баландлигини атмосфера босими оркали аниклаш?

## 2.11. Шамол

Ер юзига нисбатан хавонинг горизонтал харакати **шамол** деб аталади. Шамол икки асосий кўрсаткич билан ифодаланади: шамол харакатининг йўналиши ва унинг тезлиги.

Шамолнинг йўналиши уfkнинг кайси томонидан (яъни қайси румбда) эсаётганига қараб белгиланади; agar шамол шимолдан эssa, у шимолий, гарбдан эssa, у гарбий деб аталади.

Метеорологияда **шамол** йўналишини белгилашда одатда 8 ёки 16 румбдан фойдаланилади ва уларнинг номи ўзбек ёки лотин алифбосидан ҳарфлари билан ёзилади. Тўрт асосий румблар куйидаги ҳарфлар билан белгиланади: Ш- шимол, Шк-шарқ, Ж-жануб, F-гарб, . Ёки N-норт (шимол), E-ост (шарқ), S-зюйд (жануб) ва W-вест (гарб).

Шамол тезлиги м/с билан ўлчанади, лекин баъзибир холатларда км/соатда ёки шартли миқдорда - балда берилиши мумкин, унда бу миқдор **шамол** кучи деб аталади.

Шамолнинг йўналиши ва тезлиги вакт оралигига бир хил бўлмайди. Шунинг учун шамолни кузатиш 2 минутдан кам бўлмаслиги керак ва шу билан хаво оқимини йўналиши ва тезлиги бўйича ўртача миқдор олинган деб хисобланади.

Ўзбекистон худудида шамоллар шароити ниҳоятда турли-туман бўлиб, жойнинг паст баландлигига (рельефига) боғлик.

Йилнинг катта кисмида текисликларда шимолий йўналишдаги шамоллар устивор бўлади, яъни қиша шимолий ва шимолий-шарқий, ёзда эса шимолий ва шимоли-гарбий йўналишдаги шамоллар кўпроқ кузатилади,

Шамолнинг ўртача тезлиги асосан 3-4 м/с дан ошмайди. Факат республиканинг шимоли-гарбий кисмида - Орол деңгизи атрофида у 5 м/с га етади.

Бахор фаслида шамол одатда бошқа шайтларга қараганда кучлирок эсади.

Ўзбекистан худудида кучли шамоллар (15 м/с ва. ундан юқори) асосан ўзига хос ҳусусиятта эга бўлган жойларда кузатилади.

Текисликларда кучли шамолларнинг кўпроқ тақрорланадиган ўчоғлари Кизилкум чўлининг марказида бўлиб, у ерда ботиқлик ва тепалик жойлар тор оралиқни ҳосил қиласди.

Кучли шамоллар кузатиладиган йиллик кунлар сони Томди метеостанция атрофида 30 дан кўпроқ. Кулкудуқда эса 85 га етади. Бунда шамолнинг максимал тезлиги 45-50 м/с га етади.

ТОҒ ва ТОҒ олди худудларда шаркий ва шимоли-шаркий йўналишдаги шамоллар кўпроқ кузатилади. Июлнинг иссиқ даврида бу ерда тоғ водий шамоллари устивор бўлиб, кундузи водий ва ёнбагирлар бўйлаб юқорига (водий) ва тунда пастга (ТОҒ) қараб эсади. Кишда эса асосан ТОҒ шамоллари устиворлик қиласди.

ТОҒЛИ водийларда бир неча кун давомида узлуксиз равишда пастга йўналган шамоллар тез-тез учрайди.

Бу шамолларнинг тезлиги одатда унчалик катта эмас, яъни 3-5 м/с ни ташкил этади. Лекин, уларнинг йўлида тор ораликлар учраса, маълум бир шароитда шамолнинг кучайиши довул даражасига етади.

Бунга мисол килиб Фарғона водийсининг гарбга қараган тор жойидан чикадиган, "урсатев" деб номланган шамолни келтириш мумкин. Янгиер ва Бекобод туманинда унинг тезлиги 40 м/с гача етади.


Кучли шамоллар асосан маълум бир синоптик жараёнларда вужудга келади. Ҳатто, улар ўз номларига эга, яъни баҳорда кўпроқ учрайдиган тоғ олди кучли Гарбий йўналишдаги "Қўқон", "Афғон" шамоллари шулар жумласидандир.

Тадқиқотларнинг вазифасига қараб шамолни ўлчайдиган хар турли асбоблар ва кузатиш усулларидан фойданилади.

Дала шароитида ҳавонинг ер устки қатламидаги шамол тезлигини аниклашда *анемометрларнинг* ҳар турли турлари: косали, контактли ёки индукциянидан фойдаланиди. Косали ва контактли анемометрлар одатда атмосферанинг куйи қатламидаги иссиқлик ва намликинг турбўлент оқимини хисоблаш учун зарур градиент ўлчашларида кўлланилади. Улар ёрдамида керакли вақт оралиги: бир неча дакикадан 1-3 соаттагача шамолнинг ўргача тезлигини ўлчаш мумкин.

*Индукцияли анемометрлар* оний тезликни (2-3 дакика давомида) аниклаш учун кўлланилади. Бундай кузатишлар, мисол учун, балонсомер кўрсатишига киритиладиган шамолга тузатмани аниклаш учун зарур.

Метеорологик станцияларда шамол тавсифларини аниклаш учун флюгер ва масофадан ўлчовчи асбоблар - *анеморумбометрлар* (2.22-расм) ва шамолни электромеханик ўзи ёзгичлардан фойдаланилади.



2.22-расм. Анеморумбометр.

Шамолни кузатишларга қўйидагилар киради:

а) Ўртача шамол тезлигини 2 дак. ёки 10 дак. вакт оралигига (кузатишларда фойдаланаётган асбобнинг техника имкониятларига боғлиқ холда) ўлчаш;

б) Юқорида кўрсатилган вакт оралигидаги оний шамол тезлигининг максимал қийматини ( шамолнинг бирдан кучайиши пайтидаги тезлиги ) аниклаш ;

в) Шамолнинг 2 дак. давомидаги ўртача йўналиши.

Шамолнинг тезлиги ва йўналишини узлуксиз ёзилиши натижасида 1 соат давомидаги шамол тезлигининг ўртача қиймати, 1 соат ичидаги оний тезликнинг қиймати ва 1 соат давомидаги ўртача тезликка тегишли шамолнинг йўналиши аникланади.


Айрим метеорологик станцияларда атмосферанинг юкори қатламларида ( 30 км гача ва ундан юкори ) ҳаво оқимининг йўналиши ва тезлиги аникланади. Бунда шар-пилот усулидан фойдаланилади.

*Кўл анемометри.* Анемометрлар айрим вакт оралигидаги шамолнинг ўртача тезлигини ўлчаш учун хизмат килади.(2.23-расм).

Қабул килиш қисмининг тузилиши бўйича анемометрларнинг икки тури мавжуд:

а) Шамолнинг ўртача тезлигини 1 дан 20 м/дак. гача ҳар қандай йўналиш учун ўлчашга мўлжалланган косали (ярим доирачали) анемометрлар,

б) йўналган ҳаво оқимининг ўртача тезлиги 0.3 дан 5 м/дак. гача ўлчаш учун канотли (ушокчали) анемометрлар.



**23-расм. Кўл анемометри.**

Қанотли анемометрлар асосан шамоллатиш системаларидаи кувурларда ва каналларда ишлатилади.

Кўл анемометрларнинг қабул қилиш кисми ва қаварик кисми бир томонга қараган 4 та ичи бўш ярим шарлар ўрнатилган металл ўқдан иборат. Ярим шарларни ташки механик шикастланишдан саклаш учун улар ўққа маҳкамланган маҳсус доира ичига олинган. Ўқ ўзининг куйи кисмida пластмасса ёки металл филовга солинган узатувчи механизминг тишли гидираги билан уланган буралма кертиқдан иборат. Уларнинг энг каттаси 0 дан 100 гача бўлинмаларга, учинчиси эса минглик бўлинмаларга ажратилган. Филовнинг куйи кисмининг ён томонида арретир бўлиб, унинг ёрдамида узатувчи механизминг биринчи шестернаси ўкнинг буралма кертиги билан уланиши ёки узилиши мумкин. Биринчи холатда шамол таъсирида ярим шарларнинг айланиши циферблат милларига узатилади (саноқчи ишлайди), иккинчисида эса, ярим шарлар бекорга айланади (саноқчи учади). Арретирнинг иккала томонида иккита кўзғалмайдиган халкалар бўлиб, улардан анемометр кўл

етмайдиган баландлиқда ўрнатылған пайтда, саноқчина боғич ёрдамида учирин учун фойдаланилади. Боғич ўртаси арретир охирига уланиб, унинг учлари күзгальмайдиган халқа оркали үтказилади. Гиловнинг пастки кисмидә анемометри өғоч ходаты ўрнатып учун буралма мін махкамланган.

Анемометр бүйіча кузатыштар күйідегі тартибда олиб борилади. Кузатувчи шамолға қараб, анемометрии керакли баландликка шундай ўрнатадықи бунда асбобнинг даражасы күрсаткычы шамолға тескари, циферблат юзи эса шамолға перпендикуляр бўлиши керак. Сўнгра барча миллиарнинг күрсаткычи ёзиг олинади (дастлабки санок). Шундан сўнг арретирни юкориги ҳолатта кўйиб, анемометр саноқчисини ишга солинади ва пайтнинг ўзида маълум вактга мўлжаллаб (1,2 ва x.10дак.гача) секундомер тутмаси босилади. Муддат сўнгидаги асбоб ва секундомер ўчирилади ва охирги санок ёзиг олинади.

*Кузатыштарни қайта ишлаш.* Охирги саноқдан  $N_0$  дастлабкисини  $N_g$  айриб, хосил бўлган фаркни дакикалар сонига  $t_{дак.}$  бўлсак, бир секунддаги бўлинмалар сони  $V_{бўл/дак.}$  келиб чиқади.

$$V_{бўл/дак.} = \frac{N_0 - N_g}{t_{дак.}} \quad (2.15)$$

Хар бир анемометрга бошқа кийматта үтказувчи жадвал ёки график кўринишидаги шаходатнома берилган бўлиб, унинг ёрдамида 1 секунддаги бўлинмаларни билган холда шамол тезлигини м/ дакларда аниклаш мумкин. Агар  $V_{бўл/дак.}$  бутун сон бўлмаса, унда сон яхлитланади. Мисол: Анемометр № 31741

### Шаходатномадан күчирма:

Бўлинмалар	сони	Тезлик м/дак.	Кузатилган
дак.			ракамлар
1		1,2	бошлангич санок-
2		2,1	2630
3		3,0	охирги санок- 3728 кузатиш муддати- 600

Кузатиш натижаларини қайта ишлаш: санок фарки-1098, бўлинмалар сони, дақда -1,8.

Шаходатномадан 1 бўл/дак., 1,2 м / дак.га , 2 бўл/дак. эса 2,1 м/дак. га тенг эканлигини топамиз. Шундай килиб 2 ва 1 бўлинмаларга тезликлар фарки 0,9 м/дак. тўғри келади. 0,1га эса 0,09 м/дак.га тенг. Унда 0,8 бўл/дак. тўғри келади. Тезлик фарки 0,72 м/дак.га мос келади. Шундай килиб, ўлчанган шамол тезлиги  $1,2 + 0,7 = 1,9$  м/дак.га тенг бўлади.

### Такрорлаш учун саволлар

1. Шамол нима?
2. Шамолнинг тезлигини кайси асбоблар ёрдамида ўлчанади?
3. Ўлчашиб натижалари кайси тартибда ёзилади?
4. Кузатиш маълумотларини қайта ишлашга нималар киради?

### 2.12. Атмосфера уюрмалари

Атмосферадаги энг нотинч соҳалар - ҳаво массаларининг четараларида кўшинча катта уюрмалар вужудга келади (2.24-расм).




2.24- расм. Ҳаво уюрмалари.

Бу уюрмалар биздаги об-хавонинг тинмай ўзгариб туришига сабаб бўлади. Энди ана шу атмосфера уюрмалари -циклон ва антициклонлар билан танишиб ўтайлик.

**Циклон ва антициклонлар.** Агар турли зичликка эга бўлган совук, ва илик ҳаво массалари фронт бўйлаб карама-карши томонга сурилсалар, фронт чизиги эгилади ва унда атмосфера тўлкинлари хосил бўлади. Бунда илик, ҳаво совук, ҳаво устига чика бошлайди. Совук ҳаво эса илик ҳаво остига кира бошлайди. Натижада доиравий ҳаво ҳаракати - уюрма хосил бўлади. Бундай уюрма марказида илик ва совук фронтнинг бир кисми жойлашган бўлади. Ҳаво босими марказида минимал қийматига эга бўлиб, чеккасига караб ортиб борадиган уюргмага **циклон** ("циклон" - доиравий демакдир) дейилади.(2.25-а-расм). Циклоннинг марказида ҳаво босими паст бўлганлиги учун, унинг чеккаларидағи ҳаво тўппа-тўғри унинг марказига караб интилиши керак эди. Лекин Ернинг ўз ўки атрофида айланиши туфайли вужудга келувчи куч таъсирида шимолий ярим шарда

харакатланувчи ҳамма жисмлар ўнга бурилади. Бунга мисол килиб, масалан, дарёларнинг ўнг кирғоқларининг шу сабабга кўра кўпроқ ювилиб кетиши, темир йўлларнинг ўнг томондаги рельсларининг тезроқ ёйилиб сийкаланишини келтириш мумкин. Худди шундай ходиса циклонда ҳам рўй беради, яъни шамол ўнга бурилади. Натижада циклон марказига йўналган хаво марказ теварагида соат миллирига қарши йўналишда айланувчи уормаларни ҳосил қиласи.

Циклон диаметрининг катталиги ҳар хил бўлади. Баъзан циклон диаметри атаги бир неча юз километр бўлса, баъзан 4000-5000 км келадиган майдонни - бутун бир материкни эгаллаши мумкин.



2.25-расм. Циклонлар. (а) ва антициклонлар (б).

Ўрта Осиёга келадиган жанубий каспий ва мурғоб циклонлари Европага, жумладан Россиянинг Европа кисмига жанубдан ва жануби гарбдан келаётган циклонлардан диаметрининг кичикилиги, жадаллик даражасининг пастлиги билан ажralиб туради.

Циклонда илиқ ва совук фронт бўлганлигидан унинг ҳамма жойида бир хил булулар пайдо бўлмайди. Фронт илиқ фронтдан тезроқ ҳаракат килиши сабабли икки фронт оралигидаги циклоннинг илиқ ҳаво эгаллаган сектори аста-секин торая боради. Нихоят циклоннинг совук ҳамда илиқ фронтлари бир-бираiga кўшилиб кетади, яъни окклузия фронти ҳосил бўлади.

Циклонлар ҳаво массалари чегарасида қайта қайта ҳосил бўлади. Бир циклон сўнаётганда, иккинчи циклон яхши ривожланган, учинчи циклон эса вужудга кела бошлаган бўлади. Циклонлар 5-6 кун яшайдилар ва шу вакт ичидаги масофани босиб ўта оладилар. Циклон бизга якинлашганда, босим пасая боради, шамол кучаяди. Оддин бизга циклоннинг илиқ фронтиня якинлашгани учун булулар, айрим пайтлари ёмғир ёға бошлайди. Илиқ фронтдан кейин циклоннинг илиқ сектори келади, ҳарорат кўтарилади, босимнинг пасайиши деярли тўхтайди.

Циклоннинг совук фронтиня якинлашганда эса баланд пахта хирмонларига ўхшашиб ёмғирли тўп-тўп (СЬ) булулар ҳосил бўлади ва кучли ёғин ёға бошлайди. Ҳарорат кескин пасайиб, босим орта боради. Циклоннинг турли секторида об-ҳаво ҳар хил бўлади. Циклонлар бизга кўпинча ёғинли об-ҳавони олиб келади.

Циклонлар бизнинг худудимизга кўпинча жануби-ғарбдан, камрок; ғарбдан келадилар. Ўрта Осиёда иирик циклонлар камдан-кам учрайди. Циклон олиб келадиган шамоллар кучли бўлса ҳам, унча зарар етказмайди.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, кузатиладиган циклонларнинг 57% Ўрта Осиё худудидан ўлади, 37% эса шу ерда ташкил топади ва атиги 6% таркалиб кетади.

Ўрта Осиёда кузатиладиган циклонларнинг ўртача ииллик тезлиги соатига 31 км (10 ииллик кузатиш натижасига асосан) га

тенг. Айрим вактларда циклонларнинг теэлиги соатига 70-80 км хам бўлади.

Энди циклонларнинг акси бўлган антициклонлар билан танишиб ўтайлик.

**Антициклон.** Марказида ҳаво босими максимал кийматга эта бўлиб, чеккасига караб аста-секин камайиб борадиган уюргага антициклон дейилади(2.25-б-расм).

Шунинг учун хам ҳаво уюрма марказидан четта караб ҳаракат килади. Унинг ўрнини юкорироқ катлаамдаги ҳаво массаси эталлай бошлайди. Ҳаво пастта тушганда қисилади ва бунинг натижасида исиди, ундаги булутиар аста-секин тарқалади. Шунинг учун хам антициклонлар бизнинг ҳудудимиздан ўтаётганда ёзда очик ва иссик, қишида эса лекин совук ҳавони олиб келади.

Ўрта Осиё ҳудудида кузатиладиган антициклонларнинг 70% шу ҳудуддан ўтиб кетади, 22% шу ерда ташкил топади ва атига 8% шу ҳудуд устида йўқолиб кетади.

Антициклонда шамоллар соат миллири бўйича ҳаракатланади. Антициклонлар бизнинг ҳудудимизга кўпинча шимоли-ғарбдан келадилар.

Циклон ва антициклонлар, асосан, юкори фронтал зоналарнинг циклогенетик ва антициклогенетик кисми тагида ташкил топадилар.

XIX асрнинг ўрталаридан бошлаб атмосферадаги уюрмаларнинг хосил бўлиши, ривожланишини тушунтириб берадиган бир неча назариялар ишлаб чикилган. Лекин хозирги пайтгача циклон ва антициклонларнинг вужудга келиш ва ривожланиш жараёнини тўғри ва тўлиқ ифодаловчи, физик хусусияти тушунтирилган назария яратилгани йўқ.

ХХасрнинг 20-чи йилларида норвегиялик метеорологлар В. Бъеркнес, Я. Бъеркнес, Т.Бержерон ва бошжалар томонидан яратилган фронтологик пищпил назарияси асосида

циклонларнинг ривожланишини тўлкинсизон хусусиятта эга деган ғояни олға сурдилар. Бу назарията асосан, улар циклонларнинг ҳосил бўлиши атмосферада ҳар хил зичликка эга бўлган ҳаво массалари орасидаги фронтал сиртда тўлкинсизон (тебранувчи) харакат натижасида вужудга келади деб тушунтирадилар. Лекин тутарин назарияси циклонларнинг кейинги ривожланиши хакида кўрсатма бера олмайди.

30-чи йилларнинг иккинчи ярмида баландликлардаги атмосфера ҳолатини кўрсатадиган ҳариталар, яъни барик топография ҳариталарининг кўлланилиши натижасида, тропосферанинг ўрта ва юкори қатламларида ҳам босим, ҳарорат ва намлик майдонларини ўрганиш билан боғлик, бўлган илмий ишларни бажариш учун кенг имконият яратилди. Бу ҳариталарни ерга ўшил об-ҳаво ҳаритаси билан биргаликдаги тахлили атмосферик жараёнлар ривожланишининг аввал маълум бўлмаган бир катор хусусиятларини аниклашга имкон берди. Жумладан, циклон ва антициклонлар 5-6 км баландликдаги ҳаво оқимлари бўйлаб харакат килиши аникланди. Бу ва бошка коидалар асосида циклон ва антициклонлар ривожланишининг адвектив-динамик назарияси яратилди.

Циклон ва антициклонларнинг адвектив-динамик назарияси ҳаво босимининг динамик ўзгариши омилларини факат бир кисминигина инобатта олгани сабабли, бу тахлил натижасида олинган бир катор ҳолатлар етарлича тўғри чикмасди. Шунга карамай бу назария асосида олинган кўплаб хулосалар атмосфера жараёнини ўрганишда ўз ривожини тоғди.

## **2.13. Халқ хўжалиги учун хавфли бўлган метеорологик ходисалар**

Ўсимликлар, хайвонлар ва одамлар учун нокулай метеорологик ходисалар хавфли ходисалар дейилади. Буларга кора совук, кирғоқчилик, кум бўрони, дўл, жала, кишдаги каттиқ совук ва бошқалар киради. Бу ходисаларни олдини олиш ёки салбий таъсирини камайтириш учун уларни ўрганиш лозим.

**Кора совук.** Кора совук деб, ўртacha суткалик ҳарорат мусбат бўлган даврда ҳароратни 0 гача ёки ундан пасайишига айтилади. Кора совук Ўзбекистонни деярли барча ҳудудларида кузатилади.

Ўсимликни вегетацион даврида кузатилган кора совук хафли ҳисобланади. Айникса баҳорги ва кузги кора совук салбий оқибатларга олиб келиб, баҳорда кўчатларни қуритиши ёки кузда хосилни нобуд килиши мумкин.

Кора совук уч тури мавжуд:

1. Адвектив қора совук. Бвхор ва кузда арктик совук ҳавони келиши туфайли хосил бўлади. Бу кора совук бир неча кун кун давом этиб, катта ҳудудни эгаллайди ва маҳаллий шароитта деярли боғлик бўлмайди.

2. Радиацион қора совук. Кечалари ер юзасини ювишидан келиб чиқади. Ер юзаси ёки ўсимлик орасида ҳарорат 2 м баландлиқдагидан паст бўлади.

3. Адвектив - радиацион қора совук юқоридаги иккита ходисани кўшилишидан хосил бўлади. Қора совук жойни рельефига боғлик бўлиб нотекис жойларда кўпроқ бўлади. Сабаби совук ҳавони келиши тоғли жойларда кўпроқ бўлиб, муддат билан воҳаларга таркалади.

Экинларни шикастлайдиган қора совук критик деб аталади. Қора совукка чидамлилигига караб экинлар 5 турга бўлинади.

1.  $-7-10^{\circ}$  қора совукни күтәрадиган экинлар. Булар кузги ва баҳорғи донли, бошқоли экинлар. Бироқ бу экинлар ҳам бошқол тортиш даврида нозикроқ бўлиб  $-3-4^{\circ}$  ҳарорат совукдан ҳам шикастланади.

2.  $-5-7^{\circ}$  қора совукни күтәрадиган экинлар, бу илдиз мевалар, редиска, карам ва бошқалар.

3. Чиқиш пайитида  $-3-4^{\circ}$  ни, гуллашда  $-1-2^{\circ}$  қора совукни күтәрадиган экинлар булар ловия ноҳот ва бошқалар.

4.  $-2^{\circ}$  ни, гуллашда  $-1^{\circ}$  қора совукни күтәрадиган экинлар - жўхори, картошка, тамаки ва бошқалар.

5. Иссиқ севар ўсимликлар гўза, шоли, сабзавот ва полиз экинлари, мевали дараҳтлар  $-0,5-1,5^{\circ}$  қора совукда шикастланадилар.

Қора совук Ўзбекистон худудида асосан апрел, май ва сентябр - октябр ойларида кузатилади.

Қора совукдан экинларни асраш усуллари бор.

1. Далаларда бирор моддани ёкиб тутатиш (хашак, ёнадиган материаллар) бунда тутун қатлами ҳосил бўлиб, ҳарорат  $1-2^{\circ}$  ошиди.

2. Экинларни беркитиш (картон, циллофан, новдалар билан, тупрок билан)

3. Суғориш. Қора совук хавфи бўлганда экинларни енгил суғориш ёки сув буркаш ҳарорат  $1,5-2^{\circ}$  кўтарилади.

4. Верталёт ёрдамида ҳавони аралаштириб туриш. Юкоридаги илик ҳаво паста туширилиб, ҳарорат кўтарилади.

## 2. Курғоқчилик ва гармсел

Курғоқчилик - тупрокни юкори қисим ёмғир ёғмаслиги ёки суғормаслик туфайли куриб, ҳосил камаядиган ходиса.

Гармсел ҳавони нисбий намлиги шасайиб, зарорат кўтарилиши шамолни кучайиши туфайли содир бўлади.

Курғокчилик бошланиши деб тупрокни 0-20 қатламида махсулдор намлик захираси 10-19 мм га тушиб қолишидан хисобланади.

Курғокчиликни намланиш коэффициенти оркали баҳоланади. (N)

$$N = \frac{10(W_n + r)}{\Sigma t} \quad (2.16)$$

W<sub>n</sub> 0-100 см тупрок қатламидати намлик;

r - баҳорда хисоблаш давригача ёккан ёғин;

t - ҳароратни 10 дан ўтгандан бошлаб йигиндиши.

N=1,5 кам бўлса, курғокчилик бошланиши.

Гармсел ҳам ҳавфли бўлиб намлик етишмаслигига боғлиқдир. Намлик етишмаслиги 28-40 гПа (текомопаскал) бўлиб, бугланувчанлик 5-6 мм/сутка бўлганда ўртача гармсел хисобланади. Буглатувчанлик 8 мм/сутка дан юкори, намлик етишмаслиги 53 гПа дан ортиқ бўлганда муддат гармсел хисобланади. Шамолни тезлиги 10 м/с дан орттан бўлади. Буглатувчанлик 8 мм/сутка дегани 1 гектардан 80 тонна сув бугланишидир. Курғокчиликда ва гармсел бўлганда экинларни хосили 30-40 фоизга, жуда кучли курғокчиликда 80 фоизгача камаяди.

Курғокчиликка карши кураш йўллари 3 турга яъни селекцион-генетик, агротехник ва мелиоратив усулларга бўлинади.

Селекцион-генетик усул курғокчиликка чидамли навлар яратиш, навларни иклим шароитига караб экишдир. Агротехник ва мелиоратив усуллар бу экинларни намлик билан ўз вактида таъминлаш, сугориш, яхши чопиш, дала атрофига дарахълар экиб намлик йўқолишини камайтириш ва бошқалар.

Кум бўрон ҳавфи метеорологик ходиса хисобланиб Ўзбекистонни баъзи худудларида (Навоий, Бухоро,

Қорақалпогистон ва бошқалар) кузатилади. Сабаби шамол тезлиги 10 м/с ва ундан юкори, тупрокни куриши экинлар намлиги ёки бўлмаслиги, кенг жойлар очик бўлишидир. Нисбий намлик 50 фоиздан кам бўлади. Асосан баҳорда кузатилади. Чўлларда кузда хам кузатилади.

Шамол тезлиги 12 м/с дан юкори бўлса тупрокни устки катлами кўчиб (Эрозия) учуб кетади.

Кум бўрони бир йилда таҳминаан 10-20 кун бўлади. Кум бўронига қарши кураш чораси асоссан шамолни тезлигини камайтиришга асосланган. Дала атрофида дараҳтлар экиб, тупрокни мустаҳкамлайдиган дорилар сепиб, алмашлаб экиш (айниқса беда экиб туриш) кум бўронини таъсирини иасайтиради.

Дўл. Баҳор ва баъзан ёз ойларида ёмғир берадиган булуғларда кучли ҳаво массалари таъсирида йирик томчилар пайдо бўлади. Бу томчилар вертикал оким таъсирида юкорига кўтарилиб музлайди, чунки булатни юкори кисмида ҳарорат 20-25 ни ташкил этади. Музлаб колган томчилар ерига дўл сифатида тушади. Юкорига инз кўтариладиган ҳаво массасининг тезлиги канча катта бўлса, шунчалик дўлни ўлчами катта бўлади. Масалан Тожикистон Хисор воҳасида 1984 йилда июл ойида Амур ўлкасида ёккан дўлни диаметри 6-7 см бўлган. Дўл қишлоқ кишлоқ хўжалиги экинларига катта зарар келтиради. Дўлдан химоя этиш ўсули бу дўл хосил киладиган булуғларга снаряд отишдир. Снаряддан тушган реагенет зарралар таъсирида катта томчилар совуши тўхтаб майдаланиб кетади ва майда ёмғир ёғади.

Хозир Ўзбекистонда Узгидромет кошида бир нечта дўлга қарши кураш отряди ташкил этилган бўлиб Ўзбекистонни турли вилоятларида (асосан Фарғона водийсида) фаолият кўрсатмоқда.

800-900 минг гектар майдон химоя қилиниб самарадорлиги 88 фоизни ташкил этади.

**Жала.** Жала кучли ёмғир бўлиб, муддати 05 минут ва ундан юкори бўлиши мумкин. Агар 1 соатда 12 мм ёғин ёқса, бу 1 гектарига 120 тонна сув тушади дегани. Жалани салбий таъсири - экинларни ётиб колишидир. 20-30 фоиз экин жала туфайли ётиб қолса хосил 20 фоизга камаяди.

Жала оқибатида тупрокни устки катлами ювилиб, эрозия хосил бўлади. Жаладан сакланиш усуллари дала атрофида дарахт экиш ва ўтларни бўлишини таъминлаш.

Сув эрозиясидан саклаш усуллари жала кам жойларда бир йиллик, хавфли жойларда икки йиллик экинларни ўстириши. Тупрокка ариқ олишда сув оқимига тик килиб олиш, тоғли жойларда зинали террасалар хосил килиш ва хокозолар киради. Улардан ташқари яна катор хавфли метеорологик ҳодисалар мавжуд. Масалан қишида донни музлаб қолиши, сув кўп йигилиб қолиши туфайли экинларни бўкиб қолиши, муз парчалари хосил бўлиши, ўсимликларни илдизи билан кучли шамол таъсирида чикиб кетиши ва хокозолар. Бироқ ушбу ҳодисалар Ўзбекистонда кам учрайди.

#### **2.14. Метеорологик катталиклардан кишлоқ хўжалигига унумли фойдаланиш усуллари.**

Ўсимликларни ўсиши ва хосилдорлиги кўп омилларга боғлик бўлиб, метеорологик қатталиклар мухим ахамият касб этди.

Асосий катталиклар ёғинлик, иссиқлик, намлик ўсимлик учун бир хилда мухимдир ва тўғридан тўғри таъсири этади. Иккинчи даражали омиллар (шамол, булутилик, туман ва бошқалар) иккинчи даражали хисобланиб, биринчи даражали омилларни таъсирини кучайтириб ёки сусайтириб туради.

Асосий омиллар жуда мухим бўлиб, минимум конунига биноан қайси катталик етарли бўлмаса ўсимликни ўсиши айнан шунга боғлиқ бўлади. Энди асосий метеорологик катталикларни алоҳида кўриб чикамиз.

**Ёруғлик.** Ёруғлик яъни қуёш радиацияси ўсимлик учун энг мухим хисоблануб, ҳарорат ва намлик ҳам шунга боғлиқдир.

Ўсимлик одатда ёруғликни ҳаммасини эмас балки тўлкин узунлиги 0,38-0,71 нм оралиғида фойдаланилади. Бу радиация фотосинтетик фаол радиация (ФФР) деб юритилади. Фотосинтез яъни қуёш радиацияси оркали органик моддани ҳосил бўлиши ёруғлик таркибига боғлиқ бўлади. Қуёш радиациясида ҳосил бўладиган энергетикёритилганлик компенсация нуктасидан баланд бўлсагина ривожланиши бўлади. Ёруғлик севувчи экинлардан бу нукта ФФР  $20-35 \text{ Вт}/\text{м}^2$  бўлганда фотосинтез амалга оширилади. Агар бундан кам бўлса ўсимликни нафас олишига керак бўладиган органик модда фотосинтезда ҳосил бўладиган орган моддадан кўп бўлади.

Фотосинтез муддати радиация оқимига тўғри боғланган. Фотосинтез жараёнида ФФР компенсация нуктасидан юкори -  $210-280 \text{ Вт}/\text{м}^2$  бўлса фотосинтез кучаяди. Ундан ортса фотосинтез ортмайди.

**Ҳаво ҳарорати ва ўсимлик.** Ўсимликни ўсиш ва ҳосилдорлиги ҳароратига боғлиқдир. Ўсимлиқда бўладиган жараёнилар фотосинтез, нафас олиш, буғланиш, тупроқдан озуқа олиш ва бошқа физиологик жараёнилар ҳароратта қараб ўзгарида. Ўсимликни ўсишида ҳароратни икки тури яъни биологик минимум ва биологик максимум мухимдир. Уларни орасида шундай ҳарорат мавжудки у оптимум деб аталиб ўсимлик шу ҳароратда энг яхши ўсади. Биологик минимум шундай ҳароратки у кийматидан пасайса ўсимлик ўсмайди. Донли экинлар учун биологик минимум  $3-5 {}^\circ$ , иссиксевар экинлар (шоли, гўза ) учун

12-15 °, сабзавот (памидор) ва полиз экинлари учун 15 °, карам учун 6 ° ва хоказолар.

Биологик максимум шундай ҳарорат қийматики ундан ортса ўсимлик курий бошлайди. Бу ҳарорат ғұза учун 38-40, шоли учун 40 полиз экинлари учун 42 ва ҳоказо.

Булардан ташқари ўрта суткали ҳарорат, ҳароратлар йигиндиси деган тушунчалар мавжуд. Ўртача суткалик ҳарорат орқали экинларни ўсиш сурати баҳоланади. Агрометеорологияда әнг күп ишлатыладиган бу эффектив ҳароратлар йигиндиси деган тушунча, яъни эффектив ҳароратлар йигиндиси (ЭХЙ) бу биологик минимумдан юкори бўлган ҳароратлар йигиндиси топилиши керак. Биологик минимум шоли учун 15 °, шолини эккандан пишгунча керак бўладиган ҳароратларни йигиндисини топиб, ҳар куни суткали ҳароратдан биологик минимумни айириб колланлари йигилади.

Мисол. Шоли 15 майда экиди. 25 майда чиқди бу даврда ўртача суткали ҳарорат 23° бўлган. Унда ЭХЙ=(23-15)•10=80° бу ерда 10 кунлар сони.

ЭХЙ орқали ўсимликларни ривожи ва хосилдорлиги хисоблаб чиқилган ва хосилни олдиндан айтиб бериш имконини, ўсимликни қачон пишишини хам олдиндан айтиб бериш мумкин.

*Намлики ўсимликга таъсирини баҳолаш.* Тупроқдаги намлик ва ўсимлик учун керак бўладиган намлик миқдорларни мос келиши намлик билан таъминланиш дейилади.

Тупроқдаги намлик миқдори, ўсимлик холати ва хосилдорлиги орасидаги боғланиш кўп ўсимликлар учун топилиган.

Донли экинларда масалан эккандан - шохлашачан бўлган даврда тупроқни 0-20 см катламида намлик 5 мм дан кам бўлса ўсимлик униб чикмайди. Намлик 12-15 мм бўлса коникарли

холат, 25-30 мм яхши бўлади. Жўхори учун 0-50 см чукурлиқда (жўхорини илдизи чукурроқ жойлашган) бошок тортиш даврида намлик 70-80 мм бўлса хосил яхши бўлади.

Картошка учун намлик шу катламда 60 - 70 мм бўлиши яхши хисобланади. Кўпчилик ўсимликлар учун энг муҳими 0-20 см чукурлиқдаги намлик миқдиридир. У 20мм дан пасайса ўсимликни холати ёмонлашади. Намликни баҳоловчи катталиклардан бўлиб тупроқдан ва ўсимлиқдан бўладиган буғаниш хисобланади. Тупроқдан буғаниш ҳарорати, намлиги, шамол, тупрок хусусиятлари ва бошқаларга боғлик бўлади.

Тупрок намлиги ошса буғаниш кучаяди. Куёш радиацияси буғанишни кучайтиради. Юзаси текис тупрок кўпроқ буғланади. Хайдалган ер камрок буғланади сабаби хайдалганда капилляр началар емирилиб сув юқорига кам чиқади.

Баланд жойларда шамол кучлирок бўлиб текисликга нисбатан кўпроқ буғланади.

Ўсимликлардан буғаниш транспирация дейилади. Ҳарорат кўтарилиганда ўсимлик буғаниб ўз ҳароратини пасайтиради.

Бирлик массасини хосил килиш учун керак бўладиган сув миқдори транспирация коэффиценти дейилади. Транспирация коэффицентли ҳаво намлиги, радиация, ҳарорат ва тупрок намлигига боғликдир. Тупрок намлиги камайса транспирация камаяди. Транспирацияни кучайтирувчи омил бу шамолдир. Транспирацияни яна бир ажойиб хусусияти ўсимлик тупроқдан намлик таъсирида озука моддаларини тортиб олиб ундан фойдаланади. Ўсимлик тирик организм бўлиб тупроқда намлик камайса баргларини рангини ўзгартириб, баргларини йўналишини ўзгартириб транспирацияни камайтиради. Транспирация коэффиценти 300 дан 800 гача ўзгаради.

## **Такрорлаш учун саволлар**

1. Циклон нима?
2. Антициклон нима?
3. Об-хаво прогнозларининг кишлоқ хўжалигига ахамияти қандай?
4. Ҳавфли метеорологик ходисаларига нималар киради?
5. Метеорологик катталикларга нималар киради?
6. Тупрок намлигини ўсимлик ривожига қандай таъсир кўрсатади?
7. Фотосинтетик фаол радиация тушунчаси нима?
8. Буғланиш ва транпирация жараёни ўсимликга қандай таъсир этади ?

### **2.15. Об-хаво прогнози усуллари.**

Мутахассис-синоптик киладиган ишнинг энг кийин ва маъсулиятли кисми бўлиб об-хавони олдиндан билишdir. Куйидаги об-хаво прогнозларини тузиш техникаси билан кискача танишиб чиқамиз. Аввало шуни айтиш керакки, об-хаво прогнозлари ўта кисқа муддатли (12саатча), киска(12 соатдан то 3 кунгача), ўрта муддатли (3 кундан тортиб 10 кунгача), узайтирилган ўрта (10 кундан 30 кунгача) ва узок (30 кундан ортик) муддатлар учун берилади. Барча холларда ҳам прогноз бериш учун об-хаво хариталарини таҳлил килиш тамойили асосдир.

Олдин Ўрта Осиё синоптик жараёнлари билан кискача танишиб чиқайлик.

## 2.16 Ўрта Осиё синооптик жараёнлари

Ўрта Осиё худуди физика-географик жойланиш шароитига караб ўзига хос икlimга эга.

Ўрта Осиё худудининг гарбий қисми чўллардан иборат бўлиб, баландлиги дengиз сатидан 200-250 м дан ортади. Бу эса шамолдан, шимоли-гарбий совук хаво оқимларини кириб келиши учун тўсқинлик килмайди. Шунингдек, Атлантика океанининг мутадил кенгликларидан гарбий нам хаво оқимларининг кириб келиши учун нам очиқдир.

Ўрта Осиё худудининг шаркий қисми, айrim чўққилари 7000 м дан юкори бўлган тоф тизимларидан иборат. Ҳимолай, Хиндукуш, Помир ва Тян-Шан тоф тизимлари Ўрта Осиёни унга якинроқ бўлган Ҳинд океанидан келадиган нам хаво оқимларидан жануб ва жануби-шарқ томондан тўсиб кўйган.

Ўрта Осиё ва унга cheгарадош бўлган худудлар устида атмосфера циркуляциясининг тури бехад хилма-хилдир.

Ўрта Осиё синооптик жараёнлари куйидаги турларга ажralади :

- 1-жанубий каспий циклони,
- 2-мурғоб циклони,
- 3-юкори Амударё циклони,
- 4-кенг кўламда иссиқ хавонинг чикиши,
- 5-совук хавонинг шимоли-гарбдан келиши,
- 6-совук хавонинг шимолдан келиши,
- 7-тўлкинили фаолият,
- 8-Ўрта Осиё устидаги секин силжувчи циклон,
- 9-антициклоннинг жануби-гарбий чеккаси,
- 9<sup>a</sup>-антициклоннинг жануби-шаркий чеккаси,
- 9<sup>b</sup>-антициклоннинг жанубий чеккаси,
- 10-хавонинг гарбдан келиши,

- 11 - ёзги термик депрессия,
- 12 - кичик градиентли юкори босимли майдон,
- 13 - кичик градиентли паст босимли майдон,
- 14 - гарбий циклон,
- 15 - шүнгүвчи циклон.

Бу жараёнларни хаммасини об-хаво шароитига караб тўртга гурухга бирлашириш мумкин:

*А гуруҳи.* Бу гурухга Ўрта Осиёning жанубий худуди оркали Эрон ва Афғонистондан келаётган жанубий каспий, мурғоб, юкори амударё циклонлари ва кенг кўламда иссиқ ҳавонинг чиқиши жараёнлари жамланган. Бу синоптик жараёнлар Ўрта Осиё худудига киш ойларида илик ва ёгинли об-хавони олиб келади. Ёз ойларида бу жараёнлар деярли кузатилмайди.

*Б гуруҳи.* Бу гуруҳдаги жараёнлар Ўрта Осиё худудида киш ойларида ҳавонинг совуб кетишига ва ёз ойларида салкин ҳавони кузатилишига олиб келади. Бу гурухга совук ҳавонинг шимолигарбдан, шимолдан келиши, шүнгүвчи циклон, Ўрта Осиёning жанубий ва жануби-шаркий худудларида совук фронтдаги тўлкинили фаолият ва Ўрта Осиёning шимолий худудида секин силжувчи циклон жараёнлари киради. Одатда бу жараёнлардан кейин кўпингча *А* гуруҳидаги жараёнлардан бири бошланади. Кишда қор изахирасининг тўпланиши асосан ана шу синоптик жараёнларга боғлик. Ёзда эса тоғли туманларда атмосферанинг нотўри стратификацияда бўлиши сабабли момакандироклар ривожланади ва жала ёгинлар ёғади.

*В гуруҳи.* Бу гурух антициклоннинг жануби-гарбий, жануби-шаркий ва жанубий чегаралири, кичик градиентли юкори ёки паст босимли майдонлар ва термик депрессия жараёнларидан иборат бўлиб, Ўрта Осиё худудида ёгинсиз об-хавонинг кузатилишига шароит яратади.

Ёз ойларида бу жараёнлар кўпинча *B* гурухидаги жараёнлардан кейин вужудга келиб, хаво очик ва жазира маисиқ бўлади.

Ийлнинг совук даврида эса бу гуруҳдаги жараёнлардан кейин кўп холларда *A* гурухидаги жараёнлар бошланади. Умуман бу жараёнлар ўтганда Ўрта Осиё худудида очик об-хаво баркарор топади. Баъзида туман тушиди. Факат антициклоннинг жануби-шарқий чеккаси кузатилганда тогли туманларда ёғин ёғиши мумкин.

*Г гуруҳи.* Бу гурухга хавонинг гарбдан келиши ва гарбий циклон жараёнлари киради.

Ўрта Осиё худуди оркали кўпинча гарбий циклоннинг жанубий чеккаси ўтади, яъни циклоник фаолият ўрта кенгликларда ( $50-55^{\circ}$  ш.к.) ривожланган бўлади. Гарбий циклон камдан-кам холларда Ўрта Осиё худудини кесиб ўтади. Бу жараён асосан нисбатан совук ва нам хаво массасига эта бўлган хавонинг гарбдан келиши жараёни билан тугалланади.

Ёз ойларида хавонинг гарбдан келиши жараёнида хароратнинг нисбатан пасайишига (айникса термик депрессиядан кейин), чангли бўрон, кучли шамолларга сабаб бўлади.

Киш ойларида хароратни пасайиши уччалик катта эмас, лекин ҳамма вакт ёғин ёғишига олиб келади.

Энди киска муддат учун бериладиган прогнозларни беришда ишлатиладиган тамойилларни кўриб чиқайлик.

## 2.17 Киска муддатли об-хаво прогнозлари

Об-хаво марказида синоптик-метеоролог об-хаво тўғрисида олинган маълумотлар кайд килинган хариталарнинг энг сўнгисини олиб, уни яхшилаб ўрганиб чиқади. У аввало, босими бир хил бўлган жойларни чизик -изобара билан бирлаштиради ҳамда циклон ва антициклонларнинг харитада кандай

жойлашанини аниклайди. Сўнгра уларнинг келажақда қайси томонга силжиёттаникларини ва қай тарзда ривожланишларини билиш учун изобаралардан ташқари яна изотенденция чизикларини ўтказади. Бу чизиклар икки кузатиш оралиғида (3 соат) босимнинг бир хил ўзгарган жойларини тулаширади. Изотенденция чизиклари ҳар бир гектопаскалдан ўтказилади. Бу чизиклар ёрдамида ҳаритада босими камайиб ёки ошиб кетган жойлар аникланади.

Шундан кейин ҳаво массалари ва фронтларнинг хоссаларини аниклаш максадида ранги қаламлар ёрдамида ёмғир, туман, момакалдироқ, кучяли шамоллар бўлаётган ҳудудлар ажратилади. Бир катор қўшимча маълумотлар (ҳаво ҳарорати ва намлигининг баландлик бўйича тақсимланишини кўрсатувчи диаграммалар ва ҳақазомалар)дан фойдаланиб, ҳаритага фронтлар чизилади. Айни вактда олдин мавжуд бўлган ва янги ҳосил бўлган фронтларнинг хусусияти ва тури белгиланади.

Хозирги кунда метеорологик кузатишлар атмосферанинг тури баландликларида ўтказилиши туфайли ер усти кузатишларига биноан тузилган ҳариталардан ташқари, ҳар хил баландликлар учун ҳам ҳариталар тузилади. Жумладан, атмосферанинг юкори катламларида ҳаво босимининг тақсимланишини кўрсатувчи ва **барик топография ҳариталари** деб аталувчи ҳариталар чизилади. Бу ҳариталарда кузатиш маълумотларига асосланиб босими бир хил бўлган **изобарик юзаларнинг** дengiz сатхидан баландлиги қайд килинган бўлади.

Барик топография ҳаритаси атмосфера уюрмалари-циклон ва антициклонларнинг вертикал йўналишида қандай тузилганини аниклашга ёрдам беради.

Ҳаво ҳарорати, намлиги ва шамол йўналиши ҳамда тезлигини тури баландликларда тақсимланишини кўрсатувчи барик топография ҳариталари ва графиклар мулаҳассис-синоптикларга

об-хаво жараёнларининг қай тарзда кетаёттанилигини билиш учун кўшимча катта имконият туғдиради.

Хисобланш марказида хаво босимининг худуд бўйича таксимланиш прогнози ҳар бир изобарик сирт ( $AT_{850}$ ,  $AT_{700}$ ,  $AT_{500}$  ва ш.ў.) учун алоҳида хисобланиб, уни ҳаратига чизиб бериш тамомила тўлиқ автоматлаштирилган. Алоҳида ҳар бир метеоэлементни олдиндан айтиб бериш учун ишлаб чиқилган бир қатор хисоблаш усуллари ҳам ЭҲМда амалга оширилади.

Булардан ташкари Ернинг метеорологик сунъий йўлдоши туширилган булатлар тизимининг фотосурати килинади.

Шундай килиб мутахассис-синооптик кўлида атмосферанинг пастки катламларидағи об-хаво ҳолатини кўрсатувчи маълумотлардан ташкари, юкори катламдаги жараёнларни кўрсатувчи хариталар ҳам бўлади.

Синооптиклар юкорида айтиб ўтилган хариталар ва графикаларни тузиб чиққанларидан кейин, келгусида об-хавонинг қандай бўлишини олдиндан беришга киришадилар.

Об-хавони олдиндан айтиб бериш учун, мутахассис об-хаво хариталаридан бир нечтасини олади. Масалан, эртага бўладиган об-хавони айтиб бериш учун бугун тузилган хариталардан энг охиргисини бошқа вакълар учун тузилган олдинги хариталар билан солиштириб кўради.

Хариталарни солиштириб кўриш жараёнида синооптик ҳар бир туманда об-хавонинг қандай ўзгараёттанилиги, илик ва совук ҳаво массалари, циклон ва антициклонлар кайси томонга ва қандай тезлик билан силжиёттанилигини билиб олади. Циклон ва антициклонларнинг кайси томонга ва қандай тезлик билан силжиёттанилигини билиш, шу циклон ёки антициклоннинг йўлидаги шахарларда қандай об-хаво бўлишини олдиндан айтиб бериш имконини беради/14,30/.

Аммо, бу масалани хал этиш осон эмас. Масалан, циклон ёки антициклонларнинг тезлиги бир сутканинг ўзида ўзгариб колиши мумкин.

Атмосфера фронтлари тогли худудлардан ўтганда секинроқ силжийди, фронт тезлиги ўзгарганда совук ёки илиқ хаво одинданд мўлжалланган худудларга ёйилмаслиги мумкин.

Шимолдан жанубга қелаётган совук хаво ўз йўлини ўзгаририб оркасига кайтиши, яъни жанубдан шимолга караб йўналиши мумкин. Шундай вактларда баъзи туманларда совук хаво ўрнига илиқ хаво таркалади яъни кун исиди. Тескари холда кун совийди.

Айникса Ўрта Осиёдаги тоғлар фондларнинг ҳаракатига катта таъсир этади. Фронд токка якилашиб келганда «кучаяди», булутлар тобора кўпайиб куйуклашади ва улардан ёмғир аралаш кор ёға бошлиди.

Тоғ олди ва тоғли туманларда ёғингарчилик кўпроқ бўлади шунинг учун мутухуссис-синоптик об-хаво прогнозларини тузётганда маҳалий шароитни назарда тутиши керак бўлади.

Агар хавфли, ўта хавфли об-хаво ходисалари (момақалдирок, жала, довул, туман ҳароратининг кескин пасайиши ёки кўтарилиши) кўтарилаётган бўлса тез огохлантириш тузилиб, белгиланган кўрсатма бўйича тегишили жойларга тез орада етказилади.

Шундай килиб, биз кисқа муддат учун об-хаво прогнозлари тузиши тамойили билан умумий тарзда танишиб чиқдик. Ҳакиқатда эса бу масалани хал этиш анча мураккаб иштир. Прогнозни тузишда бир неча синоптиклар иштирок этади.

Кисқа муддатли прогнозлари ҳар хил муддат учун берилади. Ҳамма фойдаланиши мумкин бўлган прогнозлар асосан бир кун (кечаси ва кундузи) учун тузилади. Шулар жумласига, ҳар куни радио ва телевидение оркали Тошкен шахар ва республика учун

Ўзбекистон гидрометеорология маркази томонидан бериладиган прогнозлари киради.

Бундан ташкири, об-ҳаво хизмати айрим корхоналарнинг талабига мувофик маҳсус прогнозларни ҳам беради. Масалан, авиация талабига биноан об-ҳаво прогнозлари самолётларнинг учеб кетиши то кўнишигача бўлган вақт учун ва учиш йўналиши бўйича тузилади. Бу прогнозларни ҳар бир аэропортдаги об-ҳаво хизматининг ходимлари тузади. Об-ҳаво хизмати давлат муассасалари ва корхоналарини кундалик метеорологик бюллетенлар ҳам таминлаб туради.

Об-ҳаво хизмати тузилган прогнозларга биноан, зарар келтириши мумкин бўлган метеорология ходисаларини тегишли муассасаларига билдириб туради.

Келгусида об-ҳаво жакида радио ва телевидение орқали эшиттириладиган хабарлар кучли шамол, ҳавонинг кескин ўзгариши, момакандироқ ва кор бўронларни етказадиган зарарини камайтиришта имкон бермоқда.

Бу киска муддатли прогнозларни аникилиги йил давомида ўртача 92-94%ни ташкил этади.

Гоҳида прогноз нотўғри чиқади. Кишиларда тўғри айтилга прогнозлари эсда колмайди. Лекин об-ҳаво прогнозлари эсда колмайди. Лекин об-ҳаво прогнозидакўрсатилмаган ёмғирда колган кишининг эсида нотўғри чиқкан прогноз узоқ вақт қолади.

Об-ҳаво элементлари ходисаларини(харорат, шамол, чанг-тўён, ёгин-сочин, тез оқим ва ундаги энг катла тезлик, самолётнинг силкиниши, тупрок харорати, намлик, туман, булут, булутларнинг баландлиги, яхмалак, хароратнинг энг паст ва энг юкори киймати ва ш.ў) алоҳида прогноз килиш учун турлича усууллар (график, жадвал, хисоблаш, статистика вах.) ишлаб чиқилган бўлиб, синооптик-метеорологлар томонидан кенг кўлланилади.

## 2.18 Ўрта ва узок муддатли об-хаво прогнозлари

Гидрометеорология марказида бир-икки кунлик об-хаво прогнозидан ташкари, ўрта ва узок муддат учун ҳам прогнозлар тузилади.

Ўрта муддатли прогнозлар республика гидрометеорология марказида асосан ҳар куни кейинги беш кунлик учун тузилади. В.А. Бугаев номидаги Ўрта Осиё илмий-тадқиқот гидрометеорология институтида 36 соат учун яратилган регионал объектив таҳлил ва гидродинамик прогноз, ҳарорат ва ёғин миқдорини 5 кун учун статистик прогноз усулларидан кенг фойдаланилади.

Шунингдек, АҚШ миллий метеорология маркази, Европа об-хаво ўрта муддатли прогнозлари маркази, Москвадаги Жаҳон метеорологик марказ (ЖММ)лардан ГРИД коди бўйича кабул килинаёттан 5-7 кун учун шимолий ярим шар бўйича ҳарита кўринишидаги гидродинамик прогнозлардан кенг фойдаланимоқда.

Узок муддат учун бериладиган об-хаво прогнозлари халқ хўжалигида катта аҳамиятга этадир. Келгуси ўн кунлик, ой ёки мавсумда бўладиган об-хавони олдиндан билиши халқ хўжалигида айрим ишларни режалаб кўйиш ва уларни муваффакияти бажариш учун жуда зарур.

Энди, биз, ана шу узок муддат учун бериладиган об-хаво прогнозлари билан танишиб ўтамиз.

Узок муддат учун бериладиган об-хаво прогнозлари собиқ иттоғода 1922 йилдан бошлаб мунтазам тузила бошлаган. Узок муддатли об-хаво прогнозлари 1 ой ва ундан кўп муддат учун берилади. Бу масалани хал килишда Б.П. Мультановский ва унинг шогирлалининг ишлари жуда катта аҳамиятга эта.

Б.П. Мультановский (1876-1938) томонидан жорий килингандын узок муддатли прогнозининг усули фазода ғоят катта жойни эталлаш билан бирга, узок давом этадиган ривожланиши ва яшаш кобиляяты эта бўлган синоптика жараёнларини ўрганишга асосланган.

Мультановский 1922 йилда биринчи маротаба узок муддатли об-ҳаво прогнозларини тузишни амалга оширган. Б.П. Мультановский унинг шогирдлари олиб борган текширишлар шимолий ярим шарни З та секторга бўлиши мумкинлигини кўрсатади. Бу секторда уларнинг табиий географик хусусиятларини ўзида акс эттирувчи ўзига хос атмосфера жараёнлари бўлиб туради.

Шу минтакаларни Б.П. Мультановский табиий синоптик минтака деб атади. Бу секторлар учун Б.П. Мультановский циклон ва антициклонларнинг алмашиниб туриш конунларини хам табиий синоптика даврини, яъни шу секторларда рўй берувчи синоптика ҳолатларининг ўзариши маълум даврларини аниклаш мумкинлигини топди. Табиий синоптика даврининг бошлангич 2 кунини билиш, шу даврнинг кейинги кунларида атмосфера уюмларининг кайси томонга ҳаракат килишини, бинобарин кайси ерда бўлишини аниклашга имкон беради. Табиий синоптика даври 5-9 кун давом этади. Демак даврнинг биринчи ва иккинчи куни ичida бўладиган жараёнлар характеристининг тўлик аникланиши келгусидаги 3-7 кун учун об-ҳавони оддиндан айтиб бериш имкониятини тутдиради.

Об-ҳавони бир ой ёки бир фаслга оддиндан айтиб бериш учун Мультановский уюрмаларнинг, масалан, антициклоннинг ҳаракат йўлларини ўрганиш юзасидан олган натижаларига асосланади. Мультановский антициклонлар ҳаракатини хариталар ёрдамида узок вакт мабойнида кузатиб, уларнинг маълум йўллар орқали ҳаракат килишини аниклади.

Бу йўлларга антициклон ўқлари деб ном кўйилган. Шу йўллар икки гурухга бўлинади: биринчи гурух йўллар шимоли- шарқдан жануб ёки жануби- гарбга қараб йўналгандир.

Б. П. Мультановскийнинг узок муддат учун бериладиган об-хаво прогнозлари назарияси сўнгти йилларда, айниksа аэрологик кузатишлар мунтазам ўтка зила бошлангандан кейин тез тараккий эта бошлади. Узок муддат учун бериладиган прогнозларнинг бир канча янги усуллари ишлаб чиқилди. Натижада комплекс усул деб юритилувчи бир канча усулларнинг кўшилмасидан фойдаланиш асосида узок муддат учун об-хаво прогнозлари тузилмоқда.

Кейнчалик С.Т. Пагава, Г.В. Вантенгейм ва башкалар узок муддат учун бериладиган прогнозлар усулини такомиллаштириб, янги усулларни ишлаб чиқдилар.

Узок муддатли об-хаво прогнозлари усулини такомиллаштириш ва унинг янги усулларини топиш устида Ўзбекистон олимлари хам катта илмий- тадқикот ишлари олиб бормоқдалар . Бу изланишлар В. А. Бугаев номидаги Ўрта Осиё регионал илмий- тадқикот гидрометеорология иститутида олиб борилмоқда. Ўрта Осиё республикалари учун бир ойлик об-хаво прогнозларини Ўзбекистон гидрометеорология маркази ҳар ойда бюллютенъ шаклида чикариб туради. Маъжур бюллютенда бир ойлик об-хаво прогнозидан ташқари яна қўйидаги маълумотлар келтиради:

- ҳавонинг кўпайиллик ўртача ҳарорати ҳаритаси (меъери);
- ўртача ойлик ҳароратнинг меъердан четлашин ҳаритаси (даражада хисобида) ;
- ўртача ойлик ёғин- сочин миқдорининг таҳсиланиш ҳаритаси ва унинг меъеридан четлашин ҳаритаси ;

• прогноз берилаётган ой учун Ўзбекистон худудининг агроклимий хусусиятиари ва жадвал шаклида икlim маълумотлари.

Узок муддатли об-ҳаво прогнозини тузиш учун ҳозирги пайтда ҳар хил усуллар кўлланилмоқда, лекин мамлакатимизда асосий усуллардан бири синоптик усул хисобланиб, у атмосфера жараёнларининг ривожланиш конуниятига асосланганadir. Бир ой муддатта тузиладиган прогноз учун, шимолий ярим шарда кузатиладиган сўнти 5 ой ичидағи об-ҳаво маълумотлари, атмосфера жараёнлари синчилаб таҳлил этилади. 100 йилдан кўпроқ вактда кузатилган об-ҳаво ахборотларидан иборат бўлган архив маълумотларидан энг якин аналоги (ўхшиши) танлаб олинади.

Кейинги пайтларда тезрок (оператив) ишларда гидродинамика ва статистик усуллардан фойдаланиш янада кентайиб бормоқда. Гидродинамик усуллар ёрдамида ҳар хил юзадаги ҳаво босими майдони, ҳарорати, шамол тезлиги ва йўналиши прогнози 6-7 кунгача барвакт тузилмоқда.

Бундай прогнозлар АҚШ (Миллий метеорология маркази), Англия (Европа ўрта муддатли прогнозлар маркази) ва Россияда (Гидрометеорология маркази) тузилади. Бу марказларда тузилган барча прогнозларни биз Тошкентда кабул килиб оламиз.

Тошкентда В.А. Бугаев номидаги Ўрта Осиё регионал илмий-тадқикот гидрометеорология институтида гидродинамик прогнозлар асосида автоматлаштирилган динамика-статистика тизими яратилган бўлиб, у ҳарорат ва ёғингарчиликнинг 5-10 кунлик прогнозини беради.

Бу прогнозларга, Ўрта Осиё шароитида ҳар хил жараёнларнинг ўзига хос ривожланиш конуниятини яхши биладиган, тажрибали синоптиклар томонидан янада чукур таҳлил этилиб, аниклик киритилади.

Ойлик прогнозларга кейинчалик ўн кунлик ва беш кунлик об-хаво прогнозлари оркали аниклики киритиб борилади.

Ойлик прогнозларнинг аниклиги ўртача 65-70% ни ташкил этади.

### 2.19 Соҳавий об-хаво прогнозлари

Халқ хўжалигининг айрим тармоғи учун мўлжалланган прогнозлар, ишлаб чиқариш фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини инобатта олиб тузилади. Масалан, авиация учун бериладиган об-хаво прогнозларида булулар хусусияти, кўринувчаник масофасини ёмонлаштирувчи ходисалар ёки денгиз флоти учун тузиладиган об-хаво прогнозларида-шамол хусусиятлари, кишлөк хўжалиги учун бериладиган об-хаво прогнозларида-ёғин ва ҳарорат хусусиятларин асосий эътибор каратиласди.

Энди, ана шу маҳсус тузиладиган соҳавий об-хаво прогнозларининг айримлари билан кискача танишиб чиқайлик.

### 2.20 Авиация учун об-хаво прогнозлари

Авиация учун бериладиган прогнозлар ўта киска муддатли бўлиб ҳар уч соатда кейинги 6-12 соат даври учун тузилади.

Ҳар бир аэропортда унинг катта-кичиклигига караб ҳар-хил даражали авиаметеорология станцияси мавжуд бўлиб, аэродром туманидаги об-хавони мунтазам кузатиб боради в барча керакли кузатиш маълумотларини қабул қилади.

Ҳар бир самолётнинг учишида аввал учувчини маршрут бўйича кутиладиган об-хаво маълумоти билан танишитиради; у учиб бориб кўнадиган аэродромдаган об-хаво прогнози билан танишитиради ва унга яқин бўлган бошқа 3-4 та захира (кўшимча) аэродромлардаги кутилаётган об-хаво маълумотлари билан таъминлайди.

Аэродромда самолётларнинг учеб-кўниши учун куйидаги об-хаво шароитлари тўсқинлик киласди: туман, учеб-кўниш майдончасига нисбатан ён томондан эсаёттан шамол, исталган йўналишдаги кучли шамол, чанг-тўзон, паст булатлар, кор, ёмғир ёғиши натижасида кўриниш масофасини ёмонлашуви, майдончадаги тозаланмаган кор, яхмалак, момакалдирок, дўл, довул, куюн ва шу каби ходисалар.

Авиация учун тузиладиган об-хаво прогнозлари унинг қаерда ишлатилишига қараб бир неча кўринишда бўлади:

- аэродром учун об-хаво прогнози;
- аэродром тумани учун об-хаво прогнози;
- аҳаллий хаво йўналишилари бўлиб об-хаво прогнози;
- учиш тумани бўйича (яъни учиш майдони бўйича) об-хаво прогнози.
- ҳалқаро хаво йўналишилари бўйлаб об-хаво прогнози.

Агар учиш даври 2 соатдан ортиқ бўлса экипажга маршрут бўйича кутиладиган об-хаво прогнози ёзма равища берилади. Бу хужжатлар ичидаги асосий ходисалар кўрсатилган об-хаво прогнози харитаси, учиш маршрути бўйлаб атмосферанинг вертикал қиркими, баландлик бўйича шамол тезлиги ва йўналишиларининг прогнози, учиш маршрути бўйлаб атмосферанинг вертикал қиркими, баландлик бўйича шамол тезлиги ва йўналишиларининг прогнози, учиш баландликларидағи хаво катламири учун мутлақ барик топография харитаси, кўниладиган аэродром ва захира аэродром учун тузилган об-хаво прогнози бланклари киради.

Об-хаво прогнози харитасида маълум бир белгилар билан хаво йўналишининг қайси бир худудида самолётнинг силкиниши кузатилиши ёки бошқа бир соҳасида кучли хаво оқимининг кесиб ўтиши, тўп-тўп булатлар, момакалдирок,

ёгин-сочин, ҳаво фронтлари, самолёт қанотларининг муз билан копланиб қолиши кўрсатилади.

Мамлакатимиздаги авиаметеотанцияларда ҳар куни аэрором бўйича ва учиш маршрутлари учун кўплаб об-ҳаво прогнозлари тузилади. Уларнинг аниклиги ўртача 99% ни ташкил этади.

## **2.21. Кишлок хўжалиги ва бошқа тармоклар учун об-ҳаво прогнозлари**

Кишлок хўжалиги экинларининг ривожланиши, хосилдорлиги об-ҳаво шароитлари, хафли ҳодисалар ҳақидаги прогнозлар ва тез огохлантиришлар кишлок хўжалиги юмушларини тўғри режалаштиришлар ва хосилдорликни оширишда муҳим аҳамиятга эга.

Метеорологик ва агрометеорологик ахборотлардан кишлок хўжалик экинларини худудлаштириш, янги навларни етиштириш ва ҳосилни йигиб териб олишни ташкил этиш борасида кенг фойдаланилади. Мунтазам равишда экинларнинг холати, калинлиги, баландлиги унинг маҳсулдорлигини шакилланиши каби фенологик кузатишлар олиб борилади. Шунингдек, турли чукурликдаги тупроқ намлигини ўлчанади.

Умумий майдони 4100 минг га ни ташкил этган 270 тадан ортиқ далаларда тупроқдаги намлик миқдорини аниглаш учун маълум маршрут бўйича доимий кузатишлар ўтказилади.

Бундан ташкари кишлок хўжалик экинларининг ривожланиш даврида умумий майдони 600 минг гектарга якин бўлган бошкодон экинлар (октябрдан апрелгача) ва гўзалар (мартдан августгача) холатини баҳолаш учун ҳар ойда автомаршрут текширишлар олиб борилади.

Бу кузатишлар натижаси асосида бир ой олдин баҳорги чигит экиш ва кузги дефоляция муддатлари прогнози ҳар бир вилоят

учун алоҳида берилади, шунингдек ҳар бир вилоят учун пахта, бошкли дон, шоли маҳсулдорлиги каби агрометеорологик прогнозлар берилади. Бундан ташкири мевали ва тут дараҳтлари, токлар, ёзга, бошкли дон экинлари, яйлов ўсимликлари йўғичкарнинг ривожланиш жадаллиги ҳакида хам агрометеорологик прогнозлар тузилади.

Ўзбекистон республикаси гидрометеорология марказида бир қатор бошқа тармоклар учун хам соҳавий маҳсус об-ҳаво прогнозлари тузилади. Жумладан, темир йўл ва автомобиль транспортлари, ўрмон хўжалиги энергетика каби тармокларни кўрсатиш мумкин.

## 2.22. Об-ҳаво прогнозлари усулларининг тараккиёт йўли

Биз юкорида синооптиклар томонидан бериладиган об-ҳаво прогнозлари ва бу прогнозларни беришда вужудга келувчи айrim кийинчиликлар билан танишиб ўтдик. Хозирги замон фани қандай йўллар билан бу кийинчиликларни ҳал этмоқда.

Бундан ярим аср муқаддам синооптиклар об-ҳаво ўзгаришини аниқ ҳисоблаш учун етарли маълумотлар ва техникага эга эмас эдилар. Шунинг учун об-ҳаво прогнозларининг тўғри ёки нотўғри чикиши кўпинча ана шу синооптикларнинг тажрибаси ва кобилиятига боғлик булас эди.

Эндилиқда олимларимиз об-ҳаво прогнозларига математикани кўллаб, об-ҳавони олдиндан айтиш имконини берадиган тентгламалар тизимини ишлаб чиқдилар. Шундай килиб, об-ҳавони олдиндан айтиб беришнинг миқдорий ҳисоблаш усули пайдо бўлди.

Хўш? Об-ҳавони қанда килиб олдиндан ҳисоблаб бериш мумкин? Атмосферада ҳавонинг ҳаракати Ньютоннинг ҳаракат конуни, масса ва энергиянинг сакланиш конуни ва шунга ўхшаш физиканинг бошқа асосий конунларига бўйсунади. Шу конунлар

асосида хавонинг босими, харорати, намлиги ва хоказоларининг вакт ўтиши билан ўзгаришини хисобловчи тенгламаларини тузиш мумкин лекин бу тенгламаларни ечиш анча кийин. Бу тенгламаларга метеорологик элементларининг ўлчаш жараёнида олинган кийматларини кўйсак келгусидаги об-хавонинг холатини топамиз.

Атмосферага кўлланиладиган тенгламалар гидродинамика ва термодинамика фанларида ишлатиладиган тенгламаларга асосланган ва анча мураккаб.

Биринчи бўлиб 20 асрнинг бошларида инглиз олим Ричардсон келгусидаги об-хавони математик тенгламалар ёрдамида хисоблаб чикишга уриниб кўрган лекин Ричардсон таклиф килган усул билан эртанги кун об-хавосини хисоблаб чикиш учун ўша вактда бир йилдан кўпроқ вакт ичida математик амалларни бажариш керак эди. Бундан ташқари, Ричардсон тузган тенглама баъзибир камчиликлардан холи эмас эди.

Собиқ иттифоқда бу ишни профессор А.А. Фридман, академик Н.Е. Кочин ва бошқалар бошлаб берганлар. Бу олимларнинг шу соҳадаги илмий тадқикот ишлари об-хавони хисоблаш муаммосини ечишга замин яратди. Уларнинг ишини профессор И.А. Кибель давом эттириди. И.А. Кибель ва унинг шогирдлари гидротермодинамика тенгламаларини метеорологияга кўлладилар ва об-хавони олдиндан хисоблаш усулларини ишлаб чиқдилар.

Бу тенгламалар ёрдамида босим, харорат ва шамоллардек мухим метеорологик элементларнинг ўзгаришларини миқдорий хисоблаб чикиш имконияти туғилди. Натижада, фан олдида турган энг мухим вазифалардан бири эртанги кун об-хавосини олдиндан хисоблаб бериш вазифаси асосан ҳал этилди.

Профессор И.Н.Блинова И.А.Кибель усулини тараккий эттириб математика тенгламалари ёрдами билан бир неча кун олдин атмосфера обектларининг асосий элементларини хисоблаб

чикиш усулини топишга мұяссар бўлди. Бу соҳада Ўзбекистон олимларининг ишлари ҳам диккатта сазовордир. Ўзбекистон фанлар академиясини академиги В.А.Бугаев Ўрта Осиёда синоптик жараёнларни ўршаниб, об - хаво прогнозига асос согланлардан бири хисобланади.

Ўзбекистон фанлар академиясining мухбир азоси профессор В.И.Губин гидродинамика тенгламалари ёрдамида фронтал зоналарининг ривожланишини олдиндан хисоблаш усулини ишлаб чиқди.

Шунга ўхшашиб кўпгина ишлар натижасида хозирги вактда об-хавони олдиндан айтиб беришда бир катор янги усуллар топилди. Бу усууллар ёрдамида хаво ҳарорати ва унинг босимини барвакт хисоблаш имконияти бунёдга келди.

Айниқса келгусидаги хаво босимини хисоблаб чикиш катта ахамиятта эгадир. Чунки бундай хисоблашлар асосида келгусидаги босимнинг таксимланишини, бинобарин, об-хаво прогнози учун зарур бўлган келгусидаги паст ва баланд босим бўлган марказларини ва хаво оқимини аниклаш мумкин.

Лекин бу тенгламалари ёрдамида келгусидаги об-хавони киши томонидан хисоблаб чикиш учун бир неча кун ва ойлар талаб килинади. Бунинг натижасида бериладиган прогноз манисиз бўлиб колади.

Хозирги вактда электрон хисоблаш машиналарининг амалиётда қўлланилиши, юкорида айтиб ўтилган тенгламаларни киска вакт ичиде ечиш имкониятини берди. Натижада об-хавони олдиндан айтишнинг кўпгина муаммоларини биратўла ҳал этиш имкониятини берди.

Об-хаво ер юзида узлуксиз равищда ўзгариб туради. Унинг ўзгариши мураккаб қонунга бўйсуниб, ҳали олимлар томонидан охиригача ўрганилмаган шу сабабли об-хаво прогнозини тузиш пайтида барча хисоб китоблардан кейин ҳар доим ноаниклик

элементи қолади. Ана шу иоаниликни мутахассис- синоптик ўзининг тажрибаси, билими хатто илмий бир ички хис билан сезиб тўлдириши керак. Ҳар бир прогноз бу олдин учрамаган масала, янги ечим, илмий изланиш бўлиб, мутахассис киска вакт ичида хал килиши керак, чунки прогнозни бериш вакти қатъий белгилаб қўйилган.

Шуниси кувончилики об-ҳаво прогнозларини такомиллаштириш ва янги усуслар топишда Ўзбекистонлик олимлар ва амалиётчилар факаттина шу худуд гидрометеорологиясини батафсил ўрганишга эмас балки бу фан соҳасида умумжахон билимига катта хисса қўши. Ўрта Осиёда А.Б.Бугаев В.А. Жоржио, М.А. Петросянц, В.И.Губин, Н.Н. Романов ва бошқа олимлар раҳбарлигига 40-50 йилларда бажарилган кенг кўламдаги тахлил соҳасидаги сер унум тадқикотлар, изобарик синоптиканинг ривожи, синоптик жараёнларни турларга ажратиш атмосферани ҳарорат намлик ва шамол бўйича вертикли зонтлаш ва уни метеорологияда кўллаш каби ишларнинг ҳаммаси ҳозирги замон синоптик тахлил ва прогноз усулини асосини ташкил этади.

50 йиллар боши миқдорий ва сифатий гидродинамик тахлил ва прогноз (В.А.Бугаев, В.И.Губин ва бошқалар), статистик-стохастик усулларининг синоптик жараёнлар тахлилига тадбики (В.И.Ромонавский, Т.А.Саримсоков, В.А.Бугаев, В.А.Жоржио ва бошқалар), Ўрта Осиё синоптика жараёнларига орография таъсирини ўрганиш (М.А.Петросянц) ишларнинг ривожланиши билан хусусиятланади.

1958 йилнинг 1 январида Тошкент илмий-тадқикот геофизика обсерваторияси базасида Ўрта Осиё илмий-тадқикот гидрометеорология институти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси хузуридаги гидрометеорология Бош бошқармаси (Бошгидромет)нинг бир кисми бўлиб, Жаҳон

метеорология ташкилоти тизимидағи Тошкент регионал ихтисослаштирилган метеорологик марказ таркибига киради. Бунда ЎОИТГМИнинг об-ҳаво прогнозлари бўлими тўлик автоматлаштирилган технологиялар ва об-ҳавонинг ўтакиска муддатли (12 соаттacha), киска муддатли (3 кунгача) ва ўрта муддатли (10 кунгача) прогноз усулларини яратишда иштирок этмоқда.

Ўша вактларда эркин атмосферада метеоэлементлар майдонлари прогнози учун гидротермодинамика тенгламалари тўлик тизими бўйича модел яратиш ишлари бошланади.

70-йилларда шундай модел асосида тенгламалар тизимини интеграллашнинг бир неча соний усуллари яратилди ва улар бўйича прогноз схемасини ишлаб чикиш учун тажрибалар бошланди.

1970-1980 йилларда Ўрта Осиё регионал илмий тадқикот гидрометеорология институтида объектив назорат ва тахлил усуллари ва схемаларини яратиш бўйича катта изланишлар ўtkазилди.

1982-1985 йилларда амалиёт эҳтиёжларини хисобга олиб геопотенциал, ҳарорат ва шудринг нуктаси майдонларини объектив тахлил килиш технологияси яратилди ва қўллашга тадбик этилди.

Метеоэлементлар назорати ва объектив тахлилнинг тезкор схемалари, тахлил муддатидаги ГРИД кодида келадиган соний прогноз натижаларидан дастлабки маълумот сифатида фойдаланиш, ер сатхи босими ва ҳарорати тахлилида орография маълумотларини эътиборга олиш орқали такомиллаштирилди.

1987 йилда шамолни комплекс назорат этиши ва маҳсус нукталарда ҳароратни назорат килиш программалари ишлаб чикилди.

Тошкентда 1972 йили биринчи марта Ўрта Осиё худудида ҳаво ҳароратнинг 4 кунгача барвакт ҳисобланадиган эҳтиомоллик прогнози «Минск-22» ЭҲМсида тайёрланабошланди. Худуди шу йили ёғинлар киска муддатли прогнозининг регионал гидродинамик модели натижаларига асосланган статистик схемаси тезкор амалиётда кўллашга қабул этилди.

60-70-йилларни ўз ичига олган боскичда статистик прогнозлар, асосан, кузатиш маълумотлари бўйича классик усулларда яратилган бўлиб, у статистик прогнозлар соҳасидаги ишларнинг янада ривожланишига асос тайёрлади.

Ўрта Осиё илмий-тадқиқот гидрометеорология институти ходимлари 80-йиллар бошлида:

- Янги замонавий ЭҲМлардан фойдаланиш имкониятига;
- Жаҳон маълумотлари марказидан термобарик майдонларнинг йил давомидаги архивларини олишга;
- Глобал телеалока муваффакиятлари туфайли АҚШ Миллий метеорологик маркази ва Ўрта муддатли прогнозларнинг Европадаги марказидан (Буюк Британия) босим майдонлари соний прогнозларнинг натижалари Тошкентта келабошлишига эга бўлдилар.

Булар ва бошка омиллар статистик прогнозлар соҳасидаги ишларни ва ҳисоблашларни янги поғонага кўтариш имконини тугдиради. Ҳисоблаш маркази билан ҳамкорликда прогноз тузишнинг ҳамма босқичларини-маълумотларни ёғишида то тайёр прогнозларни алока воситалари ёрдамида Ўрта Осиё республикалари Гидрометмарказларига юборишча бўлган барча ишларни автоматлаширишга эришилди. Статистик ёндашиб ва гидродинамик прогнозлари натижаларини ўзаро бирлашириш киска муддатли ва ўрта муддатли прогнозларнинг замонавий соний схемаларини яратишга олиб келди.

Хозирги вактгача бўлган текширишларда об-ҳавони ўзгариб турувчи жараёнларни ўрганиш, асосан, атмосферанинг пастки катламларида, яъни 8-15 км баландликкача бўлган катламда олиб борилар эди. Лекин, Ер атмосфераси бир неча юз километр калинликка эта. Атмосферанинг пастки катламидаги ҳолати юкори катламидаги ҳолатига боғлиқ ҳолда ўзгариб туради.

Биз юкорида атмосфера жараёнлари, яъни ҳаво циркуляциясининг ўзгариши ҳам аслида Куёш энергияси туфайли бўлишини айтиб ўтган эдик. Кейинги йилларда олимлар томонидан Куёш фаоллигининг асосий об-ҳаво ва иклиномиларига таъсирини ўрганиш максадида илмий текшириш ишлари ўtkазилмоқда. Куёш доғларининг ҳар ўн бир йил ичida кўпайиб туриши, яъни Куёш фаолияти ҳаммамизга маълум.

Куёш фаолиятининг фаоллашиши билан параллел ҳолда Ердаги ҳавонинг алмашиниш тезлигининг кескин кучайини хозирги вактда ҳамма аён бўлди.

Албатта хозир фаннинг бу янги ва кийин соҳасида факат дастлабки қадамлар кўйилди. Аммо хозир килинган озигина иш ҳам бу соҳада бундан кейин килинадиган ишларининг об-ҳаво прогнози усулларини такомиллаштиришда шубҳасиз катта аҳамиятта эга бўлади.

Атмосферанинг юкори катламларида табиатнинг ажойиб ҳодисалари, яъни кутб шласи, кучли магнит бўронлари, радио тўлкинларининг атмосферадан қайтиши каби ҳодисалари бўлиб туради. Бу ҳодисалар ҳам Куёш фаоллиги таъсири остида рўй беради.

Куёшнинг таъсири факат Ер атмосферанинг юкори катламлари билантина чекланиб колмайди. Куёш фаоллигининг бевосита атмосферанинг пастки катламлари ва у орқали Ер кобигининг устки кисмига таъсир кила олиши тугрисида

эндиликда хеч кандай шубха йўқ. Куёшнинг Ер ҳамда атмосферанинг барча қатламларига таъсири ҳозир тамомила аникланган, факаттина бу таъсирининг қандай ва қай тарзда юз бериши масаласигина тўла равшан эмас.

Куёш фаолиятининг Ер атмосферасидаги таъсирини ўрганиш атмосферада рўй берадиган ҳодисаларни билишга ва уларнинг ўзгариш конунларини аниклашга катта ёрдам беради. Булар ўз навбатида олимларимиз учун об-ҳаво прогнозларини такомиллаштириш ишида катта имкониятлар очади.

Атмосферада бўладиган физик жараёнлар ва ҳодисалар ерни қоплаб олган бутун ҳавода бир-бирлари билан узвий боғланишда рўй беради. Аммо, Ернинг ҳамма районларида атмосфера ҳолатини кузатиб борувчи станциялар бир текисда жойлашмаган.

Ер юзининг 70 фоизи океан ва дengизлар билан ишғол килинган. Шу дентиз ва океанларда об-ҳавони кузатиб борувчи станциялар фактат стационар ёки сузиг юрувчи бўйлар ва кемалардагина бор.

Келгусида метеостанциялар Ер юзасида, албатта, бир текисда жойланадилар. Бу масалани ҳал этиш анча кийин бўлганлигидан, ҳалкаро келишув билан айrim йилларда атмосферани ўрганиш учун кенг микиёсда иш олиб бориш ташкил этилмоқда. Шундай кенг кўламдаги текширув ишлари биринчи марта 1882-1883 йилларда, иккинчи марта эса 1932-1933 йилларда бўлган эди.

Ҳалкаро геофизика иили деб аталувчи бундай кенг микиёсда олиб бориладиган кузатишларнинг учинчиси 1957 йил 1 июлдан 1958 йил 31 декабргача бўлиб ўтади.

Кўшгина мамлактларнинг илмий ташкилотлари 18 ой давомида сайёрамизнинг бир қан ча жойларида жумладан, кутбда ва экваторда хилма-хил геофизик текширишлар ўтказди. Бунда Ер атмосфераси, жумладан атмосферанинг юкори қатлами-

ионосфера, магнит ва электр ҳодисалари, космик нурлар, Қуёш радиацияси ва бошқа ҳодисалар текширилади.

Халқаро геофизика иили мобайнида олинган кузатиш натижалари об-хаво прогнозлари усулини такомиллаштириш ва уларнинг сифатини яхшилаш масаласини ҳал этишда ғоят катта аҳамиятта эгадир.

1974 йили 15 июндан 30 сентябргача Атлантика океанининг тропик зонасида «ТРОПЭКС-74» деб номланган халқаро эксперимент ўтказилди. Бу экспериментда жами 35 та кема, 12 та самолёт, кутб орбитаси бўйича метеорологик Ернинг сунъий йўлдоши, бундан ташқари ердаги кўпгина станциялар иштирок этди. Шуниси қувонарлики, бу халқаро экспериментда мамлакатимиз олимларидан икки нафари, яъни Ўрта Осиё илмий-тадқикот гидрометиорология институтининг синооптик тадқикотлар бўлимининг мудири С.И. Иноғомова ва институт илмий ходими Л.Г. Грузиновалар иштирок этилди.

Ўрта Осиё ва унга чегара дош минтақалар осмонидаги булувлар ҳолатини таҳлил килиш, уларнинг йўналишини баҳолаш учун космик ахборотлардан фойдаланиш бўйича тадқикотлар амалга оширилди, тоғли туманлардаги кор захираларини белгилаш усуллари ишлаб чикилди.

Яратилган технологиялар кўмагида Ўзбекистоннинг чўл ва ярим чўл яйловларида озуканинг захиралари аникланмоқда. Ўрта Осиё паст-текисликларида кор билан қопланиш даражаси белгиланмоқда.

Айни кунларда Ўзбекистон худудида бошкли дон экинлари ҳосилдорлигини аниклаш бўйича технологиялар яратилмоқда Ернинг суний йўлдошлари бўйича технология яратилмоқда, Ернинг суний йўлдошлари кўмагида орол денгизи ҳавzasидаги кўллар ва сув омборлари ресурсларининг мониторингини ташкил этиш режалаштирилмоқда.

Шундай килиб сўнги йилларда учирилаётган Ернинг сунъий йўлдошлари ёрдамида белгиланган дастур бўйича куйидаги илмий муаммолар ечими ўрганилмоқда.

- Радиотўлқинларининг тарқалишини тадқик килиш масадида ионосферада зарядланган заррачаларнинг тўпланиб колишини;
- Кам кувватли корпускуляр оқимлар ва заррачаларнинг;
- Космосдан узоқ вакт мабойнида парвоз қилиш вактида радиация хавфига баҳо бериш масадида Ер радиация минтақаларининг энергетик таркибини;
- Космик нурларни бирламчи таркибини ҳамда уларнинг жадал ўзгаришини;
- Ернинг магнит майдонини;
- Куёш ва бошқа космик жисимларнинг қиска тўлкини нурларини;
- Атмосферанинг юкори катламларини;
- Метеор модданинг космик объектлар конструкцияси элементларига таъсирини;
- Ер атмосферасида булат тизимларининг таксимланиши ва хосил бўлишини;

Бундан ташкири космик апаратлар конструкциясининг кўпгина элементлари ишлатилиб кўрилади.

Шу белгиланган дастурнинг амалга оша бошлагани олимларга атмосфера юкори катламлари ва космик фазо физикасини тадқик килишда, об-хаво прогнози усулларини такомиллаштиришда ва уларнинг сифатини яхшилашда янги имкониятлар очмоқда.

## **2.23. Об-хавони махаллий белгиларга қараб олдиндан айтиш.**

Об-хавони махаллий белгиларига қараб, об-хаво прогнозларини кичик худудлар учун аниқлаштириш хамда об-хавонинг айрим ҳодисаларини шу жой учун ва икки соат ҳатто бир сутка олдин анчагина тұғри айтиш мүмкін. Бунинг учун об-хавонинг күп ийлі мабойнида түпленган миллий белгиларидан фойдаланиш керак.

Махаллий белгиларнинг күпчилиги асосан юқоридаги қайд килиб үтілған ҳаво массалари ва фронтлари циклон ва антициклонларнинг келиши ва үтиши билан боғлиқ.

Күйіда биз об-хавонинг келажақдаги үзгаришини күрсатувчи айрим, илмий жиҳатдан тұғри бўлған махаллий белгилари билан китоб-хонларимизнинг таништириб ўтамиз. Аввало шуни айтиб үтиш керакки, қелгусида об-хавонинг қандай үзгаришини битта белгига қараб олдиндан айтиш асло ярамайди. Бунинг учун бир қанча белгиларни солиштириб кўриш лозим. Шу белгилар бир бирига қанчалик кўп тұғри келса, олдиндан кутилған об-хаво шунчалик аниқ айтилған бўлади.

Агар турли белгилар бир бирига зид ёки бир бирига ўхшамайдиган маълумот берса у вактда об-хавонинг олдиндан билиш анча қийинлашади. Бу ҳолда бир бирига мувофиқ келувчи белгиларнинг йигиндисига қараб хulosса чиқаришта ҳаракатта килиши керак.

Агар биз об-хаво кузатишлиарини үзгаришларини хар куни кузатиб айрим махалий белгиларнинг ёки уларининг йигиндисининг тұғри ёки нотұғри чиқишини текшириб турсак, об-хавони олдиндан айтиб берищдаги тажрибамиз ошиб боради; натижада келгусидаги об-хавони кўпинча тұғри айта бошлаймиз.

Энди об-хавонинг келажақда ўзгаришини кўрсатувчи махаллий белгилар билан танишайлик.

•Агар ёгингарчилик тиниб щамол пасая борса ва булултар миқдори кàмая борса хавонинг очилиб кетишини хамда куруқ бўлишини кутиш мумкин. Бундай холларда ёзда хавонинг исиб бориши, кишда эса совиб бориш кузатилади.

•Агар хаво кечаси очик бўлса-ю, эрталаб соат 10 ларга якин осмонда тўп-тўп енгил булултар пайдо бўлса ва улар кундузи соат 2-3 гача катталашиб, кечкурун йўколса бу - яхши об-хавонинг сакланиб туришини кўрсатади.

•Чукур ва паст жойларда кечкурун хамда кечаси туман тушиб, унинг Куёш чиқанидан кейин тарқалиб кетиши хавонинг очик бўлишини кўрсатади.

•Кечаси хаво тинч бўлиб, эрталаб щамол эса бошлиса у тушга якин кучайиб, кечкурун пасайса, бу хавонинг бир неча кунгача очик ва куруқ бўлишини кўрсатади.

•Киши кунлари хаво очилиб кетгандан кейин кундан -кунга совук бўла бошлиса, хаво узок вактгача очик бўлади.

•Об-хавонинг очик ёки кам булатли бўлишини осмоннинг рангига караб хам билса бўлади. Куёш ботгандан кейин тамомила тиник осмоннинг ғарб томонида аник бўлмаган кумушдай шафакнинг кўриниши очик хавонинг сакланиб туришини кўрсатувчи ишончли белги бўла олади.

•Эрталаб турганигизда кўп шудринг ёки киров тушганини кўрсангиз, хавонинг очик бўлишини кутсангиз бўлади.

•Йилнинг иссик ва очик кунларида эрталаб күёш чиқандан кейин осмонда юкори тўп-тўп булат хосил бўлиб, у тез катталашиб бошлиса ва баланд шахта хирмони шаклини олса кечга якин момақалдироқ бўлиб, жала куйишини кутиш мумкин.

• Совук фронт ўтаётган жойда ҳам момақалдиrok бўлиб жала куйиши мумкин. Бу ҳолда яхши очик ҳаво ўрнини тезда совуқроқ ҳаво эгаллайди; Шамол кучая боради, уфқдан тўп-тўп ёмғирли булутлар кела бошлайди. Шунда момақалдиrok бўлиб, кучли ёмғир-жала куйишини кутиш керак. Бундай ёмғирлар айrim ҳолларда дўл аралаш ёғади.

• Совук фронт ўтиб кетгандан кейин ҳаво очилиб кетиши мумкин. Бироқ, аксарият баҳор кезлари ундан кейин булутили ва ёмғирли ўзгарувчан об-ҳаво вужудга келади.

• Кундузи момақалдиrok кузатилса, лекин кечки шафак зархал рангли бўлса, кечаси ёмғир ёғмаслиги мумкин.

• Эрталабки шафак кизил рангда бўлса ва ботаётган Қуёш кизғиши кўриниса кечаси момақалдиrok бўлишини кутиш керак.

• Жуда баланд патсимон булутларнинг юлингандай ва кимирламай осилиб тургандай кўриниши ҳавонинг якин орада айнимаслидан дарак берувчи белги бўла олади.

• Агар кишда кундузи ҳаво очик бўлди, кечкурун шамол эсмаган вактда осмонни паст булутлар қатлами копласа, совукнинг тез орада босилмаслигини кутиш мумкин.

• Агар кечаси ёмғир тоғдан водийга ва кундузи водийдан токка қараб эсса, водийда ҳавонинг очик бўлишини кутиш керак.

• Шамолнинг кундузи ҳам, кечаси ҳам водийдан токка қараб эсиши ҳавонинг айнишидан дарак беради.

• Шундай килиб, биз, об-ҳавонинг илмий жиҳатдан тўғри бўлган маҳаллий белгиларидан бир кисмини кўриб чиқдик.

## **2.24. Об-ҳаво прогнозларини беришдаги айrim хатоликлар ва муаммолар.**

Об-ҳавонинг ўзгариш конунлари батамом ўрганиб чиқилган эмас. Шунинг учун об-ҳавонинг прогнозлари баъзан тўғри

чикмай колади, яъни келгусида кузатиладига об-хаво олдиндан айтилган об-хаводан бошқачароқ бўлади. Шунга карамай ҳозирги вактда берилган 100 та прогноздан ўртача 92 таси тўғри чикади. Шуни эслатиб ўтиш зарурки, обхавони олдиндан айтиб берища унинг ҳамма элементлари бўйича айтилган прогноз амалий жихатдан катта аҳамиятга эга бўлавермади. Масалан, кишлек хўжалиги учун келгусида бўладиган булатнинг баландлигини билиш унчалик зарур эмас, лекин келгусидаги ҳарорат ўзгаришини, айниқса уни  $0^{\circ}$  Сдан пастга ўтишини билиш катта амалий аҳамиятта эгадир. Чунки ҳарорат  $0^{\circ}$  С атрофида бўлгандা, прогноз берища 1-2 $^{\circ}$  хатто кишлек хўжалигига зарар етиши мумкин буни қуидаги мисолдан кўриш мумкин. Мутахассис - синоптик эртага ҳаво ҳарорати  $1^{\circ}\text{C}$  совук билан  $4^{\circ}\text{C}$  илик ўртасида бўлади деб прогноз берса. Ҳакиатда эса ҳарорат  $3-4^{\circ}\text{C}$  совук бўлса. Бу холда кўпчилик сабзавот (помидор, картошка ва х.к) совуқда зарапланадилар. Агар прогноз тўғри берилгандা, кишлек хўжалик ходимлари об-хавонинг бу заарали ҳодисасига карши керакли чорани кўриб кўйган бўлур эдилар.

Кундалик хаётимиизда биз кўпинча радио ва ойнаи жаҳон орқали берилган об-хаво прогнозларини ҳарорат ва ёғинларга оид кисми бўйича баҳолаймиз. Шуни айтиб ўтиш керакки ҳозирги вактда маълум пункт учун маълум соатда ёгин бўлишини олдиндан аник айтиб беринг кийин Шунинг учун ҳам об-хаво прогнозларида кўпинча, « вакт-вакти билан ёмғир », вилоятининг айрим жойларида ёмғир ёғиши кутилади » деган иборалар ишлатилади.

Баъзан бундай воеа ҳам бўлиши мумкин: мутахассис - синоптик Тошкент шаҳрида ёмғир бўлади деб прогноз беради, ёмғир эса шаҳарнинг айрим жойларида ёғиб, бошқа жойларида ёғаслиги мумкин. Масалан, Чилонзор массивига ёмғир ёғса, бу массивнинг ахолиси: синоптиклар прогнозини тўғри берди, деб

мактасалар, Юнусободдаги ахоли у ерда ёмғир ёғмаганилиги учун: прогноз туғри чикмади, деб об-хаво хизматини коййидилар.

Фронт ўтиши билан боғлик бўлган ёғинлар, одатда маълум ва катта худудда юз беради. Шунинг учун ҳам мутахассислар синоптика ҳариталарини қараб бориб, уларни олдиндан айтиб беришда унча кийналмайдилар Аммо ёғинларни маълум шуктда маълум соатда рўй беришини олдиндан айтиб беришда улар анча кийинчиликларга учрайдилар. Масалан, совук ҳаво массаси ичида бўладиган ёғинлар тезда ташкил топиб, тезда йколиб кетадилар. Шунинг учун ҳам синоптиклар бу ҳодисани олдиндан айтиб беришда баъзан хатоликка йўл кўядилар.

Ҳаво ҳароратиниг кескин ўзгариши (юкорида кўриб ўтган эдик) фронтларнинг ўтиши билан боғлик. Берилган пунктда фронтнинг ўтиши билан ўзгариб туради. Шунинг учун ҳам прогноз берувчи синоптик маълум пункт учун ҳароратнинг кескин ўзгарадиган пайтини олдиндан катта аниклиқда айта олмайди.

Қисқароқ килиб айтанимзда об-хаво прогнозларини беришда йўл кўйиладиган баъзи хатоликлар, асосан атмосфера объекtlарининг тараккий килиш ва кўчиш тезлиги ҳамда йўналишини ўзгаририб юборувчи сабабларини яхши билмаслик ёки билганда ҳам ўз вактида хисобга олмаслик натижасида келиб чиқади. Синоптикларнинг баъзан жуда кўпол хатолар килишининг сабаби ҳам шунда. Шунга қарамай, тўғри чиккан прогнозлар сони ҳато чиккан прогнозлар сонидан анча ошиқдир ва об-хаво прогнозларининг ҳалқ хўжалигига келтираётган фойдаси ҳеч вакт шубҳа түғдирмайди. Ўнинг ахамиятини инкор этиш тиббиётнинг ахамиятини инкор этиш билан баробардир, чунки шифокорлар ҳам баъзи касалликка ташхис кўйища хаттолика йўл кўядилар.

### **3-қисм. Ўкув кўлланмасига киритилган атамаларнинг кискача луғовий маъноси\*.**

A

**Авиацион прогноз-авивция учун тузилган об-ҳаво прогнози.**

**Авиаметеорологик станция-учишларни метеорологик  
маълумотлар билан таъминловчи станция.**

**Август психрометри-метеорологик будка ичига ўрнатиладиган  
ҳаво ҳарорати ва намлигини ўлчайдига асосий асбоб.**

**Автоматик радиометеорологик станция-метеорологик  
элементларни автоматик ҳолда ўлчайдиган ва ўлчашиб натижаларини  
радио орқали ҳабар киладиган курилма.**

**Агрометеорология-кишлек хўжалиги метеорологиясининг  
метеорологик шароитларни ўсимликларнинг ўсиши, ривожланиши,  
хосилнинг шаклланиши жараёнлари, агротехник тадбирлар билан  
биргаликда ҳамда уларнинг ўзаро таъсирини ўрганиладиган соҳаси.**

**Агрометеорологик станция-кишлек хўжалиги ишлаб  
чиқаришини агрометеорологик маълумотлар билан таъминлаб  
турадиган ихтисослашган станция.**

**Агрометеорологик кузатишлар-об-ҳаво ҳолати ва  
метеорологик элементлар, ўсимлик ўсиши, ривожланиш ва  
хосилнинг шаклланиши ҳамда тупроқ ҳолати ва унинг асосий  
хоссаларини кузатиш каби ишлар мажмуи.**

**Агрометеорологик прогноз- кутилаётган об-ҳавонинг кишлек  
хўжалиги (ўсимликларнинг ўсиши, кишлек хўжалиги ишларининг  
бажарилиши, агротехник ва бошқа тадбирлар) учун кулайлиги  
даражасини баҳолаш ва хосилни олдиндан айтиш.**

**Адвекция-ҳаво массасининг горизонтал йўналишидаги кўчиши.**

**Актинометр- қуёш радиациясини ўлчашиб учун ишлатиладиган  
асбоб.**

- Изоҳ : Бу бандни тайёрлашда О.Ж. Жўраев, Ф.А. Мўминов ва бошкаларнинг [2] маълумотларидан фойдаланилди.

**Актинометрик станция**-актинометрик кузатишлар ўтказадиган махсус ихтисослашган станция.

**Актинометрик кузатишлар**- ихтисослашган метеорологик станциялардатегишли асбоблар ёрдамида махсус дастур асосида ўртача қүёш вақтининг маълум муддатларда ўтказиладиган кузатишлар.

**Актинометрия**- метеорологиянинг қүёш, Ер ва атмосфера нурланишларини ўрганадиган бўлими.

**Альбедо**- жисм ёки жисмлар тизимининг тушаётган нурни қайтариш кобилиятларини кўрсатадиган нисбий катталик.

**Альбедо ўлчагич**- табиий сирт алббедосини ўлчайдиган асбоб.

**Артик ҳаво**- артикада уюшган ҳаво массалари, яъни шимолий кутб ҳавзасида шакилланган ҳаво массалари.

**Аспирацион психрометр**- сўрувчи вентелятор билан таъминланган психрометр.

**Атмосфера-Ернинг** у билан бирга дунё фазосида ҳаракатланадиган ва аэрозол заррачаларига эга бўлган газ қобиги.

**Атмосфера озони**- атмосфера таркибига кирадиган, оз бўлишига қарамасдан Ердаги ҳаёт учун муҳим газ ( $O_3$ ).

**Атмосферадаги оптик ходисалар**- ёруғликнинг атмосферада синиши, қайтиши, сочилиши ва дифракцияси билан боғлик бўлган атмосфера ходисалари.

**Атмосферанинг парник эффиқти-ернинг** дунё фазоси билан нурий иссиклик алмашинуви жараёнида атмосферанинг химоя таъсири.

**Атмосферанинг радиацион баланси**-атмосфера ютаётган ва ундан чикимларининг алгебрик йигиндиси.

**Атмосфера умумий циркуляцияси**- ер шари устидаги ҳаво оқимларининг йирик кўламли тизими.

**Атмосфера хираги-** атмосферанинг радиацияни сочиш ва ютиш кобилиятини белгилайдиган хусусият.

**Атмосферанинг шаффоффлиги-** қүёш радиациясини ўтказиш кобилияти.

**Афғон шамоли-** амударёнинг юкори қисмида жануби-гарб томонидан эсадиган чант түзонга бойислик шамол.

**Аэролог-** атмосферанинг юкори катламларини тадқикот килиш бўйича иш олиб борувчи мутахассис.

**Аэрология-** метеорологиянинг эркин атмосферани тадқик килиш усуллари хакидаги соҳаси.

## Б

**Баланд босимли жой-баланд** атмосфера босимга эта бўлган изобарлари бери(антициклон) ёки очик ўркач баик тизим.

**Баланд тоғ стансияси-** баланд тоғларда (2000 м дан юкори) жойлашган станция.

**Балансомер-** Ер юзаси ёки атмосферадаги исталган нуктанинг радиация балансини ўлчаш учун ишлатиладиган асбоб.

**Балл-** каталик, жадаллик, сифат ва бока тушунчаларни ифодалайдиган нисбий (шартли) шкала.

**Бар-** босимнинг  $10^5$ Па га teng ўлчов бирлиги.

**Буғ-модданинг газ холати.**

**Булат ўлчагич-** булатларнинг куйи ва юкори чегараси баланддикларини аникладиган шар-зон ёрдамида кўтариладиган асбоб.

**Барограф-атмосфера** босими ўзгаришини узлуксиз ёзib борадиган асбоб.

**Барометр-атмосфера** босимини ўлчаш учун ишлатиладиган асбоб.

**Баҳорги кора совуқ-** ўртача кунлик ҳарорат мусбат бўлганда тупроқ юзаси ёки ўсимликни коплаган ҳаво ҳароратининг нўл даражага пасайиши.

**Биометеорология-** атмосфера мухитида географик ва кимёвий омиллар билан тирик мавжудодлар ўрласидаги муносабатларни ўрганадиган таълимот.

**Биосфера-** таркибни тузилиши ва энергия маңбай, асосан, ўтган ва хозирги замондаги тирик мавжудотлар фаолияти туфайли хосил бўлган Ер минтақалари.

**Босим-** суюклик ва газларда юза бирлигига тик таъсир этадиган босим кучининг модули.

**Бризлар-** кун давомида ўз йўналишини икки марта ўзгартирадиган денгиз ва катта кўллар соҳилида кўп кузатиладиган маҳаллий шамоллардан бири.

**Бугланиш-ўта** тез харакатланаётган молекулаларнинг сув юзаси, кор, муз, нам тупрок, атмосферадаги томчи, кристал ва бошқаларидан узилиб чикиши натижасида сув бугининг атмосфера кўшилиши.

**Бугланувчаник-** маълум жойда мавжуд атмосфера шароитларида бугланиш имконияти.

**Бўлдурок-** туман вактида сув буғи сублимацияси ёки ўта совук томчиларнинг ёпишиши натижасида дарахт шохлари, электр симлар ва бошқаларда муз катлами хосил бўлиши.

**Булатлар-** ер юзасидан баландда, асосан, тропосфера катламида ҳавонинг совуши ва сув буғларига тўйинишидан хосил бўладиган майда сув томчилари ёки муз кристаллари ёхуд уларнинг аралашмасидан иборат тўплам.

**Булатлар баландлиги-** булат катламининг куйи чегараси билан куруқлик ёки сув юзаси орасидаги метрларда ўлчанадиган вертикал масофа.

**Булатлар қавати-тропосфера**да булатларнинг аник турлари жойлашсан катламлар.

**Булатларнинг ҳалкаро таснифи-** тропосферадаги булатларнинг, тур, хил ва кўринишларда хамда кўшимча

белгиларга асосан бўлиниши ва ҳалқаро келишувга биноан қабул килинган номлар билан аталиши.

**Бўрон-** кучли шамол ва паст ҳароратдаги изғирин.

## B

**Вегетация даври-** ўсимликларнинг тўлик ривожланиши, яъни унишидан то ҳосил етилгунга бўлган йилнинг қуладай метеорологик шароитлари даври.

**Вильд флюгери-** шамол йўналиши ва тезлигини аниқлаш учун кўлланадиган стационар қурилма.

**Вильд тахтаси-** вильд флюгеридаги флюгарка устидаги горизонтал ўқса эркин осилиб турадиган металл пластинка.

**Водий шамол-** тоғ ва водий шамоллари.

## G

**Гало-** муз кристалларига эга (катлами-патсимон) булутлар ( $Cs$ )да ёргулкни синиши ва қайтиши туфайли, асосан, доира ёки рангли ёйлар шаклида кўринадиган оптик ходиса.

**Гаримсел-** ёзда Ғарбий Тян-Шаннинг тоғ олди текисликларида жануб ва шарқ томондан эсадиган, хаво ҳарорати  $40^{\circ}C$  гача кўтарилиган, нисбий намлиги эса 5-10% ва ундан ҳам паст бўлган иссик ва қуруқ шамол.

**Гелмограф-** куёш ёритишини кун давомида автоматик кайд этадиган асбоб.

**Гигрограф-** хаво нисбий намлигининг ўзгаришининг кайд килиб борадиган ўзиёзар асбоб.

**Гигрометр-**(намўлчагич) хавонинг нисбий намлигини ўлчаш учун ишлатиладиган асбоб.

**Горизонт уфқ-** очик жойда кўринадиган ер сирти билан осмон гумбазининг кесишган чизиги.

**Традиент-** бирор метеоэлементнинг масофа бирлигida ўзгаришини кўрсатадиган катталик.

Градус даражаси-шамол кисми, бўлаги, харорат ва бурчакларнинг ўлчов бирлиги.

Градиент кузатишлар-Ерга яқин ҳаво катламининг тури баландликларида бир вактда метеорологик элементлар (ҳаво харорати, намлиги, шамол тезлиги ва б.лар) устида ўтказиладиган кузатишлар.

## Д

Денгиз сатхига нисбатан баландлик-Ер сатхи ёки атмосфера (муаян изобарик сирт) бирор нуктасининг дengиз сатхидан баландлиги.

Депрессия- атмосфера босими паст бўлган майдон.

Довул- дengизларда катта тўлкинларни курукликада эса вайронагарчиликни юзага келтирадиган энт кучли шамол.

Дўл- баҳор ва ёз ойларида кучли ёмғирли тўп-тўп булатлардан шарсимон ва ноаниқ шакилли зич муз доналари кўринишидаги атмосфера ёғинлари.

## Е

Ерни метеорологик йўлдоши (ЕМЙ)- об-ҳаво хизмати учун ер юзасининг катта кисмлари устидан атмосфера холатини тезкор кузатишга мўлжалланган Ернинг суний йўлдоши.

Ер сиртининг радиацион баланси-Ер сирти ютган радиацион йигиндиси ва унинг самарали нурланиши орасидаги фарк.

## Ё

Ёғинлар- Ер юзаси ва ундиаги нарсаларга булатлардан ёки ҳаводан ёғадиган суюқ ёки каттиқ ҳолдати сув.

Ёмғир- булатлардан диаметри 0,2 мм ва ундан катта бўлган томчилар кўринишида тушадиган суюқ ёмғирлар.

Ёмғир ўлчагич- булатлардан ёғадиган ёмғирларни йигадиган ва микдорини ўлчайдиган курилма.

**Ёмғирлар таснифи**- ёгиларнинг пайдо бўлиши, тузилиши ва элементларнинг катта кичикилиги бўйича тасниф.

## **Ж**

**Жала-** жадалли маълум чегарадан кам бўлмашн кучли ёмғир.

Жаҳон метеорологик ташкилоти (ЖМТ) хукуматларабо ҳалкаро ташкилот, 1974 й БМТ нинг ихтисослаштирилган муассасаси. Метеорологик кузатишлар ва тадқиқотлар, маълумотларниайирбошлиш ва бошка соҳаларда ҳамкорлик килиш учун ўз фаолиятини 1951 (1873-1951 й-Халкаро метеорологик ташкилот) бошлади. Доимий иш ўрни Женева шаҳрида (Швейцария) жойлашган. ЎзРси 1993 й. ЖМТ аъзоси. Жаҳон об-ҳаво хизмати (ЖКОХ)- жаҳон метеорологик ташкилотининг муассасаларидан бири.

**Жаҳон метеорологик марказлари-** Вашингтон, Москва Мельбурн шаҳрлари жаҳон об-ҳаво хизматининг учта асосий марказидир.

**Жаҳон метеорологик тармоғи-** атмосфера жараёнларини бутун ер шари кўламида тадқиқ килишша хизмат киладиган метеорологик станциялар мавжуд.

## **И**

**Изогиета-** харитада маълум давр учун ёгиндиси тенг бўлган нукталарни бирлаштирадиган чизик.

**Изочизик-** харитада қандайдир скаляр катиалик, масалан метеорологик элемент кийматлари бир хил бўлган нукталарни бирлаштирадиган чизик.

**Изотаха** - вертикал кирким ёки харитада шамолнинг тезлиги бир хил бўлган кийматларни бирлаштирадиган чизик.

**Изотерма** - об-ҳаво ёки барик топография хариталари аэрологик диаграмма вертикал киркимда ҳароратнинг бир хил кийматларини бирлаштирадиган чизик.

**Изобара** - харитада атмосфера босими бир хил бўлган нукталарни бирлаштирадиган чизик.

**Ионосфера** - молекуляр ва атомар ионлар ҳамда эркин электронлар концентрацияси юкори бўлган 50-80 км баландлиқдан бир неча юз (тахминан 400) км гача яъни магнитоферанинг ташки кисмигача чўзилган атмосфера катлами.

**Инерт газлар** - атмосфера ҳавоси таркибида жуда оз микдорда учрайдиган кимёвий бирималарга киришмайдиган элементлар.

**Инсоляция** - горизонтал сиртга келаётган тўғри күёш радиацияси оқими.

**Иклизим**- Ер шаридаги ҳар бир жойнинг географик ҳолатига қараб аниқланган атмосфера шароитлари (об-ҳаво шароитлари)нинг статистик тартиби.Ҳароратининг вертикал градиенти - ҳароратнинг баландлик бўйича вертикал йўналишда масофа бирлигida ( масалаи, 100м ) ўзгариш суръатини ифодалайдиган катталик.

**Иклизимшунослик**-ер шарининг турли -туман минтақаларидағи иклизимни ўрганадиган, иклизим ҳакидаги фан.

## Й

**Йилик амплитуда**- метерологик элементларнинг йил давомидаги энгата ва энг кичик ўртacha ойлик қийматлари айирмаси.

**Йигма ёмғир ўлчагич**- узок давр ёрдамида ёккан ёғинларнинг умумий микдорини ўлчашиб учун ишлатиладиган асбоб.

**Йигинди буғланиш** - буғланиш ҳамда ўсимликлар транспирациясининг йигиндиси.

**Йўлдош метеорологияси**- метеорологик йўлдошлар ёрдамида планетар кўламдаги атмосфера жараёни текшириладиган фан.

## **K**

**Контактли анимометр-** айланувчи насослар ўқига уланган маҳсус контактли хисоблагич ўрнатилган анимометр.

**Келвин-** халқаро бирликлар тизимида (СИ) термодинамик ҳароратнинг ўлчов бирлиги.

Конвенция умуман олганда суюклик ёки юзниңг маълум йўналишида кўчиши; атмосферада маълум ҳажимдаги иссиқлик миқдорининг бир баландликдан иккинчи бир баландликга кўчиши.

**Косачали барометр-** метеорологик станцияларда атмосфера босимини ўлчаш учун ишлатиладиган асосий асбоб.

**Қуий қават булутлари-** 2 км гача баландликда кузатиладиган қатламли ва тўп-тўп қатламли булутлар.

**Кузатиш-** Ер ҳақидаги фанларда, шу жумладан метеорологияда маълум мақсад учун кўп йиллар давомида тиббий шароитда табият ҳодисаларини ўлчаш ва баҳолаш.

**Кузатиш дафтарчаси-** белгиланган мудатларда олиб борилган метеорологик, аэрологик ва шу каби кузатиш натижаларини қайд килиб бориладиган дафтарча.

**Кузатиш муддатлари-** метеорологик кузатишлар ўтказиладиган вақт.

**Кузатишлар қатори-** муаян жойда бирон метеорологик элементлар кийматларининг хронологик тартибдаги қатори.

**Кузатишлар ойлик жадвали-** станциянинг кузатиш дафтарчасидаги ёзувлар асосида маълум тартибда тузилган метеорологик шунингдек аэрологик оптинаметрик элементларни кузатиш.

**Кумушранг булутлар-** 75 метр баландлик оралиғида мезосферанинг қуий кисмларида кузатиладиган, ҳатто юлдузлар нурини ҳам кучсизлантирумайдиган жуда юпка булутлар.

**Күрүвчанлик** - очик уфқда бирор жисмни илгаш мумкин бўлган энг узок масофа.

**Күрүвчанлигини ўлчагич-** кўриш узоклигини ўлчайдиган асбоб.

## M

**Макро об-ҳаво** - макросиноштик жараёнларга хос бўлган, иирик кўламдаги фазо ва узок вақт ичида содир бўладиган ходисалари.

**Максимал ҳарорат-** берилган вақт оралиғи (кун, ўн кунлик, ой, йил)да маълум жойда кузатилган ҳароратнинг энг юкори киймати.

**Максимум-** энг юкори катталик. Масалан, антициклон марказидаги босим максимуми, ҳароратнинг кунлик максимуми ва бошқалар.

**Максимал термометр-** кузатиш муддатлари орасидаги энг юкори ҳароратни қайд килиш учун метеорологик станцияларда ишлатиладиган симобли термометр.

**Максимал-минемал термометр-** дала шароитида кишиги ўсимликлар тўп олган чукурликлардаги тупрокнинг экстремал ҳароратларини ўлчаш учун ишлатиладиган асбоб.

**Максимал шамолли жойлар-** шамоллар ҳаритасида берк изотаха чизиклари билан ифодаланадиган тез оқим ўки бўйлаб жойлашган энг ката тезликдаги шамолли жараёнлар.

**Манометр-** газ ёки суюкликларни босимини ўлчаш учун ишлатиладиган асбоб.

**Махаллий антициклон-** махкур худуд ҳарорати таъсирида юзага келган антициклон.

**Махаллий шамол-** аниқ чегараланган худудда шу худудга хос хусусиятларга эга бўлган шамол.

**Махаллий циклон-** жойнинг ҳарорат шароити, яъни исиган сиртнинг бевосита таъсири натижасида пайдо бўладиган циклон.

**Махаллий циркуляция**- ер сиртининг унча катта бўлмаган кисми устидан шу сиртга хос бўлган атмосфера циркуляцияси (тоғ одди шамоллари в ах.к)

**Метеорологик ахборот-** барча кўринишлардаги метеорологик ахборотлар.

**Метеорологик мачта-** дистацион метеорологик станция датчикларни ёки хар хил метеорологик ахборотларни ўрнатиш учун хизмат киладиган устун (мачта).

**Метеорологик обсерватория**- оддий тармоқ станцияларига нисбатан кенгроқ дастурда метеорологик кузатишларни ва атмосфера жараёнларни устида маҳсус тадқиқот ишларини олиб борадиган илмий ташкилот.

**Метеорологик ракета-** атмосферанинг юкори (хусусан мезосфера ва ионосфера) катламларини тадқиқ килиш учун мўлжалланган ракета.

**Метеорологик маълумот-** метеорологик кузатиш натижаларини хабар киладиган радиограмма ёки телеграмма.

**Метеорологик хизмати-** метеорологик станциялар тармоқлари, илмий тезкор метеорологик муассасалардан таркиб топган давлат ташкилоти.

**Метеорологик куёш доимийси**- Ер атрофидан ўтган радиация спектори асосида хисобланган, киймати  $1,8 \cdot \text{кал}/\text{см}^2$  га якин бўлган куёш доимийси.

**Метеорологик станция**- маълум талабларга жавоб берадиган майдончада жойлашган метеорологик кузатишлар олиб борадиган муасаса.

**Метеоролик маълумотлар**- метеорологик станцияларда ёки экспедиция шароитларида олиб борилган метеорологик кузатишларнинг натижалари.

**Метеорологик кодлар**- метеорологик ва аэрологик кузатишлар натижасида телеграф, телефон ва радио оркали

хабар килинда ишлатыладиган шифр күринишидаги шартлы белгилар.

**Метеорологик кузатишлар**- метеорологик элементларни ўлчаш шунингдек, атмосфера ходисаларини баҳолаш.

**Метеорологик пост(кузатиш жойи)**- метеорологик станцияга қараганда кискартирилган дастур асосида метеорологик кузатишлар олиб бориладиган жой.

**Метеорологик станциялар тармоғи**- бир турдаги ўлчаш асбоблари билан бир хил дастур бүйича кузатиш ўтказиладиган метеорологик станциялар мажмуди.

**Метеорологик хасталиклар**- об-хаво ёки икlim таъсирида келиб чиқадиган хасталиклар.

**Метеорологик хизмат күрсатиши**- халқ хўжалиги маълум тармоқларининг мунтазам фаолияти учун ўтган ва келажак, хозирги, об-хаво хариталари жакида мунтазам ахборот бериш.

**Метеорологик элементлар**- хаво холатининг бир катар хусусиятлари ва баъзи атмосфера жараёнлари (атмосфера босими, хаво харорати, намлиги, шамол ва бошқалар) учун белгиланган умумий ном.

**Метеорологик йилнома**- мамлакат ёки вилоят бүйича метеорологик тармоқтарда бир йил давомида олиб борилган кузатиш натижалари хронологик тартибда берилган нашир.

**Мезопауза**- таҳминан 80-90 км мезосфера ва термосфера орасидаги ўтиш катлам.

**Мезосфера**- стратосфера устида 80-85 км орасидаги постни четарасида  $-90^{\circ}\text{C}$  гача пасаядиган катлам.

**Мезометеорология**- кўлам жихатдан микрометеорологияга қараганда анча ката циклон фаолияти кўламга нисбатан кичик бўлган атмосфера ходисаларнинг таддикоти.

**Метеорология**- атмосферанинг тузилиши, хусусияти ва унда содир бўладиган физик жараёнларни ўрганадиган геофизика Фани соҳаларидан бири.

**Метеорология** бюлитени(ахборотномаси)- метеорологик станция ёки станция тармокларидағи кузатиш натижалари, обхаво шархи, ҳариталари ҳамда прогнозлари келтирилган маҳсус даврий (кунлик, ўн кунлик, ойлик) нашр.

**Микрометеорология**- фазовий кўлам макро- ва мезометеорологиядагига нисбатан жуда кичик бўлган атмосфера шароитлари ва жараёнларини ўрганадиган соҳадир.

**Миллибар-(мбар)**- атмосфера босимини ўлчов бирлиги ҳалқаро бирликлар тизими (СИ)да  $100 \text{ дина}/\text{см}^2$  га тенг

$1 \text{ мбар} = 0,001 \text{ бар} = 1 \text{ гектопаскаль (ГПа)}$ .

$1 \text{ мбар} = 100 \text{ Па}$  (паскалей)

**Миллиметр симоб устуни (ММ. сим. уст)**- симоб барометри ёрдамида аникланадиган босимнинг ўлчов бирлиги;

**Минимал ҳарорат (температура)**- маълум вакт давомида узлуксиз кузатилган ҳаво, тупрок ҳароратларнинг энг кичик киймати.

**Миллий метеорология марказлари**- ҳар бир давлатда ўз мамлакатидаги метеорологик маълумотларини йигищ ва уларни тегишли марказларга юбориш билан шугулланадиган метеорологик марказлар.

**Момакалдирок**- чакмок вактида кузатиладиган товуш ходисаси,

**Мудатли термометр**- тупроқ юзасидаги ҳароратни ўлчашда кўлланиладиган, цилиндрик резервуарлар ва бўлинмаларининг ҳар бир  $0,5^\circ$  дан симбли термометр.

**Муссон**- трапосферанинг куйи катламида ер сиртининг каттагина кисми устида ўналишини йида икки марта қарама-

кариши томонга ёки шунга якин холатта ўзгаририлган ҳаво оқими.

**Мутлак(абсолют)**- намлиқ-  $1\text{m}^3$  нам ҳаводаги сув бугининг граммларда хисобланган массаси ( $\text{Г}/\text{м}^3$ ).

**Мутлак ҳарорат**- мутлак иўлдан хисобланган ва Кельвин шкаласида ифодаланган ҳарорат.

**Мутлак(абсолют) максимум**- метеорологик элементнинг кўп йиллар давомида кузатилган энг ката киймати.

**Мутлак абсолют минимум**- метеорологик элементнинг кўп йиллар давомида кузатилган энг кизик киймати.

**Мутлак(абсолют) нўл**- малекулаларнинг иссиқлик ҳарорати тўхтайдиган чегаравий ҳарорат.

## H

**Намлиқ етишмаслиги**- маълум босим ва ҳароратда сув бугининг тўйинган холдаги ва кузатилган вактдаги эластиклиги орасидаги айрма.

**Нисбий намлиқ**- атмосферадаги сув бугининг ҳақиқий эластиклигининг шу ҳароратдаги максимал эластиклигига бўлган нисбати (фоизларида).

**Нурланиш**- жисмдан нур чикиш жараёни.

## O

**Об-ҳаво**- бирор жой ёки худуд атмосферасидаги метеорологик элементларини узлуксиз ўзгаришлари мажмуи.

**Об-ҳаво бюллетени (ахборотномаси)**- синооптик вазият, об-ҳаво ва унинг прогнози ҳақидаги маълумотлар мунтазам чоп этиладиган ахборотнома.

**Об-ҳаво бюроси**- гидрометиорологиянинг ҳозирги ва бўлиб ўтган об-ҳаво ҳақидаги маълумотларни тўплаш, таркатиш, метеорологик кузатишларни синооптик таҳлил килиш, шунингдек келгусида кузатиладиган об-ҳаво прогнозларини тузиш ва уларни

керакли истеъмолчиларга, яъни давлат, вилоят, шаҳар ҳамда айрим маҳсус ташкилотларга ўз вақтида етказиб бериш билан шуғулланадиган муассасаси.

**Об-хавонинг авиацион харитаси**- метеорологик элементлар, об-хаво ходисалари ва кутиладиган синоптик холатни ифодалайди.

**Об-хавонинг маҳалий белгилари**- прогностик аҳамиятта эга бўлган атмосфера жараёнларнинг ривожининг маҳалий белгилари.

**Об-хаво хизмати** - ҳалк хўжалигини ёки унинг бирор тармоғини, об-хаво прогнозларига тегишли маълумотлар билан таъминлаш вазифасини бажарадиган ташкилот.

**Об-хаво харитаси (синоптик харита)**- метеорологик станциялар тармокларида маълум вактда ўтказилган кузатиш натижалари ракам ва белгилар ёрдамида туширилган географик хариталар. Ерга яқин обхаво харитаси (об-хаво харитаси)

**Озон**- рангиз ўзига хос ўткир хидсиз ва кучли оксидаловчи газ. Уч атомдан иборат аллотропик шаклдаги кислород молекуласи.

**Озонасфера**- атмосферанинг 10-50 км баландликлари орасида жойлашсан, озон концентрацияси юкорилиги билан ажralиб турадиган катлам.

**Ойлик максимум**- берилган метеорологик элементнинг ой давомида кийматлари орасидаги энг катта миқдор.

**Ойлик минимум**- берилган метеорологик элементнинг ой давомида кийматлари орасидаги энг кичик миқдор.

**Ойлик прогноз**- бир ойга берилган об-хаво прогнози.

**Ойлик ёғин миқдорлари**- бирон ой давомида ўлчанган ёғинларнинг умумий миқдори.

**Очиқ**- булатсиз об-хавони ифодалайдиган атама.

## П

**Пардали** нам ўлчагич-намликтин кабул киладиган гигроскопик органик парданинг чўзилишига асосланган намўлчагич.

**Паскаль (Па)**- халкар бирликлар тизими (СИ) даги босим ва механик кучланишнинг ўлчов бирлиги. Сиртнинг  $1\text{m}^2$  юзасига  $1\text{H}$  куч билан бир текисда таъсир этадиган босим.

**Пиранограф**-куёш радиациясини хамда сочилик радиацияни ўзи ёзib борадиган асбоб.

**Пиранометр**-куёш радиациясини хамда сотилган ва қайттан радиацияни ўлчаща ишлатиладиган асбоб.

**Пиранометр-альбедометр** - ўзгарувчап булутиқда альбедони ўлчашга имкон берадиган, 2 та пиранометрдан иборат тизим.

**Пиргелиометр**-куёш радиациясини хамда сочилик радиацияни ўзи ёзib борадиган асбоб.

**Пиргеометр**- эфектив нурланишни ўлчаща ишлатиладиган асбоб.

**Плювиограф**-ёмғир миқдори жадаллиги ва канча вакт ётганлигини кайд киладиган ўзиёзгич асбоб.

**Прашч термометр**- экспедиция шароитларида хароратни ўлчаш учун ишлатиладиган симобли термометр.

**Прогнозларни баҳолаш**- хар бир алоҳида прогнознинг содир бўлган об-хавога якинлик даражасини аниклаш.

**Прогнозларнинг аниклиги**-прогнозларнинг реал об-хаво шароитларига мос келиши даражаси.

**Прогнозларнинг барвактлиги**-прогноз тузилган муддат охиридан прогноз бошлангунча бўлган вакт оралиги.

**Прогностик ҳарита-синоптик** усууллар асосида тузилган келгуси муддатлардаги синоптик холат ҳаритаси.

**Психрометр**- икки термометрдан иборат, улардан бирининг резервуарига хўлланган батист ўралган намлини ўлчайдиган асбоб.

**Психрометрик жадвал**- август ва асмон психрометрлари ёрдамида ўтказилган ўлчашлар асосида ҳавонинг намлигини хисоблаш учун кўлланиладиган жадвал.

**Психрометрик термометр**- психрометрларда кўлланиладиган симоб термометри.

## P

**Радиация**- 1. Электромагнит радиация. Фазонинг ҳар бир нуктасидаги даврий, бир бирига боғлиқ электр ва магнит кучларининг ўзгариши.

2. Корпускуляр радиация. Модданинг элементар зарралари оқими.

Радиактив ёгинлар-атом ва термоядро портлашлари натижасида атмосферага таркалган радиактив моддаларнинг ёгилиши.

**Радиометеорология**-радио тўлкинларнинг трапосферага таркалишига метеорологик шарт-шароитлар таъсирини ва трапосферадаги жараёнларни радиосакция ёрдамида ўрганадиган таълимот.

**Радиоёгинўлчагич**- ёгинларни масофадан туриб ўлчайдиган ва маълумотларни радиосигналлар воситасида узатадиган асбоб.

**Рұмб (йўналиш)**-дунё томонларига нисбатан олинган йўналиш, гаризонт айланаси 16 румбга бўлиниб, румблар ораси  $22,5^{\circ}$  га тенг.

## C

**Савинов термометри**-симобли резервуар билан шкала бошланиши орасидаги кисмда найчаси узайтирилган ва  $135^{\circ}$  бурчак билан букилган тупрок термометри.

**Сароб-** атиосферада нурнинг тўла ичти қайтиши натижасида нарсаларнинг ҳакикий ҳолатларидан ташқари мавхум тасвирлар ҳам кўринадиган руғликтининг амонал рефракция ходисаси.

**Сертификат-**асбобни текширишдан сўнг бериладиган ва асбобнинг тузатмаларини ўзида акс эттирадиган текшириш гувохномаси.

**Симболи барограф-**барометрик найчаси симоб билан тўлдирилган барограф.

**Симболи барометр-** суюқ симоб билан тўлдирилган барометр.

**Симболи термометр-** кимёвий тоза симоб билан тўлдирилган термометр.

**Синоптик прогноз-**синоптик усул ёрдамида берилган об-ҳаво шароитларнинг прогнози.

**Сифон-** косали барометр- сифонли ва барометр бирикмасидан иборат бўлган барометр.

**Сифонли барометр-**найчасининг куйи кисми сифон кўринишида букулган ва бир томони қалайланган барометр.

**Смог-** катта шахар ва саноат районлари устида ҳавонинг тутун, очик газ, буғ ва аэразоллар билан ифлосланиши, туман ва тутун аралашмаси.

**Совук уриш,** қора совук-кунлик ўртacha ҳарорат мусбат бўлганда кечкурун ва тунда ўсимлик қатлами ва тупрок устки қатламидаги ҳаво ҳароратнинг нольдан пасайиши.

**Совук фронт-** иссиқ ҳаво томон ҳаракатланадиган, ўзидан сўнг совук ҳаво олиб келадиган фронт.

**Сокин ҳаво-тезлиги** 0,5 м/с дан кам бўлган шамол.

**Соч толали** гигрометр-ёғизлантиригандан инсон сочи толасининг намликни сезувчанлик хусусиятларга асосланган, ҳавонинг нисбий намлигини ўлчаш учун ишлатиладиган асбоб.

**Спиртли термометр-** спирт билан тўлдирилган термометр.

**Стратопауза-** стратосфера ва мезосфера оралигыда, 50-55 км баландлықда жойлашган чегаралык катлам.

**Стратосфера-** трапосфера устида юкори көнгілікларда 8-10 экватор яқинінде эса 16-18 км дан то 50-55 км баландлыкларға бўлган оралиқда жойлашган ҳарорат -  $40^{\circ}$  ( $-80^{\circ}$ ) дан то  $0^{\circ}$  С гача ортадиган атмосфера катлами.

**Стратосферанинг куйи қатлами-** тропопаузадан 20-35 км баландлықгача чўзилган изотермик катлам.

**Сув буғи-** атмосферада доимо мавжуд бўлган буғ ҳолатидаги сув.

**Суюкли барометр-** Торичелли тажрибаси асосида ясалган, гидростатика конунларига амал киладиган, атмосфера босимини ўлчаш учун ишлатиладиган асбоб.

**Суюқ термометр-** юкори қисми берк капилляр (жуда ингичка найча) билан тулаширилган ва ичига маълум микдорда суюклик (симоб, спирт ва бошка суюкликлар) тўлдирилган резервуардан иборат атмосфера ҳароратини ўлчаш учун ишлатиладиган асбоб.

## Т

**Табобат метеорологияси-** метеорологик шароитларнинг яъни об-хавонинг ийсон саломатигига ва касалликнинг кечиришига таъсирини ўрганадиган амалий фан.

**Таянч метеорологик станция-** кўп йиллик ва бир хил кузатиш маълумотлари асосида ишончли икlimий меёrlарини берадиган метеорологик станция.

**Тезкор прогноз-халк** хўжалигининг бирор аник тармоғи учун маълум вакт оралиғи учун тузиладиган маҳсус об-хаво прогнози.

**Термограмма-хаво** ҳароратини узлуксиз ёзib борадиган термограф тасмаси.

**Термограф-хаво** ҳароратини узлуксиз кайд килиб борадиган ўзиёзгич асбоб.

**Термосфера-** мезопауза устида 80-90 км баландликларда бошланадиган ҳарорат пастдан юкорига кўтарилиб борадиган атмосфера катлами.

**Тоғ-** водий циркуляцияси- кундузлари кизиган тоғ бағри бўйича юпқа катламда ҳавонинг юкорига, тунда эса совуган тоғдан водий томон ҳаракатланиши.

**Тоғ метеорологияси-** метеорологияни тоғларидағи атмосфера шароитлари ва тоғларнинг атмосфера режимига таъсирини ўрганувчи бўлим.

**Тортма термометр-тупрокнинг маълум чукурлигидан** ҳароратнинг ўлчашга ишлатиладиган термометр.

**Третяков ёгин ўлчагичи-** ёгинни қабул қиласидаги кисмининг юзаси  $200 \text{ м}^2$  га тенг цилиндрик челак шамоддан химояланадиган тахтачалар ва ўлчаш стаканидан иборат курилма.

**Туман-** бевосита ер юзаси устидаги ҳавода муаллақ турувчи конденсация маҳсулоти (томчи, кристалл ёки уларнинг аралашмаси) нинг тўпланиши.

**Тупрок буғлатгичи-** тупрок юзасидаги буғланишни аникладиган курилма.

**Тупрок намлиги-** тупроқдаги сув миқдорининг курок тупрок оғирлигига нисбати фойзлар билан аникланадиган катиалик.

## У

**Учар шар-атмосферанинг юкори катламларидағи шамол тезлиги** ва йўналишини аниклаш учун эркин учишга чикариладиган, водород билан тўлдирилган, кобиги каучукдан тайёрланган шар жар- зонд-Водород билан тўлдирилган енгил метеограф очилган ва эркин учишга чикариладиган резинадан ясалган ҳаво шари.

**Уорма-** бирор ўқ отарида ҳавонинг айланма харакатига, масалан, циклон, чанг уормаси куюқ ва бокаларга эга бўлган атмосфера ходисаси.

**Уумий булутлик-** осмон гумбазидаги булутларнинг уумий миқдори.

**Уумий метеорология-** метеорология масалаларининг кенг кўламда камраб олган фан.

## Φ

**Фарангейт даражаси(OF)-**нормал атмосфера босимда музнинг эриш нуқтаси  $32^{\circ}$  ва сувнинг қайнаш нуқтаси  $212^{\circ}$  та тенг қилиб олинган ҳароратнинг ўлчов тизими.

**Флюгер-шамол** йўналиши ва тезлигин ўлчаш учун кўлманиладиган станционар курилма.

**Флюгарка-шамол** йўналишини кўрсатадиган бир ёки бурчак остида жойлашган икки пластинка.

**Фронт-атмосферада** икки ҳаво массалари орасидати метеорологик элементлар кескин ўзгарадиган ўтиш зonasи ёки ажратувчи юза.

**Фенологик прогноз** - дала ишларини бошланиши ва ўсимлик ривожланиши келгуси даврини оддиндан айтиш.

## X

**Халқаро фуқаро авиацияси ташкилоти (ИКАО)-** БМТнинг иктинослаштирилган муассасаси. 1944 й ташкил этилган 1947 й бошлаб фаолият кўрсатмоқда. Доимий иш ўрни Монреал шахрида (Канада) жойлашган. ЎзРес 1992й. ИКАО аъзоси.

**Халқаро синоптик код-синоптик муддатлардаги метеорологик кузатиш натижаларини юбориш учун ишлатиладиган хаокаро микиёсда қабул қилинган шартли белгилар.**

**Хўлланган** термометр-психрометрнинг резервуари кўлланган батист билан ўралган термометри.

**Ҳаво намлиги**-бир қатор катталиклар мутлақ намлик, нисбий намлик аралашма нисбат, солиштирма намлик шудринг нукталари билан аникланадиган ҳаво таркибидағи сув миқдори.

## Ц

**Цельсий даражаси** ( $C^{\circ}$ )- нормал атмосфера босимида музнинг эриш нуқтаси  $0^{\circ}$  ва сувнинг кайнаш нуқтаси  $100^{\circ}$  га тенг килиб олинган ҳароратнинг тизими.

**Циклон**-марказидаҳаво босими паст берк избара (изогипс)лардан иборат бўлган барик тизим.

## Ч

**Чанг тўзон**- ҳавода муаллақ турган майдага микроскопик ўлчамдаги қаттиқ заррачалар атмосфера аэрозоли.

**Чангли бўрон**- кучли шамол таъсирида катта микдордаги чанг ва қумларнинг кўчиши.

**Чангли уюрма**- ер юзасидан чанг кум ва хар хил майдага жинсларни кўтариб кетадиган, кўндаланг кесими бир неча метрга тенглашадиган ҳавонинг уюрма ҳарорати.

## Ш

**Шамол**- ҳавонинг ер сатхига нисбатан горизонтал характеристи.

**Шамол тезлиги**- шамол векторининг йўналишида катий назар, унинг м/с, км/соат ва узел билан ифодаланадиган сонли миқдори.

**Шамоллар гули-муаян** бир жойда эсадиган шамоллар хусусиятини кўрсатадиган диограмма.

**Шахар губори**-катта шахар (саноат марказлари)да махаллий тутун ва чангларнинг муаллақ сузуб юрувчи заррачалари туфайли рўй берадиган ҳавонинг кучли хирадашуви.

**Шаҳар иклими-шахарнинг тузилиши, ишлаб чиқариш корхоналари, кўчалари нима билан қопланганлиги, транспорти, беғ-роғлари ва х.к.-лари таъсирида шакилланадиган, атроф иклимидан фарқ киладиган иклим.**

**Шаҳар тумани-** катта шаҳарларда ёниш маҳсулоти бўлган конденсация ядролориннинг кўплиги, шунингдек ёқилгининг ёниши вактида ҳавонинг сув буғига бойиши натижасида хосил бўладиган ёки кучаядиган туман.

**Шудринг нуктаси-** ўзгармас босим ва берилган сув буғи миқдорида ҳавонинг сув буғига тўйинилиши учун зарур ҳарорат.

## **Э**

**Экзосфера-** 450 км баландликдаги бошлиладиган, енгил зарраларнинг дунё фазасига ўтиб кетиши кузатиладиган атмосфера катлами.

**Экология-** организм ва муҳит орасидаги ўзаро алоқалар хакидаги таълимот.

**Экологик иклимшунослик-** биоиклимшуносликнинг организмларга иклим таъсирини ўрганиладиган бўлим.

**Экспериментал метеорология-** метеорологиянинг баъзи масалаларини экспериментлар асосида хал килиш соҳаси.

## **Ю**

**Ютилган радиация-** куёш радиациясимнинг ер юзаси томонидан ютилган кисм.

**Юқори қавт буултлари-** муз кристалларидан иборат пастсимон, тўп-тўп пастсимон ва қатламли пастсимон буултлар.

## **Я**

**Ягона вакт-** метеорологик станцияларда кузатиш муддатлари айнан бир вактда бўлишини таъминлаш учун қабул килинган маълум меридиан ёки соат минтакаси вакти.

**Яхмалак-** ер сирти ва ундиги жисмлар устига ёккан ёмғир ва шивалама ёмғирнинг ўта совиган томчиларининг яхлашидан хосил бўладиган нихоятда зич муз қатлами.

**Ядро метеорологияси**-атмосферадаги радиактив аралашма (аэрозол ва газ)ларнинг тарқалиши ва атмосфера жараёнларини ўрганиш учун радиактив изотопли атомларни кўллаш билан боғлиқ бўлган масалалар мажмуини ўрганадиган соҳа.

## Ү

**Ўлчаш-физик** катталикларнинг сон қийматини қабул килинган ўлчов бирликларида ўлчов асбоблари ёрдамида аниқлаш, масалан, ҳаво ҳарорати босим ва намлигини ўлчаш.

**Ўлчов бирлиги-** бир жинсли физик катталикларнг миқдорий ўлчашда асос қилиб олинган катталик қиймати.

## Қ

**Киров-радиацион** совуш натижасида ер юзаси ва унинг устидаги буюмларда хосил бўладиган, юпқа нотекс муз кристаллари.

**Кор-булутлардан** ёғадиган кристал шаклдаги қаттиқ ёғинлар.

**Корўлчагич-** кор зичлигини ўлчашда ишлатиладиган асбоб.

**Киска муддатли ёғинлар**-ёмғирли тўп-тўп булулгардан яrim кун давомида 3 соатдан камрок вақт мабойнида ғадиган ёғинлар.

**Киска муддатли прогноз-1-3** кунга бериладиган об-ҳаво прогнози кўта киска муддатли прогноз.

**Куёш радиацияси**-электро-магнит тўлкинлар кўринишида ер атмосферасига кириб келадиган куёш нури.

## Ҳ

**Ҳаво-Ер** атмосферасининг ташкил этадиган газлар аралашмаси.

**Ҳаво босими-ҳавонинг бирлик юзага пепендикуляр равища  
таъсир этувчи кучига сон жихатидан тенг бўлган катталик.**

**Ҳаво массаси-трапосферанинг китъя ва океанларнинг  
каттагина қисмини эгаллаган, ўз ичида умумий циркуляциясида  
иштирок этадиган қисми.**

**Ҳаво массасининг келиши-Ер юзасининг муаян худудига  
кўшни худудлардан ҳаво массасининг бостириб келиши.**

### **Адабиётлар**

1. Ислом Каримов «Ўзбекистон иктиносидий ислоҳатларни чукурлаштириш йулида» Тошкент, Ўзбекистон нашриёти, 1995 й.
2. Железняков Г.В., Неговская Т.А., Овчаров Е. «Гидрология, гидрометрия и регулирование стока» М., «Колос», 1984 г.
3. Акбаров А.А., Каримов С.К. «Мухандислик гидрологиясидан укув кулланмаси» Т., «Узгипрозем», 1990 й.
4. Акбаров А.А. «Метеорология фани бўйича маъruzалар тўплами» ТИКХМИИ босмахонаси Тошкент 2001 й.
5. Мухторов Т.М. «Эртанги кун об-хавоси», Тошкент, 1999 г.
6. «Гидрометеорология Узбекистана-успехи, проблемы, перспективы» (Под ред. В.Е.Чуба, Л.Н.Боровиковой, Н.С.Гавриловой), Ташкент, САНИГМИ, 1996 г.
7. Тверской П.Н. «Курс метеорологии» Л., Гидрометеоиздат, 1962г.
8. Хромов С.П., Петросянц М.А. «Метеорология и климатология» М., МГУ, 1994 г.
9. Гирков Ю.И. Агрометеорология Л.:Гидрометеоиздат, 1986 г.

### **Қўшимча адабиётлар**

1. Глазырин Г.Е., Чанышева С.Г., Чуб В.Е. «Ўзбекистон иклимининг кискача очерки» Тошкент, 1999 й.
2. Жўраев А.Д., Муминов Ф.А. ва бошқалар «Русча-узбекча лугат (атамалар, тушунчалар)» УОИТГМИ нашриёти, Тошкент, 1998 й.
3. Бугаев В.А. «Климат Средней Азии» изд. Аи УзССР, Ташкент, 1946 г.

## **Мундарижа**

<b>Сўз боши.....</b>	<b>3</b>
<b>1- қисм. Фан ҳакида маълумотлар.</b>	
1.1. Метеорология фанининг мавзуси, вазифалари, унинг бошқа фанлар билан боғланганлиги.....	5
1.2. Ўзбекитон Республикаси Вазирлар Махкамаси хузуридаги гидрометеорология хизмати.....	8
<b>2 - қисм. Метеорология</b>	
2.1. Ер атмосфераси ҳакида маълумот.Атмосферанинг тузилиши ва таркиби.....	11
2.2. Ўрта Осиёнинг иқлимий шароитлари.....	15
2.3. Метеорологик кузатишларни ташкил этиш.....	21
2.4. Қуёш радиацияси.....	29
2.5. Тупроқ ҳарорати.....	36
2.6. Ҳаво ҳарорати.....	43
2.7. Ҳаво намлиги.....	53
2.8. Булутлар.....	62
2.9. Атмосфера ёғинлари.....	70
2.10. Атмосфера босими.....	78
2.11. Шамол.....	88
2.12. Атмосфера уюмлари.....	94
2.13. Халқ ҳўжалиги учун хафли бўлган метеорологик ходисалар.....	100
2.14. Метеорологик катталиклардан қишлоқ ҳўжалигига унумли фойдаланиш усуллари.....	104
2.15. Об-ҳаво прогнози усуллари.....	108
2.16. Ўрта Осиё синоптик жараёнлари.....	109
2.17. Қиска муддатли об-ҳаво прогнозлари.....	111
2.18. Ўрта ва узоқ муддатли об-ҳаво прогнозлари.....	116
2.19. Соҳавий об-ҳаво прогнозлари .....	120
2.20. Авиация учун об-ҳаво прогнозлари.....	120

2.21. Қишлоқ хўжалиги ва бошқа тармоклар учун об-ҳаво прогнозлари.....	122
2.22. Об-ҳаво прогнозлари усулларининг тарраккёти йўли.....	123
2.23. Об-ҳавони маҳаллий белгиларга қараб олдиндан айтиш.....	133
2.24. Об-ҳаво прогнозларини беришдаги айрим ҳатоликлар ва муаммолар .....	135
3-кисм. Ўқув кўлланмасига киритилган атамаларнинг кисқача луговий маъноси .....	138
Адабиётлар.....	163

**А. Акбаров., Д. Назаралиев., Х. Абдуллаев**

# **Метеорология дан ўқув кўлланма**

**Муҳаррир: М.Нуртоева**

---

Босишига руҳсат этилди 28.02.2008 й. Қоғоз ўлчами 60x84, 1/16,  
хажми 10.4 б.т. 35 нусҳа, Буюргма№ 111.

ТИМИ босмахонасида чоп этилди.  
Тошкент 700000, Кори-Ниёзий кўчаси 39 уй.